

Абу Бакр Мұхаммад ибн Жаъфар Наршахий

БУХОРО ТАРИХИ

Тошкент
«Шарқ машъали» журналига илова
«Шарқ баёзи»
1993

Қўлнингиздаги китоб Ўрта Осиёнинг VIII—XII асрлардаги сиёсий, иқтисодий ва маъниятини ёритишда хозирги замон тарих фани учун асосий ёзма манба хизмати ўтаб келаётган «Бухоро тарихи» («Тарихи Бухоро»)нинг форс-тохик тилидан ўзбекч. таржимасидир.

Асар мазкур даврлар тарихига онд бош манба ва ўрта асрлар тарихий адаби. дан намуна сифатида тарихчи мутахассислар ва умуман китобхонлар диккатига тақд этилади.

МУҲАРИРДАН

Кўлингиздаги «Бухоро тарихи»ни Ўрта Осиёning ерли ҳалқлари омонидан қачонлардир ёзилиб, энди ўтмиш асрлар сахифаларини ёриши учун хизмат қилиб келаётган нодир ёзма ёдгорликларнинг энг қадими. Даридан биридир дейилса, хато килинмаган бўлади. Дарҳақиқат, бундан 1000 йил муқаддам Ўрта Осиёning ўзида, ўз фарзанди қўли билан ёзилиб, тугал бир асар ҳолида бизнинг кунларгача етиб келган бошқа тарихий манба ҳозир бизга маълум эмас. Шунинг учун ҳам «Бухоро тарихи»ни Ўрта Осиё ҳалқлари тарихнавислик фанидаги энг ғаслабки асарлардан бири деб ҳисоблайдилар.

Бу асар, асосан, Ўрта Осиёда араблар истилоси натижасида ислом заминнинг тарқатилиши (VIII аср) ва ундан бевосита олдинги даврлар замда IX—XII асрлардаги Бухоро ва унга яқин шаҳар-қишлоқлар ҳалқарининг иктисадий, маданий, ижтимоий, сиёсий тарихига оид маълумотларни ўз ичига олган ва бу ҳол «Бухоро тарихи»нинг замматли бош манба сифатида тарих фанида зўр шуҳрат топшишига асос соглан¹.

Асарнинг ҳозирги давргача етиб келиш тарихи бошқа қўлёзма манбалардан кўра бошқачарок бўлиб, уни ўрганишдан аввал бу ҳақда

¹ Асарда келтирилган маълумотлар ҳозирги замон илмий-тарихий, адабиётида бошқа ёзма манбалар ҳамда археологик, топографик, этнографик ва ҳоказо турли хил материјаллар билан солиштириб бир қедар ёритилган. Шу туфайли биз бенгалия асарнинг ёзилиш ва асрлар оша бизнинг давримизгacha етиб келиш тарихи замда ушбу ўзбекча нашрнинг кандай тайёрланганилиги борасидагина сўзлаб ўтишини кўркул деб билдиқ. Кўрсатилган давр бўйича тўла тарихий маълумот олмокчи бўлган заматлини китобхонларга «Ўзбекистон ССР тарихи» (1 т., 1-китоб, Тошкент, 1956), В. Бартольднинг «Туркестан в эпоху монгольского нашествия» (Москва, 1963), А. Шишикяннинг «Вараҳша» (Москва, 1963), «История таджикского народа» (т. II, I, Москва, 1964). О. А. Сухареванинг «К истории городов Бухарского ханства» (Ташкент, 1958) каби йирик асарларга ва уларда кўрсатилган бошқа тарихий адабиёт-назар солишини тавсия этамиз.

кискача маълумотга эга бўлиб олиш унда келтирилган маълумотла
дан тўғри фойдаланиш учун албатта зарурийдир. {

«Бухоро тарихи»нинг бош сўзида айтилғанидек, уни дастава Бухоронинг Наршах кишлогидан бўлган Абу Бакр Мұхаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий 943—944 йилларда араб тилида ёзган. Ҳозирд Наршахийнинг номи Ўрта Осиёning VII—XII асрлар тарихига оғдеярли барча илмий тадқикот ишларида тилга олинади-ю, аммо уни хаётига оид бирор тўлик маълумот келтирилмайди. Бунга сабаб, уни ўз асарида ҳам ва унга якин даврларда яшаган бошқа муаллифлар асарларида ҳам шундай маълумотларнинг келтирилмаганлигидир. Факат Самъонийнинг «Қитоб ул-ансоб» асарида унинг, тўла номи Абу Бакр Мұхаммад ибн Жаъфар ибн Закариё ибн Хаттоб ибн Шарик эканлиги ва у Бухоро ахлидан бўлиб, 286 (899) йили туғилган ва 348 (959—960) йили вафот этганлиги эслатилади². «Бухоро тарихи»нинг эса араб тилидаги асл нусхаси биззагача етиб келган эмас, тўғрироғи, ҳали шу вактгача унинг мавжудлиги ҳақида бирор маълумот йўқ.

Гап шундаки, асарнинг бизгача етиб келган нусхасининг баш сўзида айтилишича, 1128 йили асли хозирги Қува шаҳаридан бўлди Абӯ Наср Аҳмад ибн Мухаммад ибн Наср ал-Кубовий Наршахийнинг китобини «кўпчилик кишилар араб тилида ёзилган китобни ўқишига рағбат кўргазмаганликлари» сабабли ўз дўстларининг илтимосига биноа арабчадан форс-тожик тилига таржима килган. У «араб тилидаги нуҳада сўзланган кераксиз ва бунинг устига ўқиганда [киши] табнати малоллик ортирадиган нарсалар»ни таржимага киритмай кискартиб юборган. Ундан ярим аср ўтгандан кейин асар яна қайтадан та рирга учраган: 1178-1179 йиллар мобайнода Мухаммад ибн Зуф ибн Умар форс-тожик тилидаги таржимани иккинчи марта кискартиб баён килган. Аммо асарни ўқир эканмиз, биз унда, баъзан, мазъ 1178-1179 йилдан кейинги то 1220 йилгача бўлиб ўтган тарихий воллар ҳақида ҳам, (масалан, Текрон нашрининг 31, 42-бетида) киска-киска маълумотлар учратамиз. Бу ҳол шуни кўрсатдики, Мухаммад ибн Зуфардан кейин ҳам бир ёки бир неча бизга номаълум кишилар асарни таҳрир килганлар. Улар ҳам асарни кискартирганлар дейишила

² «Бухоро тарихи»нинг Техрон нашрини (1939 йил) тайёрлаган Мударрис Риза нинг муқаддимаси:

بن زفر بن عمر و نصحیح مدرس رضوی، تهران، ۱۳۱۷ (۱۹۳۹)، نظریهٔ ابو نصر احمد بن محمد بن نصر القوباوی، تلخیص (۳۴۸۱)، نزدیک ابو بکر محمد بن جعفر النرشی خ بخارا، تألیف

ғс бўлмаса-да, лекин қўшимчалар киритганликлари воқеалар мазнидан аник англашилиб турибди³.

«Бухоро тарихи»нинг биз танишишга мұяссар бўла олганимиз барча кўлэзма нусхалари, улар орасидаги баъзи фарқлардан қатъий назар, ана шу 1220 йилгача давом эттирилган текстни ўз ичига олади. Наршахийнинг ҳамда унинг асарини бевосита қайта ишлаб арабчадан форс-тожик тилига таржима қилган Абу Наср Аҳмад ва бу таржимани қисқартириб баён этган Мұхаммад ибн Зуфарларнинг асл текстлари эса ҳозиргacha ҳам манбашунослик фани учун номаълумлигича колиб келмокда. Лекин бизгача етиб келган асар текстининг мазмунига караганда, шуни айтиш мүмкінки, таржимон Абу Наср Аҳмад ҳам, қисқартирувчи муҳаррир Мұхаммад ибн Зуфар ҳам ўз ишларига оддий таржима ёки таҳрир тарзida караган эмаслар. Асарнинг кўп ерларида унинг автори Абу Бакр Мұхаммад ибн Жаъфарға (қаранг: Техрон нашри, 1, 4, 8, 16, 17, 22, 25, 29, 36, 37, 40, 44, 45, 56, 57, 63, 70, 77, 85, 87 ва 110-бетлар) ҳамда таржимон Абу Наср Аҳмадга (15, 26, 27, 29, 38, 40, 44, 58, 70, 77, 88, 89 ва 115-бетлар) илова килиб сўзланган жумлалар шуни кўрсатадики, таржимон Абу Наср Аҳмад ҳам, қисқартирувчи муҳаррир Мұхаммад ибн Зуфар ҳам ўз ишларига мустакил бир тус берганлар⁴.

Таржимон Абу Наср Аҳмад Наршахийнинг араб тилидаги нусхасида мавжуд бўлган баъзи мавзуларни ташлаб кетиш билан бир қаторда асарга катта тарихий қимматга эга бўлган кўпгина маълумотларни қўшган ва бунда у ўз давридан илгариги воқеаларни ёритиш учун бошка тарихий манбалардан фойдаланган. Бу манбалардан бири Абу Наср Аҳмаднинг ўзи кўрсатиб ўтгани (қаранг: Техрон нашри, 4, 25, 27, 29 ва 40-бетлар) Абу-л-Ҳасан Абдураҳмон [ибн] Мұхаммад Нишопурининг «Хазоин ул-улум» номли асаридир. Бу асарнинг бизнинг давримизгача етиб келган-келмаганлиги ҳозирча маълум эмас. Аммо ундан келтирилган «Бухоро тарихи»даги айрим сатрларнинг ўзи ҳам Абу-л-Ҳасан Абдураҳмоннинг китоби нақадар мухим бир тарихий манба бўлганлигини кўрсатади. «Хазоин ул-улум»дан маълумотлар келтири-

³ Асарга кўп кишилар ўз таҳририни киритганлиги кўпчилик тадқиқотчилар томонидан қайд этилиб келган, улардан бири, масалан, Эрон олимни Мұхаммад Тақи Баҳор «Малик уш-шуаро»дир:

چاپ دوم، تهران، ۱۳۲۷ (۱۹۵۸) مص ۳۲۲-۳۱۸

⁴ Абу Наср Аҳмад ва Мұхаммад ибн Зуфарларнинг «Бухоро тарихи»га киритган ўзгартышлари микдори ва Наршахийнинг асл нусхасига қўшимчалар киритган киши асосан Абу Наср Аҳмад эканлиги хакида О. А. Сухареванинг «К истории городов Бухарского ханства» (Ташкент, 1958) номли асарнинг кириш қисмидаги бир оз тўхтаб ўтилган бўлса ҳам, бу масала ҳали узил-кесил ҳал қилинган эмас ва келажакда яна илмий тадқиқот ишлари олиб боришни талаб килади.

лиши ҳақиқатан ҳам Абу Наср Ахмад ибн Мұхаммад томонидан бирлігінде көз картирувчи мұхаррір Мұхаммад ибн Зуфарни номидан келтириб: «Ахмад ибн Мұхаммад ибн Наср... шундай де. Абулхасан Нишопурій «Хазоин ул-улум»да айтишича...» деган сүзләри (Ўқаранг: Техрон нашри, 28-бет) шубҳасиз далилдір.

Ана шу мазмундаги күп жумлалар яна шуни күрсатадықи, Наршахийнинг асарига күшімчалар кириктган киши асосан таржимон Абу Наср Ахмад бўлиб, Мұхаммад ибн Зуфарнинг иши, катъий килиб айтта олмасак ҳам, форс-тожик тилидаги таржимани «қисқартириб баён килиш»дан иборат бўлган.

Таржимон Абу Наср Ахмад ва ундан кейинги мұхаррірлар асар текстига анчагина ўзгартишлар кириктган бўлсалар ҳам, лекин Наршахий номини мусанніф-автор сифатида сақлаб қолганлар; масалан, асардаги: «Бу китобнинг мусанніфи айтади» (каранг: Техрон нашри, 4-бет) деган сўзлар буни яққол исботлай олади. Лекин, шунга қарамай, асардаги бир қанча маълумотлар Наршахий ўз китобини ёзиб туғаллагандан (944) кейинги таржимонга яқин (1128) даврларга оид эканлигига кўра, биз бу маълумотлар автори деб Абу Наср Ахмадни ёки ундан кейин китобни қисқартириб таҳrir килган Мұхаммад ибн Зуфар ва бошқа ҳозирча номлари аникланмаган шахсларни танишимиз лозимлигини тақозо этади.

Наршахий аслида ўз асарига қандай ном берганлиги маълум эмас. Шу сабабли асар кўлэзма нусхаларда ва ҳозирги замон илмий-тариҳий адабиётида ҳам «Тарихи Наршахий» («Наршахий тарихи»), «Тарихи Бухоро» («Бухоро тарихи»), «Таҳқиқ үл-вилоят» («Вилоят ҳақиқатини аниқлаш»), «Ахбори Бухоро» («Бухоро ҳақида хабарлар»)⁵ каби ҳар хил номлар билан юритилиб келган. Бу номлардан кейинги учтаси асар мазмуни бўйича тўғри бўлиб, улардан энг аниғи — «Тарихи Бухоро» ҳозирда тарихий адабиётда катъий ўрнашиб қолди, «Тарихи Наршахий» деб аталиши эса юкорида эслатиб ўтганимиздек, асарнинг бизгача этиб келган нусхаси Наршахийдан бошқа кишиларнинг ҳам кўшимча ва таҳrirлари, қисқартиришларига учраганлиги туфайли тобора камрок ишлатилиб келмоқда. Шунга биноан, ушбу нашрда ҳам асарнинг номи «Бухоро тарихи» деб қабул килинди.

«Бухоро тарихи»ни бош манба сифатида ўрганиб, ундаги кимматли маълумотларни илмий тадқиқотларга жалб қилиш ишлари кўп вактлардан бери давом этиб келмоқда. Бухоронинг VIII—XII асрлардаги тарихидан баҳс этувчи ҳозирги замон йирик илмий тадқиқот ишларининг ҳаммасида ҳам «Бухоро тарихи»дан олинган маълумотларни учратамиз десак, муболага қилмаган бўламиз. Шу билан баробар

⁵ «Собрание восточных рукописей АН УзССР», т. I, Ташкент 1952, стр. 46, № 92.

а) ярнинг бир ёки бир канча қўлёзма нусхалари асосида тайёрлан-
мак тексти ҳам бир неча бор — 1892 йили Ч. Шефер томонидан Париж-
да⁶, 1904 йили Мулло Султон томонидан Бухорода⁷, 1939 йили Мудар-
рис Ризавий томонидан Техронда⁸ нашр қилинганд. Шунингдек, «Бухоро
тарихи»нинг Н. Лиқошин томонидан бажарилган изохли русча таржи-
маси 1897 йили Тошкентда⁹ ва Р. Фрайнинг изохлар илова этилган
инглизча таржимаси 1954 йили Кембрижда¹⁰ босилиб чиқди.

* * *

«Бухоро тарихи»нинг кенг ўқувчилар оммаси диккатига тавсия
етилгаётган ушбу ўзбекча таржимаси бундан бир неча йил бурун Ўзбе-
кистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институттида асарнинг
Париж ва Бухоро нашрлари ҳамда мазкур институттинг қўлёзмалар
фондида сакланаётган 5388/II ракамли 1235 (1819—1820) йили кўчирил-
ган қўлёзма нусхаси асосида бажарилган эди. Сўнгроқ, таржимани
тахрир килиб, нашрга тайёрлаш асносида босма ва қўлёзма нусхалар
сони яна кўпайтирилиб, таржима қайтадан кўриб чиқилди ва баъзи
текстологик изохлар тузилди. Чунончи, бу ишга «Бухоро тарихи»нинг
Техронда Мударрис Ризавий томонидан нашр қилинганд форс-тожик
тилидаги киёсий нашри (таржима тексти ҳошиясида бетлари кўрса-
тилди, изохларда Т ҳарфи билан белгиланди) ва ССР Фанлар ака-
демияси Осиё халклари институтининг Ленинград бўлимида саклана-
ётган 1008 (1599—1600) йилда кўчирилган 675 ракамли ҳамда Тожи-
кистон ССР Фанлар академиясининг Шарқ қўлёзмалари фондидағи
1060 (1650) йилда кўчирилган 513/II ракамли¹¹ қўлёзма нусхалар жалб
килинди. Бу қўлёзма ва босма нусхаларни бир-бирига тақослаш на-
тижасида Техрон нашрини асос қилиб олиш мувофик топилди. Чунки
гарчи бу нусха ҳам айрим камчиликлардан холи бўлмаса-да, умуман
олганда бошқа қўлёзма ва босма нусхаларни назарда тутиб нашрга
тайёрланганлиги билан эътиборга сазовордир¹². Бу босма нусханинг
камчиликларини текшириб бориш учун эса асосан Париж босмаси

⁶ Description topographique et historique de Boukhara par Mohammed Necshakhy, texte persan, public par Charles Schefer, Paris, 1892.

⁷ تاریخ نرخشی، Новая Бухара, Каған, 1904.

⁸ Юкорида тўла келтирилган иловага каранг.

⁹ Мұхаммад Наршахи. История Бухары, перевел с персидского Н. Лиқошин, под редакцией В. В. Бартольда, Ташкент, 1897.

¹⁰ The history of Bukhara. Translated from a Persian Abridgment of the Arabic original by Nershekhi Richard N. Frye, Cambridge — Massachusetts, 1954.

¹¹ Қўлёзманинг илмий тавсифи «Каталог восточных рукописей АН Таджикской ССР» (т. I, стр. 97, № 101)да келтирилган.

¹² Бу ўринда эслатиб ўтиш зарурки, О. А. Сухарева «К истории городов Бухарского ханства» (Ташкент, 1958) номли асарида «Бухоро тарихи»нинг Техрон босмаси устида Фикр юритар экан (ўша асар, II-бет), Р. Фрайнинг инглизча таржимасига.

(таржима тексти ва изоҳларда II ҳарфи билан ижодаларган), Бухоро босмаси (Б ҳарфи), Ленинград кўлёзмаси (Л ҳарфи) ва Душанба (Тоҷикистон ССР) кўлёзмаси (Д ҳарфи) текстларидан фойдаланилди. Зарурат туғилган айрим холларда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг XIX асрда кўчирилган 2212/I ва 4355/III¹³ рақамли кўлёзмалари ҳам жалб килинди.

Нусхаларни таккослаш натижаларининг таржима ва изоҳларда акс эттириш иши эса асарнинг текстини мазмунан тўлатиб ва тузатиб бориш нуқтаи назаридан олиб борилди, яъни нусхалар орасидаги фарқларнинг ҳаммаси ҳам кўрсатила бермай, улардан мазмун жиҳатидан зарурий бўлганларигина таржима текстига ёки изоҳларга киритилди. Чунончи, Бухоро босмасининг бошланишида, асарнинг кириш — ҳамду-сано кисмида бошқа нусхаларда бўлмаган бир жумла бор, лекин у мазмунан қайтарилишдангина иборат эканлиги ва зарурий эмаслиги аник сезилиб бурганилгидан эътиборсиз колдирилди. Яна шу нусханинг баъзи жойларида бошқа нусхаларда бўлмаган ва, афтидан, кейинги хаттотлар томонидан кўшилган диний афсоналар учрайди, улар ҳам таржимага киритилмади.

Шунингдек, текстни тўлатиб ва тузатиб бориш шартига амал килиб ҳамда қўлимизда бир нечта босма нусхалар (Техрон, Париж, Бухоро нашрлари) мавжуд бўлганлиги сабабли Д, Л нусхаларида учрайдиган сукут (тушиб қолган жой)лар ҳам изоҳларда кўрсатилмади¹⁴.

[] ичидаги сўзлар текстга қўшимча равиша киритилган.

Китобдаги ҳижрий тарих-саналардан фойдаланишни кулагайлаштириш учун, уларни мелодийга айлантириб, йилнинг бошланиш ва тамомланиш кунлари билан таржима текстида келтирилди.

Географик номлар, номлари тилга олинган шахслар ҳақидаги изоҳлар ва кўрсаткичлар Д. Д. Юсупова томонидан бажарилди¹⁵.

асосланиб бу босма бошқа нусхаларга кўра кўпроқ нуксонга эга деган хулосага келади ва фикрининг далили сифатида (ӯша асар, 32-бет, 92-изоҳ) «Бухоро тарихи»даги «Бухорода бўлган тўкимачилик корхонаси» номли сарлавҳанинг давоми — «У ҳануз ўз жойида турпти» деган сўзлар Техрон нашрида тушириб колдирилганлигини айтади. Аммо инглизча таржима билан Техрон нашри таккослаб кўрилганда, бу сукут Р. Фрайнинг таржимасидагина экан. Техрон нашрида эса бу сўзлар, бошқа нусхалардаги каби мавжуд экан (каранг: Техрон нашри, 24-бет).

¹³ «Собрание восточных рукописей АН УзССР», т. I, Ташкент, 1952, стр. 46, № 92, 93.

¹⁴ Айтиб ўтиш лозимки. «Бухоро тарихи»нинг ушбу нашрини тайёрлаган таржимон, муҳаррирлар асарнинг барча кўлёзма ва босма нусхаларига асосланган мукаммал танқидий таржима яратишни максад килиб кўймай, асар текстининг ҳозирда мавжуд бўлган форсча-тоҷикча нашрлари ҳамда баъзи кўлёзма нусхалари бўйича иш олиб бордилар. «Бухоро тарихи»нинг мукаммал танқидий текстини яратишни, асар бир неча бор нашрдан чиқарилганлигига қарамай, ҳали узил-кесил бажарилган эмас.

¹⁵ Изоҳларнинг шахсий ҳам географик номларга ва баъзи тарихий воеаларга тааллукли бўлганлари киска, асар текстини тушунишга йўлланма тарзида ёзилди. Чунки Ўрта Осиёнинг VII—XII асрлар тарихига оид ҳозирда мавжуд бўлган ёзма ман-

Маълумки, «Бухоро тарихи»ни дастлаб ёзган Мұхаммад ибн Жаъфар ҳам, сўнг асарни қисқартириб ва қўшимчалар кўшиб арабчадан форс-тоҷик тилига таржима қилган Аҳмад ибн Мұхаммад ва бу таржимани қисқартириб баён қилган Мұхаммад ибн Зуфарлар ҳам X—XII асрлар шароитида, ўз даврларида мавжуд бўлган иктиносидий, маънавий ҳаёт татьсирида иш олиб боргандар. Шунинг учун ҳам «Бухоро тарихи» X—XII асрлар ижтимоий мұхити такозосича ислом динини ёқлаш ва унга ҳамда ўша даврда ҳукмрон бўлган тузумга қарши ҳаракатлар (масалан, Муқанна кўзғолони)ни коралаш позициясидан туриб ёзилган. Бирок, шунга қарамай, асарда катта тарихий қимматга эга бўлган маълумотлар келтирилган ва уларни илмий объектив равища таҳлил қилиш тарих фани учун фойдадан ҳоли эмас. Бу ҳол «Бухоро тарихи» маълумотлари Ўрта Осиёнинг VII—XII асрлар тарихидан баҳс этувчи илмий-тарихий асарларнинг аксарида кўп вактлардан бери фойдаланиб келинаётгандиги билан шак-шубҳасиз исботланган. Бу қимматли ва ноёб асарнинг ушбу ўзбекча нашри ҳам тарихчи-тадқиқотчилар, кент ўкувчилар оммаси диккатига бош манба ҳамда X—XII асрлар тарихий адабиётидан намуна сифатида тақдим этилади.

«БУХОРО ТАРИХИ»ДАГИ БОБЛАР РЎЙХАТИ*

- I «Бухоро тарихи»ни арабчадан форсчага таржимони Абу Наср Аҳмад ибн Мұхаммад ибн Наср ал-Қубовий (1128 йил) ва бу таржимани қисқартириб таҳrir қилган Мұхаммад ибн Зуфар ибн Үмарнинг (1178 йили) бош сўзи
- II Бухорода қозилик қилган кишилар ҳақида
- III Бухорода подшоҳ бўлган хотин ва ундан кейин подшоҳ бўлган фарзандлари ҳақида
- IV Бухоро ва унга кўшиладиган жойлар
- V Бухорода бўлган «Байт ут-тироz» — «Тўқимачилик корхонаси»нинг баёни
- VI «Бозори Моҳ»нинг баёни
- VII Бухоро номларнинг баёни
- VIII Бухоро аркининг бино этилиши ҳақида
- IX Подшоҳларнинг Бухорода бўлган манзиллари баёни
- X Жўйи мулиённинг баёни ва унинг тавсифи
- XI Шамсабоднинг бино этилиши
- XII Кашашон {деб аталган} гурухнинг баёни
- XIII Бухоро ва унинг атроф ерларидаги анхорлар
- XIV Бухоро ва унга тобе жойлар хирожи
- XV Бухоронинг кишилар «Канпирак девор» деб атайдиган девори ҳақида

баларни, археологик, топографик, этнографик ва бошқа мавзуларда ёзилган асар ҳамда мақолаларни таккосан таҳлил қилиб чукур илмий изоҳлар яратиш узок вакт талаб килувчи мустакил бир ишdir.

Изоҳларни кўриб чиқиб ўз қимматли фикрларини баён қилганликлари учун муҳаррир тарих фанлари доктори М. А. Абдураимов ва география фанлари доктори Х. Ҳасановларга самимий ташаккурлар билдиради.

* Боблар рўйхати ва тартиб рақамлари китобдан фойдаланишни осонлаштириш мақсадида тузилди. Асарнинг асл кўлёзма нусхаларида бундай рўйхат келтирилган эмас.

-
- XVI Бухоро шаҳрининг девори
 - XVII Бухорода дирҳам ва сийм — кумуш [танга] зарб қилиниши
 - XVIII Бухоро фатҳ этилишининг бошланиши
 - XIX Кутайба ибн Муслимнинг ҳукмронлиги ва Бухоронинг фатҳ этилиши. Мовароуннахрнинг араб ва ажам ўртасида таксим қилиниши
 - XX Бухоро фатҳ этилиши ва у ерда ислом динининг тарқалиши
 - XXI Масжиди жомеининг бино этилиши
 - XXII Ийд намозгоҳи
 - XXIII Бухоро шаҳрининг араб ва ажам ўртасида таксим этилиши
 - XXIV Сомонийлар ва уларнинг насаби ҳакида
 - XXV Наср ибн Сайдер зикри ва Тағшоданинг ўлдирилиши
 - XXVI Шарик ибн Шайх ал-Махрий
 - XXVII Муқаннанинг хуружи ва унинг тобелари оқ кийимликлар
 - XXVIII Сомонийлар ҳукмдорлигининг бошланиши
 - XXIX Амири мозий Абу Иброҳим Исмоил ибн Аҳмад ас-Сомоний ҳукмронлигининг бошланиши
 - XXX Амир Исмоилнинг Бухорога кириши
 - XXXI Амири шаҳид Аҳмад ибн Исмоил ас-Сомонийнинг ҳукмдорлиги
 - XXXII Амири саъид Абу-л-Ҳасан Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил ас-Сомоний ҳукмдорлиги
 - XXXIII Амири ҳамид Абу Мухаммад Нуҳ ибн Наср иби Аҳмад ибн Исмоил ас-Сомоний
 - XXXIV Амири рашид Абу-л-Фаворис Абдулмалик ибн Нуҳ ибн Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил ас-Сомонийнинг подшоҳлиги
 - XXXV Малики музaffer Абу Солих Мансур ибн Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил ас-Сомонийнинг подшоҳлиги
 - XXXVI Амири рашид Абу-л-Қосим Нуҳ ибн Мансур ибн Нуҳ ибн Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил ас-Сомонийнинг подшоҳлиги
-

Б у х о р о т а р и х и

Бисмиллок ир-раҳмон ир-роҳим

Ш укр ва мақтовлар жаҳонни яратувчи, яширин [нарсалар] ни ҳам билувчи, жониворларга ризқ бирувчи ва еру осмонни тутиб турувчи улуғ тангрига бўлсин! Унинг шаъни улғайсин!

[Худонинг] марҳамати ва саломлари одамларнинг сараси, пайғамбарларнинг сўнггиси Мухаммад мустафога,— худо унга раҳмат ва саломини йўлласин,— унинг хонадони, ёр-дўстлари ва тобеларига бўлсин! Уларнинг барчасидан оллоҳ рози бўлсин! (Б. 3)

Абу Наср Аҳмад ибн Нарс ал-Қубовий¹ шундай дейди: «Абу Бақр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий Бухоро [шахари], унинг хусусият ва фазилатлари, шаҳарнинг ўзида ва қишлоқларида мавжуд бўлган кулай шароитли ва фойда етказувчи нарсалар, шаҳарга алоқадор бўлган нарсалар ҳақида ҳамда пайғамбар, (Д. 2а)— оллоҳ унга ўз раҳмат ва саломини йўлласин,— унинг сұхбатдошлари, || тобелари ва дин олимлари,— уларнинг барчасидан оллоҳ рози бўл-² син,— томонидан Бухоронинг фазилати борасида айтилган ҳадислар² ҳақида бир китоб ёзган ва уни марҳум Амири ҳамид Абу Муҳаммад Нуҳ ибн Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил ас-Сомоний³ номига бағишлиаган. Бу китоб араб тилида, гўзал иборалар билан уч юз ўттиз иккинчи йил ойларида (4 сентябрь 943—23 август 944) ёзилган эди: [Аммо] қўпчилик кишилар араб тилида ёзилган китобни ўқишига рағбат кўргазмаганликлари сабабли, дўстларим мендан у китобни форс (Л. 2а) тилига таржима қилишни илтимос килдилар. Мен илтимосни қабул *қилдим ва беш юз йигирма иккинчи йилнинг жумод ал-аввал ойида (май, 1128) китобни форс тилига таржима килдим. Бирок араб тилидаги нусхада *кераксиз⁴ ва бунинг устига ўқигандаги [киши] табиатига малоллик орттирадиган (Б. 4) нарсалар [ҳақида ҳам] сўзланган экан. У нарсаларнинг баёни [таржимага] киритилмади».

Беш юз етмиш тўртинчи йил ойларида (19 июнь 1178—7 июнь 1179) эса бандаларнинг камтарини Муҳаммад ибн Зуфар ибн Умар бу таржимани жаҳон садрларининг садри, хожа (Д. 2б) имом, энг улуғ, энг иззатли, дин ва шариатнинг далили, (П. 3) ислом дини ва мусулмонлар киличи, бутун олам пешволари шамшири, шариат султони, ха-

лифалик таянчи, икки харам имоми, кун чиқиш ва ботиш муфтиси, икки томони обрўлик, мактовлар ва фахрлар эгаси Абдулазиз ибн ас-садр ал-имом ал-хамид Бурхонуддин Абдулазизнинг⁵,— худо унинг ота-боболари руҳларини пок этсин ва болаларига иззат ва баланд мартаба билан баракатли умр берсин,— олий мажлиси учун қискартириб баён қилди.

II / БУХОРОДА ҚОЗИЛИК ҚИЛГАН КИШИЛАР ҲАҚИДА

Себавайх ибн Абдулазиз ал-Бухорий ан-Нахвий¹ шулар жумласидандир. «Мен Абдуллоҳ Муборакдан эшийтдимки,— дейди Мұхаммад ибн Аъян,— (Л. 26) Себавайх Бухорода қозилик қилганида [халқнинг] икки дирҳамига ҳам адолатсизлик қилмади»: сўнг у яна: «Икки дирҳам кўплик қиласи, у тарикча ҳам жавр ўтказмади».— дейди.

Яна Мухаллад ибн Умар ҳам йиллар давомида, токи шаҳид бўлгунiga қадар қозилик қилди. Абу Дайм Ҳозим Садусий [ҳам қози бўлди] ва унга халифадан қозилик фармони келди. Фанжор деб машҳур бўлзган раҳматли Исо ибн Мусо || ат-Таймийга (Д. 3а) қозиликни берган эдилар, у қабул қилмади. Султон унга агар қозилик қилмасанг бирор кишини танлагин, биз ўшанга берайлик деган эди, буни ҳам қабул қилмади. Султон қозиликка лойик кишилар номини унинг олдида бир-бир айтинглар деб буюрди; шундай қилдилар, аммо унинг олдида кимнинг номини атамасинлар, у «loyik эмас» дея берди ва, ниҳоят, Ҳасан ибн Усмон Ҳамадонийнинг номини тилга олганларида сукут қилди. Унинг сукути розилигидир дедилар-да, қозиликни Ҳасан ибн Усмон Ҳамадонийга бердилар. Бунинг замонида Хурросон шаҳарларида илмда ва тақводорликда унга тенглашадиган хеч бир кишини кўрсата олмаганлар (Б. 5).

Яна Омир ибн Умар ибн Имрон қози бўлди. Исҳоқ ибн Иброҳим ибн ал-Хитий ҳам қозилик қилди. Бу киши қозиликдан бўшатилганидан кейин икки юз саккизинчى йили (16 май 823—3 май 824) Тусда вафот топди.

Яна Саъид ибн Халаф ал-Балхийни икки юз ўн учинчи (П. 4) йил жумод ал-аввал ойининг охирида (16 август 828) қозиликка тайинландилар (Л. 3а). Бу киши қозиликни шундай олиб бордики, худойи таолонинг яратган бандаларига адолат, инсоф ва шафқат килиш борасида уни мисол килиб кўрсатар эдилар (Д. 3б). У яхши конун-коидалар ўрнатди. Жумладан, токи кучлик киши заиф кишига зулм ўтказмасин учун бу тўғонларни² курдириб Бухоро сувини адолат ва инсоф юзасидан таксим килишни у киши асослаган.

Яна раҳматли Абдулмажид ибн Иброҳим ан-Наршахий [қози бўлди]. Бу кишини хушхулк-тақводор бандалар жумласидан ҳисоблар эдилар. Яна Султон Аҳмад ибн Исмоил ас-Сомонийнинг³ даврида [раҳматли] Аҳмад ибн Иброҳим ал-Барқадий қозилик қилди. У ҳам зоҳид⁴,

хам факих⁵ эди. Яна [қозилардан бири] Абу Зар Мұхаммад ибн Юсуф ал-Бухорий бўлиб, у раҳматли Имом Шофеининг⁶ сұхбатдошлари жумласидан ҳамда олим ва зоҳид эди; уни [барча] Бухоро олимлари орасида || юкори кўяр эдилар. У кишини яширин пора бериш ва бош-4 қа ҳар хил йўллар билан синааб кўрдилар, аммо у бирор нарса билан ҳам ўзини булғотмади, балки кундан-кунга ундан адолат ва инсоф равшанроқ содир бўлди. У кексайган пайтида қозиликдан бўшатилүшини илтимос қилди ва ҳажга кетиб, ҳаж маросимини адо этди; (Д. 4а) кейин бир муддат Ирокда туриб, пайғамбарнинг,— худо унга ўз раҳмат ва саломини йўлласин,— ҳадисини ўрганиши талабида шогирдлик (Л. 3б) қилди. Сўнг қайтиб Бухорога келгач, то умрининг охиригача узлатда яшашни ихтиёри этди; худо уни раҳмат қилсин.

«Муҳтасар Кофий»нинг муаллифи марҳум Абу-л-Фазл ибн Мұхаммад ибн Аҳмад ал-Марвазий ас-Суламий⁷ кўп йиллар (Б. 6) давомида Бухорода қозилик қилди ва заррача ҳам ўзига айб юқтирумади; у барчага [баробар] адолат ва инсоф юзасидан иш кўрар ҳамда унинг даврида олимлик ва зоҳидликда бутун дунёда ҳам унга тенг келадиган киши йўқ эди. Шундан кейин у султонга вазир бўлди ва шаҳид бўлиб ўлди.

Бу китобнинг мусаннифи айтади: Агар Бухоро олимларининг ҳаммасини зикр қылсак, бир нечта дафтарни ташкил этади. Биз баён этиб ўтганларнинг ҳаммаси пайғамбарнинг,— худо унга раҳмат ва саломини йўлласин,— [ҳадисидаги] «менинг умматим [иҷидан чикқан] олимлар Баний Исройл пайғамбарлари кабидирлар» деган [киши]лари жумласидандирлар.

• Фасл⁸. Мұхаммад ибн Жаъфар ан Наршахий бу фаслни ўз китобида келтирмаган (Д. 4б). Аммо Абу-л-Ҳасан Абдураҳмон [ибн] Мұхаммад ал-Ҳишопурий «Ҳазоин ул-улум» китобида⁹ шундай келтирғин: ҳозирда Бухоро [ўрнашган] бу мавзе, [илгари] ботқоклик бўлиб, унинг баъзи ерларини тўқайзор, дараҳтзор ва кўкаlamзорлар ташкил этган, айrim жойлари эса шундай бўлганки, || бирон ҳайвон ҳам оёқ кўйишига жой топа олмаган. Бунинг сабаби шуки, (П. 5) Самарқанд томонида-5 ги вилоятларда тоғларда кор эриб, суви¹⁰ [оқиб келиб] ўша жойга йиғилиб ётар эди (Л. 4а).

Самарқанд томонида бир катта дарё борки, уни «Руди Мосаф»— «Мосаф дарёси»¹¹ деб атайдилар. Бу дарёга кўп сув йиғилган, у бир талай, ерларни юваб-ўпириб, кўп лойқаларни суриб келган ва, натижада, бу ботқокликлар тўлиб қолган. Сув кўп оқиб кела берди, лойқаларни то Битик¹² ва Фарабгача¹³ суриб келтира берди. Сўнг сув [тошиб келиши] тўхтади, Бухоро ўрнашган жой аста-секин (Д. 5а) тўлиб текис ерга айланди ва, шундай килиб, у катта дарё Сўғд ва бу [loyқалар билан] тўлган мавзе Бухоро бўлиб колди; ҳар томондан одамлар йиғилиб, у жой обод бўлди. Одамлар Туркистон томонидан келар эди-

лар (Б. 7). Бу вилоятда сув ва дараҳтлар, ов қилинадиган [жониворлар] күп бўлганидан қишиларга бу вилоят хуш келиб, шу ерга жойлашдилар. Аввал улар чодир ва ўтовларда турар эдилар, сўнг вакт ўтиши билан одамлар йигилишиб иморатлар қурдилар. Ҳалқ кўпайгач, бир қишини сайлаб амир қилдилар; унинг номи Аброй¹⁴ эди. Ҳали Бухоро шахри вужудга келмаган, лекин қишлоқлардан баъзилари пайдо бўлган эди. Нур¹⁵ (Л. 4б) Харқонруд¹⁶, Вардана¹⁷, Таровча¹⁸, Сафна ва Исовоналар¹⁹ ўша қишлоқлар жумласидандир. Подшоҳ турадиган катта қишлоқ Байканд (Пойканд)²⁰ эди. Шаҳар (Д. 5б) «Қалъайи Дабусий»²¹ — «Дабусий қалъаси» бўлиб, шаҳар деб шуни атар эдилар. Бир қанча муддат ўтгандан кейин Аброй [хукмдорликда] улғайиб, шу вилоят [ҳалқи] га зулм қилишга тутунди; ҳалқ ортиқ чидай олмади, дехқонлар²² ва бойлар бу вилоятдан қочдилар ҳамда Туркистон ва Тароз²³ [яқинида] бир шаҳар бино қилиб || уни. Ҳамукет деб атадилар, чунки Бухорадан қочиб кетган тоифанинг раиси бўлмиш бир катта дехқоннинг номи Ҳамук эди; «Ҳамук» деб, Бухоро тилида гавҳарга айтилади, «кет» эса — шаҳар, яъни Ҳамукет «Ҳамук — гавҳарнинг шаҳари» демакдир. Бухоро тилида катта одамни «ҳамук», яъни фалончи гавҳар дейдилар.

Сўнгра Бухорода қолган қишилар ўзларининг (қочиб кетган) саркардаларига одам юбориб, Абройнинг жабр-зулмидан куткаришни сўрадилар. Шунда саркардалар ва дехқонлар турклар подшоҳининг²⁴ олдига бордилар,— (Д. 6а) у подшоҳнинг номи (Л. 5а) Қарожурин²⁵ турк бўлиб, улуғлиги сабабли унга (П. 6) Биёғу деб лақаб берган эдилар,— (Б. 8) ва Биёғудан арз-додларига етишини илтимос қилдилар. Биёғу Шери Қишвар номли ўз ўғлини кўп лашкар билан юборди. Шери Қишвар Бухорога келгач, Байкандда Абройни тутиб банд қилди. Унинг фармони билан бир катта қопни қовок арига тўлғизиб Абройни шу қопга солдилар ва у қоп ичиди ўлди. Шери Қишварга бу вилоят ёқиб қолиб, отасига хат юборди ва ундан бу вилоятни талаб қилиб, Бухорода туриши учун рухсат беринини илтимос қилди. Биёғудан: «У вилоятни сенга бағишладим», деган жавоб келгач, Шери Қишвар Ҳамукетга одам юбориб, Бухородан қочиб кетган қишиларни хотин ва болачакалари билан Бухорога олдириб келди ва ўша вактдаёқ яна: «Ҳамукетдан келган ҳар бир қиши (Д. 6б) [амирнинг] яқин қишиларидан бўлади» деган бўйруқ бўлди. Бунинг сабаби, кимки бой ва катта дехқон бўлган бўлса Бухородан қочиб кетган, камбағал ва бечоралар эса Бухорода қолган эдилар. Қочиб кетган қишилар қайтиб келгач, чорасиз [Бухорода] қолган [камбағал]лар (Л. 5б) уларга хизматкор бўлдилар. ||

Бухорога қайтиб келган гурух орасида бир катта дехқон бор эди, у қадимий дехқонзода ва кўпроқ даромадли ерлар²⁶ уники бўлганлигидан уни «Бухорхудот» дер эдилар ва [Бухорода қолганларнинг] кўплари унинг қадиварлари²⁷ ва хизматкорлари эдилар.

Шери Кишвар Бухоро шаҳристонини²⁸ курди ҳамда Мамостин²⁹, Сакматин, Самтин³⁰ ва Фараб қишлоқларини бино қилди. У йигирма йил подшоҳ бўлиб турди. Ундан кейин бўлган бошқа подшоҳ Искажкат³¹, Шарғ³² ва Ромтин³³ қишлоқларини бино қилди, сўнгра Фарахший қишлоғига асос солди. Хитой подшоҳининг кизини (Б. 9) келин қилиб Бухорога олиб келганларида унинг жихозлари орасида Хитойдан (Д. 7a) бир бутхона ҳам олиб келдилар ва уни Ромтинга ўрнатдилар.

Амир ул-муъминин Абу Бакр Сиддикнинг,— худо ундан рози бўлсин,— халифалиги даврида³⁵ Бухорода соғ кумушдан танга пул зарб қилдилар, бундан илгари Бухорода танга пул йўқ эди.

Муовиянинг даврида Кутайба ибн Муслим томонидан Бухоро фатх қилинди³⁶ ва Тағшода Кутайба ибн Муслим томонидан подшоҳ бўлиб, ўттиз икки йил ҳукмронлик қилди³⁷. Абу Муслим уни Хуросон амири бўлган. Наср [ибн] Сайёр даврида³⁸ Самарқандда ўлдирди. (Л. ба).

У, то ўлдирилгунигача, Кутайбадан кейин (П. 7) ўн йил ҳукмронлик қилган эди. [Шундан кейин] уни худо раҳмат қилгур Абу Муслим ўлдирди. Ундан сўнг унинг биродари Суқон ибн Тағшода етти йил подшоҳлик қилди³⁹ | ва халифанинг фармони билан Фарахший (Варахша) касрида ўлдирилди, тўполон кўтарили; у рамазон онида ўз күшқида олдига қуръон кўйиб ўқиб ўтирган эди, уни шу холатда ўлдирдилар ва (Д. 7b) шу кўшкка кўмдилар. Суқон ибн Тағшодадан кейин биродари Бунёт ибн Тағшода етти йил ҳукмронлик қилди⁴⁰. У халифанинг фармони билан Фарахший касрида ўлдирилди: бунинг сабаби кейин сўзланади⁴¹.

Шундан кейин Бухоро токи худо раҳмат қилгур амир Исмоил Сомоний давригача⁴² Тағшоданинг фарзандлари, хизматчилари ва набиралари қўлида бўлди. Сўнг подшоҳлик Бухорхудот болаларининг кўлидан кетди. Бу ҳақда қўйида айтилади.

III БУҲОРОГА ПОДШОҲ БЎЛГАН ХОТИН ВА УНДАН ҚЕЙИН ПОДШОҲ БЎЛГАН УНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ ҲАҚИДА (Л. 6b)

Мұхаммад ибн Жаъфар [ан-Наршахий] айтади: Бидун Бухорхудот¹ ўлган вактда (Б. 10) ундан бир эмадиган ўғил бола қолди; унинг номи Тағшода эди. Боланинг онаси бўлган хотин таҳтга ўтириди ва ўн беш йил ҳукмронлик қилди². Унинг даврида (Д. 8a) араблар Бухорога кела бошлидилар; ҳар гал келганларида хотин улар билан сулх тузар ва мол³ берар эди. Айтишларича, унинг даврида ундан кўра донороқ биронта ҳам киши бўлмаган; у донолик билан ҳукмронлик қилас ва халқ унга итоатда эди. Унинг одати шундай эдики, у ҳар куни отга миниб Бухоро хисори дарвозасидан ташқари чикар ва «Алаффурушлар дар-

9 возаси» деб аталган Рёгистон дарвозасига келиб тахтга ўтирад, унинг олдида эса гуломлар, хожа саролар, яъни бичилган куллар⁴ ва|| улуғ кишилар (П. 8) турар эдилар. У қишлоқ аҳолиси учун шундай коида ўрнатган эдики, ҳар куни дехконлар ва маликзодалардан икки юз нафаригит заррин камар боғлаб, қиличларини осиб хизматга хозир бўлиб, узокрокда туришар, хотин ташқарига чиккач, ҳаммалари уни олқишлишар (Л. 7а, Д. 8б) ва икки сафга тизилишар эди; хотин эса подшохлик ишлари билан машғул бўлар, яхшиликка даъват қилиб ёмонликдан қайтарар, истаган кишисига сарпо кийгишиб, истаган кишисига жазо берар эди. Шу тарзда эрталабдан то тушгача ўтириб, сўнг хисорга қайтиб кирав, дастурхонлар чиқариб ҳамма хизматкорларига таом берар эди. Кечга яқин ҳам хотин шу йўсунда ташқари чиқиб тахтга ўтирад, [ҳалиги] дехконлар ва маликзодалар икки саф бўлиб унинг хизматида туришар эди; қуёш ботгач, хотин тахтдан туриб отга минар ва қасрга караб йўл олар, йигитлар эса ўз ватанларига — қишлоққа қайтар эдилар. Эртаси куни бошка жамоа келиб шу сифатда хизматда бўлар ва ниҳоят, навбат яна ўша [аввалги] жамоага келиб етар эди. Шу тарзда ҳар бир жамоа бир йилда тўрт маротаба [хизматга] келиши лозим эди.

Бу хотин ўлганида унинг ўғли Тағшода подшохликка муносиб келадиган даражада катта бўлиб қолган ҳамда ҳар ким бу мамлакатни эгаллашни тама қилаётган эди. Бир вазир Туркистондан келган эди; номи Вардонхудот: Вардона ерлари унга тегишли эди. *Кутайбага у билан кўп уруш қилишга тўғри келган эди. Шу Вардонхудот (Л. 7б) ўлди ва Кутайба Бухорони олди. Кутайба Вардонхудотни бир неча марта бу вилоятдан кувиб ташқари чиқарди ва у қочиб Туркистонга кетди. Кутайба Бухорони яна Тағшодага топшириди ва уни подшохликка ўтказди; мамлакатни [тамагарлардан] тозалаб Тағшодага топшириди ва унинг || барча душманларининг қўлини кисқартириди⁵. Тағшода Кутайбанинг қўлида имон келтириб мусулмон бўлган эди. У Кутайба тириклигида ва ундан кейин, [Д. 9б]. Наср [ибн] Сайёр даврида Бухоро мулкини сўраб турди; жами ўттиз икки йил давомида Бухоро унинг қўлида бўлди. Тағшода ислом динига киргандан кейин ундан бир ўғил дунёга келди. Тағшода Кутайба билан бўлган дўстлиги ҳурматига ўғлини Кутайба деб атади.

Тағшода ўлгандан кейин унинг ўғли Кутайба тахтга ўтириди⁶, бироз вакт мусулмонликда турди-да, сўнгра марҳум Абу Муслим даврида диндан қайтди. Абу Муслим бундан хабардор бўлиб уни ўлдириди, (П. 9) унинг биродарини ҳам [тарафдор] одамлари билан қўшиб ҳалок этди.

Ундан кейин Бунёт ибн Тағшода Бухорога подшоҳ бўлди. У отаси ислом динида эканлигида туғилган эди. бир қанча вакт мусулмон бўлиб турди. Муқанна пайдо бўлиб «Оқ кийимликлар» қўзғолони Бу-

хоро қишлоқларига тарқалгач, Бунёт уларга мойил бўлиб ёрдам берди ва натижада «Оқ кийимликлар»нинг кўллари узайиб, (Л. 8а) улар ғалаба қозондилар. Алюка [хат-ҳабар] ишлари бошлиғи⁷ бу ҳақда халифа ҳабар юборди, (Д. 10а) ҳалифа Махдий эди⁸. Махдий Муқанна ва «Оқ кийимликлар» ишларидан хотиржам бўлганидан кейин [Бухорога] отлик аскарлар юборди. Бунёт Фараҳий қасрида мажлис [тузиб] шароб ичар ва дарчадан қараб ўтирас эди. У узоқдан шошилинч билан келаётган отликларни кўрди ва улар халифа томонидан эканликларини фаросат билан англаб, қарши чора кўришга киришар-киришмас отликлар етиб келдилар ва ҳеч бир сўз айтмасдан қиличларини қиндан суғуриб унинг бошини кесдилар. Бу воеа бир юз олтмиш олтинчи йилда (15 август 782 — 4 август 783) бўлган эди. || Унинг барча одамлари кочиб кетди, [халифа юборган] отликлар ҳам кайтди.

Шундай қилиб, Қутайба ибн Тағшода диндан кайтганлиги сабабли Абу Муслим уни, биродарини ва хонадон аҳлини ўлдирди ҳамда Қутайбанинг даромадли ва ғаллакорлик ерларини⁹ унинг биродари Бунёт ибн Тағшодага берди; амир Исмоил Сомоний давригача [бу ерлар] Бунетнинг кўлида бўлди. (Д. 10б) Бунёт [ҳам] диндан кайтиб ўлдирилганидан кейин эса бу мол-мулк Бухорхудот (Л. 8б) фарзандларининг кўлида турди. Бу мамлакат кўлидан кетган охириги киши Абу Исҳок Иброҳим ибн Ҳолид ибн Бунёт бўлди.

Иброҳим¹⁰ Бухорода турагар ва мамлакат унинг кўлида эди. У ҳар йили ўзининг биродари Насрга¹¹ Амир ул-мўъминин Муктадирга¹² етказсин учун Мовароуннахрдан олинадиган ҳосил ва ғаллалардан¹³ юбориб турагар эди. (Б. 13) Амир Исмоил Сомоний бу даромадли ва ғаллакорлик ерларни унинг кўлидан чиқарди. Бунинг сабаби, ўша вактда сокчилар бошлиғи¹⁴ бўлиб турган Аҳмад ибн Муҳаммад Лайс бир куни амир [Исмоил Сомоний] дан: «Эй амир! Шу қадар кўп ғалла битадиган серҳосил яхши ерлар (Д. 11а) Абу Исҳокқа кимдан колган?»— деб сўради. Амир Исмоил Сомоний унга жавобан: «Бу даромадли ерлар улар [Бухорхудотлар]нинг мулки эмас, сultonлик мулкидир»,¹⁵— деди. Аҳмад ибн Муҳаммад Лайс яна: «Уларнинг мулки-ю, аммо уларнинг отаси диндан кайтгани сабабли халифа уларнинг (П. 10) кўлларидан чиқариб байт ул-мол мулкига¹⁶ айлантирган ва яна хизмат ҳаки [сифатида] ва таъминот ўтказишлари учун уларга бериб кўйган эди, Абу Исҳок эса хизматни керагича адо этмайди ва у ерларни ўз мулки деб билади»,— деди. Улар шундай сўзлашиб турганларида Абу Исҳок Иброҳим кириб келди. || Амир Исмоил Сомоний ундан: (Л. 9а) «Эй Абу Исҳок! 12 Бу даромадли ерлардан сен ҳар йили канча ғалла ҳосили оласан?»— деб сўради. Абу Исҳок: «Кўп машаққат ва уринишлардан кейин бир йилда йигирма минг дирҳам ҳосил бўлади»,— деб жавоб берди. Амир Исмоил Аҳмад ибн Муҳаммад Лайсга: «Бу мавзени сен олгин. Абу-л-Хасан оризга¹⁷ айт, у ҳар йили Абу Исҳокқа йигирма минг дирҳам

(Д. 11б) бериб турсин», — деб буйруқ берди. Ана шу сабабдан у даромадли ерлар Абу Исҳоқнинг кўлидан кетди ва қайтиб [хеч] унинг кўлига кирмади. Абу Исҳоқ уч юз биринчи йили (7 август 913 — 26 июль 914) дунёдан ўтди, унинг авлодлари Сафна ва Севанж¹⁸ кишлогида колдилар.

IV. БУХОРО ВА УНГА ҚЎШИЛАДИГАН ЖОЙЛАР

Абу-л-Ҳасан Нишопурий «Ҳазоин ул-улум» китобида келтирганки, Бухоро шаҳри, гарчи орадан Жайҳун дарёси¹ ўтган бўлса ҳам, (Б. 14) Ҳуросон шаҳарларидан хисобланади.

Кармина Бухоро кишлоқлари жумласидан бўлиб, унинг суви Бухоро сувидан келади; хирожи Бухоро, хирожига қўшилади. Унинг ўзига тегишли алоҳида бир кишлок ҳам бор; унда масжиди жоме барпо этилган. Карминада адид ва шоирлар кўп бўлганлар. Масалда айтилишича, қадим вакъларда Карминани || «Бодяйи хурдак» («Қўзача») деб атаганлар. (Л. 9б) Бухородан то Карминагача ўн тўрт фарсангdir².

Нур катта жой. Унда масжиди жоме бор; (Д. 12а) у кўпгина работларга эга. Бухоро ва бошқа жойларнинг одамлари ҳар йили зиёрат учун у ерга борадилар. Бухоро аҳолиси бу ишда кўп муболага киладилар; Нур зиёратига борган киши ҳаж қилган [кишининг] фазилатига эга бўлади; у зиёратдан қайтиб келганида табаррук жойдан келганлиги сабабли шаҳарни ҳавоза банд қилиб безатадилар. (П. 11). Бу Нурни бошқа вилоятларда Нури Бухоро деб атайдилар. Тобенилардан³ кўп кишилар у ерга дафн этилганлар, худо уларнинг ҳаммаларидан то қиёматгача рози бўлсин!

Яна Тавоис⁴. Бу Бухоро вилоятларидан бўлиб, [асл] номи Аркуддир⁵. Унда бой ва зебу зийнатни севувчи кишилар яшаганлар. Зебу зийнаттага бўрилганлигидан ҳар бир киши зийнат учун уйида битта ёки иккита товус сақлаган. Араблар [бу ерга келишдан] илгари товусни кўрмаган эканлар, бу ерда кўп товусларни кўриб, у кишлокни «Зот ут-тавоис»—«Товуслар эгаси» деб атаганлар, унинг асл номи (Д. 12б) эса унутилган; ундан кейинроқ «зот» сўзини ташлаб Тавоис деб қўя колганлар. Унда масжиди жоме бор, у катта бир шористонга эга, қадимги вакъларда (Л. 10а) [ҳар] куз фаслида у жойда ўн кун бозор бўлар эди. У бозорда шундай расм бор эдикни, [бошқа бозорлафдан сурилиб колган] ҳар қандай нуқсонли куллар⁶, чорва моллари ва бошқа айбли колдик нарсалар бўлса ҳаммаси бу бозорда || сотила берар ва уларни қайтириб беришнинг ҳеч илож-имкони бўлмас эди; на сотувчи ва на олувчининг ҳеч бир шарти қабул қилинmas эди. Ҳар йили [шу ўн кунда] бу бозорга масалан, Фарғона, Чоҷ⁷ ва бошқа жойлардан келган савдогарлар ва турли хожатмандлардан ўн мингдан ортиқ киши хозир бўлишар ва кўп манфаат топиб қайтар эдилар. Шу сабабли бу кишлоқнинг ахо-

лиси бой кишилар эдилар ва бойликлари* дехкончилик туфайли эмас эди⁸. (Д. 13а) Тавоис Самарқандга бориладиган катта йўл устида бўлиб, ундан Бухорогача етти фарсангдир.

Искажжат. У бир катта куҳандизга⁹ эга. Унинг ахолиси бой кишилар бўлганлар; бойликлари дехкончиликдан бўлмаган, чунки у қишлоқнинг ерлари хароб бўлиб, яхши ерлари минг жуфтга¹⁰ етмаган. Унинг ҳамма ахолиси савдогарчилик билан шуғулланган. У жойда кўп бўз¹¹ [тўкиб] чиқарилар эди. Ҳар пайшанба куни у ерда бозор бўларди. У қишлоқ (Л. 10б) сultonликка тегишли мулклар жумласидандир. Абу Аҳмад ал-Муваффак биллоҳ¹² бу қишлоқни мукотаа¹³ сифатида Хурсоннинг амири Муҳаммад ибн Тоҳирга¹⁴ берган эди [кейин] уни яна Саҳл ибн Аҳмад ад-Доғуний ал-Бухорийга сотди ва пулини олди. Доғуний у жойга бир ҳаммом курди ва дарёнинг қуий томон қирғоғида бир бурчакка катта қаср бино қилди (П. 12). У қасрнинг колдиклари бизнинг замонимизгача¹⁵ (Д. 13б) сакланиб келган эди. Уни Доғуний қасри деб атаганлар; уни дарё суви || вайрон қилди. Саҳл ибн Аҳмад Доғуний учун Искажжат ахолиси ҳар йили ўн минг дирҳам солик [тўлаши шарт эди]. Бу соликни ҳамма хонадонларга таксим килиб тўлар эдилар. Кейинрок бориб ахоли икки-уч йил давомида соликни тўламади ва подшоҳга мурожаат килиб ундан ёрдам сўради. Саҳл ибн Аҳмаднинг меросхўрлари амир Исмоил Сомоний даврида ҳужжат кўрсатдилар, у ҳужжатни кўриб, тўғри топди. Лекин [икки орадаги] хусумат узоқ давом этиб шаҳарнинг улуғ кишилари қишлоқ ахолиси билан Доғуний меросхўрлари орасига тушиб, бир юз етмиш минг дирҳамга сулҳ қилдилар. Ахоли қишлоқни сотиб олиб [Доғуний меросхўрларига] солик тўлашдан кутулдилар ва у маблағни тўладилар. (Л. 11а).

Бу қишлоқда (Д. 14а) то Малик Шамсулмулк Наср ибн Иброҳим Тамғочхоннинг¹⁶ подшоҳлик давригача ҳеч қачон масжиди жоме бўлмаган. Шу қишлоқ ахолисидан бир улуғ киши бор эди, уни Ҳонсолор дер эдилар, у хурматли, хизматкорлари кўп бир киши бўлиб, сultonнинг омилларидан¹⁷ эди, шу киши холис ўз молидан жуда яхши бир масжиди жоме бино қилди, бунга кўп пул сарф бўлди ва бу масжидда жума намозини ўқиди¹⁸.

Аҳмад ибн Муҳаммад Наср шундай дейди: Шарф [қишлоғи] хатибининг менга берган хабарича, у масжиди жомеда бир мартадан бошқа жума намози ўқиган әмаслар, [чунки] ана шу бир марта ўқишдан кейин Бухоро имомлари рухсат бермай кўйганлар ва у масжидда жума намозини ўқишни тўғри топмаганлар. Бу жума масжиди токи Қадрхон || Жабраил ибн Умар ибн Тўғрулхон Бухорога амир бўлган вактгача¹⁹ бекор колди. Бу амирнинг номи Тўғрулбек бўлиб, (Д. 14б) лақаби Кулортегия (Б. 17) эди. У масжиднинг ёғочларини Ҳонсолорнинг меросхўрларидан сотиб олиб, масжидни бузди ва ёғочларини Бухоро шаҳрига келтириб, «Жўбайи бақколон», («Бокколлик бозори») яқинида мадраса

15

16

бино килди, у ёғочларни (Л. 11б) шу мадрасага ишлатди ва беҳисоб пул сарфлади. У мадрасани Қулортегин мадрасаси деб атайдилар. Бу амир шу мадрасага дағи этилган эди.

Шарғ қишлоғи Искажжат рўпарасидадир, икковининг орасида катта дарёдан бошка ҳеч (П. 13) бир боф ва бўш ерлар йўқ. У дарёни Руди Сомжан деб атаганлар. Ҳозирда эса Шарғ дарёси, баъзи қишилар бўлса, Ҳаромком дейдилар. Бу икки қишлоқ ўртасида дарё устида катта кўприк бор эди. Шарғ қишлоғида ҳеч вакт масжиди жоме бўлмаган. Арслонхон Муҳаммад ибн Сулаймон даврида²⁰ (Д. 15а) унинг фармони билан ўша кўприкни ғоятда маҳкам қилиб ғиштдан ишладилар ва Арслонхоннинг холис ўз пулига масжиди жоме бино килдилар. Арслонхон мусофиirlар учун Искажжат томонига бир работ куришга буюрди. Бу қишлоқда катта бир куҳандиз бор; катталигидан уни шахарга тенглаштириш мумкин.

Муҳаммад ибн Жаъфар [ан-Наршахий] нинг айтишича, [бу жой ахолисининг] қадимги вактларда бир бозори бўлиб, ҳар йили қишлоқ ўртасида ўн кун давом этар, [қишилар] узок вилоятлардан келиб савдо қилар эдилар. Кўпроқ у жойдан шинни билан тайёрланган мағизли ҳолва чиқар эди, яна у жойдан кўпроқ чиқадиган нарса қинторий²¹ ва чўп (ёғоч)лар, тузланган балиқ, (Л. 12а) янги балиқ, кўй ва коракўл териларидан тикилган пўстинлардан иборат эди; || бу ерда кўп савдо бўлар эди. Аммо бугун бизнинг давримизда (Д. 15б) ҳар жума куни бозор бўлиб, шаҳар ва қишлоқлардан (Б. 18) савдогарлар у жойга борадилар. У қишлоқдан чиқадиган ва бу кунларда савдогарлар бошка вилоятларга олиб борадиган нарса мис²² ва бўзdir.

Муҳаммад ибн Жаъфар [ан-Наршахий] нинг хабар беришича, раҳматли амир Исмоил Сомоний бу қишлоқни барча ер-сувлари ва довдараҳтлари билан сотиб олиб, ҳаммасини Бухоро шаҳрининг ичкарисида Самарканд дарвозасида бино этгани работга вакф қилган. Ҳозир у работ ҳам, вакф ҳам колган эмас. Бу Шарғ ва Искажжат Бухоронинг энг яхши қишлоқлари бўлган. Худо уларни балолардан сакласин!

Зандана. Бу қишлоқ катта қалъага, кўргина бозор жойларга ва масжиди жомега эга. Бу ерда ҳар жума куни намоз ўқийдилар ва бозор қиладилар. Бу қишлоқда [тўқиб] чиқариладиган нарса — бўзни «занданийчи», (Д. 16а) яъни «Зандана қишлоғидан чиқадиган» деб атайдилар. Бу ерда у ҳам яхши, ҳам кўп бўлади. Шу хил бўздан (Л. 12б) Бухоронинг кўп қишлоқларида тўқийдилар ва буни ҳам «занданийчи» деб атайдилар. Чунки у аввало шу қишлоқда тўқиб чиқарилган (П. 14). || Шу хил бўздан Ирок, Форс, Қермон, Ҳиндистон ва бошқалар каби ҳамма вилоятларга олиб борадилар. Барча улуғлар ва подшохлар ундан кийим қиладилар ва ипакли кийимлик баҳосида сотиб оладилар. Худо бу қишлоқни ҳамиша яшнатсин!

Вардона. Бу катта бир қишлоқ бўлиб, куҳандизга, катта ва

бир подшоҳ бўлиб, унинг номи Мөх эди. У ана шу бозорни қуришга буюрди; унинг фармони билан дурадгорлар ва наққошлар у йилдан бу йилгача бут йўниб, белгиланган кунда шу бозорга келтириб сотишар ва ҳалқ уни сотиб олар экан. Ҳар қачон у бут йўколса ёки синса, ёки эскиса, шу бозор куни бошқасини сотиб олар ва эскисини ташлар экандар. (Б. 26).

Хозир Мөх масжиди ўрнашган ерда катта арик бўйида бир сердатхат текислик жой бўлиб, шу дараҳтлар соясида бозор бўлар эди. У подшоҳ, ҳалқ бут сотиб олишга қизиксин учун, шу бозорга келиб ҳозир Мөх масжиди ўрнашган ерда тахтда ўтирас, (Л. 18а) ҳар ким ўзи учун бут || сотиб олар ва уйига олиб кетар эди. Бу жой яна оташпарамстлар 26 ибодатхонаси [ҳам] бўлди; бозор куни одамлар бу ерга йиғилганларида ҳаммалари ибодатхонага кириб оловга топинар эдилар². (Д. 22б) Бу ибодатхона то исломият давригача бор эди, мусулмонлар қувватланиб кетгач, мазкур [Мөх] масжидини худди шу жойга бино қилдилар. Ҳозир у Бухоронинг муътабар масжидларидандир (П 20).

VII БУХОРОНИНГ ТУРЛИ НОМЛАРИ БАЁНИ

Аҳмад ибн Мухаммад ибн Наср Бухоро кўп исмларга эга дейди ва ўз китобида Нумижкат¹ деган исмни келтиради. Яна бошқа бир жойда мен уни Бумискат деб келтирилганини кўрдим. Бошқа бир жойда араб тилида «Мадинат ус-суфрия», яъни «Мис шаҳар» ва яна бошқа бир жойда араб тилида «Мадинат ут-тужжор», яъни «Савдогарлар шаҳри» деб ёзилган. Бухоро деган ном у номларнинг ҳаммасидан машҳурроқдир. Хурросон шаҳарларидан биронтаси ҳам бунчалик кўп номга эга эмас (Л. 18б). Бир ҳадисда Бухоро номи Фохира бўлиб келган. Ҳожа имом, зоҳид, воиз Мухаммад ибн Али Нужободий раҳматли Салмони Форсийдан² бир ҳадис ривоят қилган; Салмоннинг айтишича, пайғамбар, — худо унга ўз раҳмат ва саломини йўлласин, — шундай деган: (Б. 27) Жабраил — унга худонинг раҳматлари бўлсин — айтганки, (Д. 23а) кун чиқиши томонда бир жой бор, уни Хурросон дейдилар, унинг ўчта шаҳарини қиёмат куни ёқут ва маржон билан зийнатлаб келтирадилар; улардан нур чиқиб туради; у шаҳарларнинг теварагида || фаришталар кўп бўлиб, улар тасбих, ҳамд ва такбир айтадилар, келинни кўёв уйига олиб боргандек у шаҳарларни эъзоз ва икром билан махшаргоҳга олиб келадилар. Бу шаҳарларнинг ҳар бирида етмиш мингдан байроқ, ҳар бир байроқ тагида етмиш мингтадан шахид [ётган] бўлади ва ҳар бир шаҳиднинг шафоати билан форсча сўзловчи ва худони бир деб билувчи етмиш минг киши азобдан кутулади. Қиёмат куни у шаҳарларнинг ҳар тарафи: ўнг ва сўли, олди ва орқаси ўн кунлик йўл бўлиб, буларнинг ҳаммасида шаҳидлар туради. (Л. 19а) Ҳазрат пай-

ғамбар, — худо унга раҳмат ва саломини йўлласин, — Эй Жабраил! У шаҳарларнинг номларини менга айт, деб сўради; Жабраил, — унга худонинг саломи бўлсин, — шаҳарларнинг бирини араб тилида Косимий, форсчада Яшкард дейдилар; иккинчисини арабчада (Д. 23б) Самарон, форсчада Самарқанд дейдилар; учинчисини арабчада Фохира, форсчада Бухоро дейдилар,— (П. 21) деб жавоб берди. Пайғамбар, — худо унга ўз саломи ва раҳматини йўлласин, — сўради: Эй Жабраил! Нека Фохира деб атайдилар? Жабраил: шунинг учунки, қиёмат куни Бухоро шахари ўзида шахидларнинг кўплиги билан фаҳр киласди, деб жавоб берди. Пайғамбар, — худо унга ўз саломи ва раҳматини йўлласин,— хитоб қилиб: Эй худо! Фохирага баракат бергин, унинг халклари дилларини тақво билан пок этгин, ишларини покиза қилғин ва уларни менинг умматимга марҳаматли қилғин! — деди. Ана шу маъни туфайли бухороликларнинг раҳмидилликларига, уларнинг эътиқодлилик ва покликларига кун чиқиш ва кун ботиш гувоҳлик беради. (Б. 28)

VIII БУХОРО АРҚИНИНГ¹ БИНО ЭТИЛИШИ ҲАҚИДА

Ахмад ибн Муҳаммад ибн Наср бунинг ажойиботлари ҳакида тўх-
28 таб, шундай дейди: Абу-л-Ҳасан Нишопурининг || «Ҳазонн ул-улум»да айтишича, Бухоро куҳандизининг, яъни Бухоро арки ҳисорининг бино этилишига мана шу [вокеа] сабаб бўлган: Сиёвуш ибн Қайковус ўз отасидан кочиб Жайхун дарёсидан ўтиб Афросиёбнинг олдига келди. Афросиёб (Д. 24а) уни яхши қабул этди ва ўз кизини унга хотинликка бериб, айтишларича, барча мулкини ҳам унга топширди. Бу вилоят ўзига вактинча бериб кўйилган жой эканлиги туфайли², Сиёвуш бу ерда ўзидан бир ёдгорлик қолдиришни истади. Шундай қилиб, у Бухоро ҳисорини бино қилди ва қўпроқ вакт ўша жойда туарар эди. [Кимлардир]³ у билан Афросиёб ўртасида ёмон гап юргизди ва [натижада] Афросиёб уни ўлдирди ҳамда ана шу ҳисорда шаркий дарвозадан кираверишингда «Дарвозай гуриён» деб аталган сомонфурӯшлар дарвозасининг ичкарисига дағн этдилар. Шу сабабли Бухоро оташпарастлари ўша жойни азиз тутадилар⁴ ва унга атаб ҳар бир эркак киши ҳар йили навruz куни куёш чиқишидан олдин ўша жойда биттадан хўроз сўяди. Бухоро ахолисининг Сиёвушнинг ўлдирилишига бағишлиб айтган марсиялари бўлиб, у барча вилоятларга машҳурдир. Кўйчилар унга мослаб куй тузганлар ва қўшиқ қилиб айтадилар. Қўшиқчилар уни «оташпарастлар йиғиси» (П. 22) дейдилар. Бу гаплар бўлганига хозир (Л. 20а) уч минг йилдан ортикрок (Д. 24б) вакт ўтди.

Шундай қилиб, мана шу ривоятга кўра бу ҳисорни Сиёвуш бино (Б. 29) килган, баъзилар эса Афросиёб бино килган деганлар. [Сўнг] бу ҳисор бузилиб кетиб, кўп йиллар вайронлигича колди. Биз айтиб 29 ўтган хотиннинг эри, || Тағшоданинг отаси бўлган Бидун Бухорхудёт

тахтга ўтирганидан кейин, одам юбориб бу хисорни тузаттириди, ундағи қасрни ҳам у тузаттириди ва ўз номини темирга ёздириб қасрнинг эшигига маҳкам үрнаттириди. Шу хат битилган темир таржимоннинг замонигача ўша қаср эшигига мавжуд эди. Лекин Ахмад ибн Мұхаммад ибн Насрнинг айтишича, хисорни вайрон қылғанларида у эшикни ҳам бузиб юборғанлар. Ахмад ибн Мұхаммад ибн Насрнинг айтишича, Мұхаммад ибн Жағфар ва Абу-л-Хасан Нишопурый бундай деғанлар: Бидун Бухорхудот у қасрни бино қылғанида бузилиб кетди, қайтадан бино қылған эди, яна бузулди. У неча марта бино қымасин яна вайрон бўлаверди. (Д. 25а) Ҳукамоларни йигиб улардан маслаҳат сўрадилар. Улар бу қасрни осмондаги етти карокчи юлдузлари шаклида еттита тош устуға қуришга қарор қилдилар; шу шаклда [курилгандан кейин] қаср бузулмади. (Л. 20б) Яна бир ажойиби шуки, бу қаср бино қилингандан бери бунда ҳаёт кечирган ҳеч бир подшоҳ мағлубиятга учраган эмас, аксинча, ҳамиша ғалаба қозонган. Яна бир ажойиби, бу қасрни бино қылғанларидан бери на коғирлар даврида ва на исломият даврида — бирор подшоҳ ҳам унинг ичидаги ўлмаган; подшоҳнинг ажали етган вақтда бирор сабаб юз бериб у қасрдан ташкарига чиккан ва бошқа бир жойда вафот топган — бу қаср бино қилинганидан то вайрон бўлгунича шундай бўлиб келган.

Бу хисорнинг (Б. 30) иккита дарвозаси бор, бирни шарқ томонда, бирини ғарб томонда; шарқ томондагисини «Дари гуриён», ғарб томондагисини «Дари Регистон» дейдилар. || таржимоннинг даврида кейингиси- 30 ни «Дари алаффурушон» деб атаганлар. Ҳисорнинг ўртасида (Д. 25б) бу дарвозадан то у дарвозагача тўғри ўйл бўлган. Бу хисор подшоҳлар, амирлар (П 23) ва аскар бошликларининг турар жойлари бўлиб, зин-дон, подшоҳлик девонлари⁵ ва подшоҳлар турадиган қаср (Л. 21а) қадимдан шу ерда бўлган. Ҳарам саройи ва хазина [ҳам] шу хисорда бўлган. Таржимоннинг даврида бу хисор бузилиб кетди. Бундан бир неча йил илгари Арслонхон уни янгилашга буюрди ва ўзига турар жой қилиб олди ҳамда ҳисорни [маълум] шартларга мувофиқ идора қилиб турсин учун, улуғ бир амири кутвол⁶ қилиб тайинлади. Бу хисор ҳалқ кўзида зўр ёътиборга эга эди.

Беш юз ўттиз тўртинчи йил ойларидан бирида (28 август 1139—16 август 1140) Хоразмшоҳ⁷ Бухорога келганида амир Занги Али халифа ҳамда Султон Санжарнинг⁸ фармони билан, Бухоронинг волийиси эди. Хоразмшоҳ уни қўлга олиб ўлдирди ва ҳисорни вайрон килди. Ҳисор икки йилдан ортиқрок шу вайронлигича колди. Беш юз ўттиз олтинчи йили (6 август 1141—26 июль 1142) Д. 26а) Гўрхон⁹ томонидан Бухорога волий қилиб тайинланган Алптегин ўша йилиёқ ҳисорни ободон қилишга буюрди ва уни ўзи учун турар жой қилиб олди (Б. 31). Ҳисор илгаригидан ҳам яхширок бўлди. Беш юз ўттиз саккизинчи йили рамазон ойида (8 март—6 апрель 1144) (Л. 21б) ғуз аскарлари¹⁰ Бу-

хорога етиб келди. Айнуддавла, Қарочабек ва Шахоб вазирлар хисорга қамалдилар, кўп жанг ва қийинчиликлардан қейин ғуз аскарлари хисорни олиб, Шахоб вазирни ўлдирдилар ва хисорни вайрон қилдилар; хисор шу вайронлигича қолди. Беш юз олтмишинчи йили (18 ноябрь 31 1164—6 ноябрь 1165) || Бухоро шаҳрининг айланасига девор қурмокчи бўлдилар; деворнинг тагини пишиқ ғиштдан ишлаш зарур бўлди. Хисорнинг таги ва миноралари пишиқ ғиштдан эди, уни бузиб олиб Бухоро шаҳрининг деворига ишлатдилар. Хисор бир йўла вайрон бўлди ва у қасрдан хеч бир иморат ва нишон қолмади.

Олти юз тўртинчи йили (28 июль 1207—15 июль 1208) (Д. 26б) Хоразмшоҳ Муҳаммад ибн Султон Такаш Бухорони олиб, хисорни қайтадан тиклади; хитойликлар енгилдилар¹¹. Олти юз ўн олтинчи йили (19 март 1219—7 март 1220) эса татар лашкари келди, уларнинг амири Чингизхон эди. Улар қалъанинг дарвозасида ўн икки кун жанг килиб, уни олдилар ва вайрон қилдилар. (П 24) (Л. 22а).

✓ IX ПОДШОХЛАРНИНГ БУХОРОДА БЎЛГАН МАНЗИЛЛАРИ ҲАҚИДА

Бухоро хисорининг ғарбий дарвозасидан то Маъбад дарвозасигача бўлган масофа Регистон деб аталади. Мана шу Регистонда қадим жоҳилийят даврларидан бери подшоҳларнинг саройлари бўлган. Сомонийлар даврида¹ Амири саъид Наср ибн аҳмад ибн Исмоил ас-Сомоний², Регистонга бир сарой [куришни] буюрди; (Б. 32) ғоятда гўзал бир сарой курдилар; [Амир] бунга кўп мол сарфлади; у ўз саройи дарвозаси олдиди амалдорлари³ учун сарой қуришга буюрди, уни ҳам курдилар, шундайки, ҳар бир амалдорнинг подшоҳ саройи дарвозаси олдиди курилган ўз саройида алоҳида девони бор эди; масалан: вазир девони, молия (кирим-чиким) ишлари девони, давлат хужжатларини бошкариш ишлари девони, сокчилар бошлиги девони, хат-хабарлар мутасаддиси девони, (Д. 27а) сарой иш бошқарувчиси девони, давлат хос мулклари девони, муҳтасиб девони, вакфлар девони, козилик ишлари девони⁴. [Амир] мана шу тартибда девонлар қуришга буюрди ва уларни курдилар.

Абдулмалик ибн Нуҳ ибн Наср ибн Аҳмад ибн Исмоилнинг даврида⁵, унинг вазири ва «Китоби Яминий»нинг муаллифи худо раҳмат қилгур 32 (Л. 22б) Аҳмад ибн Ҳасан ал-Утбий⁶,— || унинг гўри Дарвазайи Мансур маҳалласида, хон ҳаммомининг ёнидадир, мадраса рўпарасига жуда яхши бир масжид бино қилди ва шу масжид туфайли ўша мавзе камол топди. У доно амир отдан йикилиб ўлгач, куллар кечаси саройга кириб, уни талашга киришдилар. Амирнинг яқин кишилари⁷ ва қапизлари ўтрасида жанжал чиқиб, саройга ўт кўйиб юбордилар; сарой буткул

ёниб кетди ва ундаги тилла ва кумушдан [ишланган] ҳамма гўзал нарсалар яроксиз бўлди. Шундай [ёнгин] бўлдики, у бинолардан бирор нишон ҳам қолмади.

Уч юз эллигинчи йил шаввол ойида (13 ноябрь — 11 декабрь 961) Амири садид Мансур ибн Нух⁸ (Д. 27б) Жўйи мулиён деган жойда таҳтга ўтиргач, унинг фармони билан у саройни янгидан қуриб нобуд ва зое бўлган нарсаларни (Б. 33) аввалгидан ҳам яхшиrok килиб вужудга келтирдилар. Шунда Амири садид саройда жойлаши. (П 25) [Бироқ] хали бир йил ҳам ўтгани йўқ эдик, бир байрам кечаси ўтказилиб, қадимий одатга мувофик катта гулхан ёқдилар, (Л. 23а) бир пора олов учеб саройнинг шиши аланга олди ва сарой яна бутунлай куйиб кетди. Амири садид кечаси Жўйи мулиёнга кетди ва *вазирига шу кечадаёк ҳамма ҳазина ва дафиналарни олиб чиқишга буюрди. [Вазир] бу нарсаларни ишончли кишилар орқали Жўйи мулиёнга юборди⁹. Тонг отгач, битта тилла косадан бошқа ҳеч бир нарса йўқолмаганинги аниқладилар. Амири садиднинг вазири холис ўз пулига оғирлиги етти юз мисқол¹⁰ келадиган бир коса буюртириди ва уни ҳазинага || 33 юборди. Ўша вактдан бери бу мавзе яна регистон — «бўш майдон»га айланиб вайрон бўлиб колди.

Кейин подшоҳлар саройлари Жўйи мулиёнда бўлган (Д. 28а). Жўйи мулиённинг жаннатни эслатувчи гўзал мақомидан кўра яхшиrok бирор жой ва манзил Бухорода йўқ эди. Чунки унинг ҳамма жойи саройлар, боғлар, гулзорлар ва бўстонлар билан қопланган. Доимий оқиб турувчи сувлар [билин таъминланган]. Унинг чаманзорлари бир-бирларига тулашиб кетган ва уларнинг ораларидан ариклар ўтиб чаманзорлар ва гулзорлар томон минг тарафга қараб оқар эди. Оқиб турган сувларни томоша килган ҳар бир киши, бу сув қаердан келаяпти-ю, қаерга кетаяпти деб ҳайратда қолар эди. Ўз замонининг нодир устодлари ва меъморлари ана шундай тарҳ чизган эдилар. Бир баҳтли [шоир] бундай деган. Байт:

Ҳаёт суви бу чаманга келдию, зор-зор йиғлаб кетди, (Б. 34)
Бу гулшани ташлаб кетиш шарт эканлигидан

нолалар қилиб кетди.

Яна Регистоннинг дарвозасидан то Даштаккача [бўлган] ҳамма ер тошдан ишланиб нақшланган, бир тартибда [курилган] баланд уйлар, турли суратлар ишланган меҳмонхоналар, чиройли чорбоглар ва яхши сарҳовузлар билан банд эди. Сада қайрағочлар (П 26) шундай бир тарзда чодир шаклини олган эдик, сарҳовуз лабидаги ўтирадиган жойга шарқ томондан ҳам, фарб томондан ҳам заррача қуёш тушмас эди. Бу чорбогларда нашвати, бодом, ёнғоқ, гилос, жилон жийда ва анбар бўйли жаннатда бўладиган ҳар бир мева ғоятда яхши ва гўзал тарзда [ўтқазилган] эди.

X ЖЎЙИ МУЛИЁННИНГ БАЕНИ ВА УНИНГ ТАВСИФИ

Жўйи мулиён ерлари кадим вактларда Тағшоданинг мулки бўлиб, у ўз фарзанд ва куёвларининг ҳар биринга таксим қилиб берган эди. Мархум амир Исмоил Сомоний бу ерларни халифа ал-Мустаъян ибн ал-Мұтасимнинг¹ || лашкарбошиси бўлган Ҳасан ибн Мұхаммад ибн Толутдан сотиб олди. Амир (Л. 236) Исмоил Жўйи мулиёнда саройлар ва боғлар барпо қилиб, унинг кўпроқ қисмини маволийларга² вакф қилди. У хозиргача ҳам вакф. Амир Исмоил доимо ўз маволийларига ғамхўрлик кўргизар эди.

Бир куни амир Исмоил Бухоро хисоридан Жўйи мулиёнга караб турганида унинг ёнида отасининг мавлоси Симо-ул-кабир — «Улуғ сиймо» турган эди. Амир Исмоил уни жуда (Б. 35) дўст тутар ва яхши кўрар эди, унга караб: «Бир вакти келса-да, худойи таоло бирор сабаб туғдириб, бу ерларни сизлар учун сотиб олсан ва менга умр берса-да, (Д 28 б) бу ерлар сизларники бўлганини кўрсан, чунки бу ерлар Бухоронинг барча ерларидан кийматлироқ, яхшироқ ва хуш хаворокдир»— деди. Худойи таоло насиб этиб амир Исмоил у ерларнинг ҳаммасини сотиб олиб, маволийларга берди ва ниҳоят, у ерлар Жўйи маволиён деб аталди, кўпчилик ҳалқ эса уни Жўйи мулиён, дейдилар.

Бухоро хисорига бир текислик ер туташган бўлиб, уни «Даштак» дейдилар. Бу ернинг ҳаммаси қамишзор эди. Мархум амир Исмоил бу жойни ҳам (П 27) Ҳасан ибн Мұхаммад ибн Толутдан ўн минг дирамга (Л. 24а) сотиб олди ва биринчи йилдаёқ қамишининг пулидан ўн минг дирам ҳосил унди. Амир Исмоил бу жойни масжиди жомега вакф қилди. Амир Исмоилдан кейин унинг фарзандларидан кимки амир бўлса у гўзаллиги, тоза ва хушҳаволиги туфайли Жўйи мулиёнда ўзи учун боғ ва кўшклар бино қилди.

Дарвозай Навда³ шаҳар дарвозасига туташ бир мавзе борки, уни «Кораки Алавиён» — «Али авлоди экинзори» дейдилар. Амир Мансур ибн Нуҳ бу жойга фоят гўзал бир кўшқ курди; (Д. 29а) гўзалликда уни мисол қилиб гапирав эдилар; у уч юз || эллик олтинчи иили (17 декабрь 966—6 декабрь 967) [курилган] эди. Кораки Алавиённинг бу ерлари то Насрхон ибн Тамғочхон⁴ давригача сultonлик мулки бўлган эди. Насрхон бу ерларни шаҳарга яқин бўлганилиги учун факихларнинг дехкончилик қилишлари осонрок бўлсин деб, илм ахлларига берди ва ўзи бунинг эвазига узокрок ерлардан олди.

Жўйи мулиён ва Кораки Алавиён сомонийлар хукмронлиги даврининг охиригача обод эди. Мамлакат сомонийлар кўлидан кетгач, у саройлар хароб бўлди ҳамда токи Шамсулмулк Наср ибн Иброҳим Тамғочхон давригача (Б. 36) Бухорода фақат хисордан бошқа [подшоҳлар учун] бирор муайян қароргоҳ⁵ бўлмади. (Л. 24б) Шамсулмулк Шамсабодни бино қилди.

XI

ШАМСОБОДНИНГ БИНО ЭТИЛИШИ ҲАҚИДА

Малик Шамсулмулк дарвозайи Иброҳим олдидан кўп даромадли ерларни сотиб олиб, дарвозагача қарийб ярим фарсанг келадиган жойда гўзал боғлар барпо этди, иморатларига кўп маблағ ва хазиналар сарф қилди ва у жойга Шамсобод деб ном берди ҳамда Шамсободга туташ қилиб подшоҳликка хос отлар учун бир ўтлок жой барпо этди ва (Д. 29б) уни гўруқ [қўруқ] деб атади ва узунлиги бир мил¹ микдорида мустахкам девор билан ўраб, ичига бир каср ва бир каптархона қурди. Бу гўруқ ичида буғу, кийик, тулки ва айик каби ёввойи жониворларни (П 28) [ҳам] саклар ва уларнинг ҳаммаси ўргатилган эди. Гўруқ баланд деворлар билан ўралган бўлиб, жониворлар коча олмас эдилар.

Малик Шамсулмулк дунёдан ўтгач, унинг биродари Хизрхон² таҳтга ўтириди ва ана шу Шамсободга кўп иморатлар қурдирди. Улар ғоятда гўзал эди. У ҳам дунёдан ўтгач, унинг ўғли Аҳмадхон подшоҳ бўлди³. (Л. 25а) У Шамсободга қарамай қўйди ва ниҳоят, Шамсобод ҳаробаликка юз ўғирди. ||

Маликшоҳ Ҳурсондан Бухорога [юриш қилиб] келганида⁴ кўп жойларни вайрон қилди ҳамда [Бухородан] Самарқанд томон кетаётганида Аҳмадхонни асир қилиб Ҳурсонга олиб кетди ва яна Мовароунаҳрга кайтариб юборди. Аҳмадхон [қайтиб келганида] Шамсобод тамом вайрон бўлган эди. У ўзига Жўйборда сарой қуришга буюрди, саройни қурдилар. Сарой ичига боф, оқар сувлар ва унинг такомили учун зарур бўлган барча нарсаларни жойига келтирдилар. (Д. 30а). Бу сарой ўттиз йилгача Бухоро ҳукмронларининг қароргоҳи бўлиб турди.

Арслонхон (Б. 37) таҳтга ўтиргач, ҳар вакт Бухорога келганида шу саройда бўлар эди. Кейинрок у саройни буздириб ҳисорга олиб келишни лозим топиб, шунга буйруқ берди ва у жой ҳароб бўлиб колди.

Бир неча йилдан кейин Арслонхоннинг фармони билан Бу Лайс кўчасидаги Дарвоза маҳалласида сарой ва унинг ичида подшоҳликка хос ҳаммом курилди. Яна сарой дарвозаси олдига мисли кўрилмаган бошқа бир ҳаммом ҳам солинди. (Л. 25б) У сарой кўп йиллар давомида Бухоро подшоҳининг қароргоҳи бўлиб турди. Кейинрок эса Арслонхоннинг фармони билан у саройни факиҳлар учун мадраса қилиб бердилар, сарой дарвозаси олдидаги ҳаммомни ва бирмунча кишлекларни у мадрасага вакф қилдилар. Ўзи учун хос саройни эса Арслонхон Саъдбод дарвозаси олдиди қуришга буюрди; уни ҳам қурдилар.

XII КАШКАШОН [ДЕБ АТАЛГАН] ГУРУХНИНГ БАЁНИ

Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий ўз китобида келтирганкин. Кутайба ибн Муслим Бухорога (П 29) кириб уни олгач, (Д. 30б) Бухоро ахолисига ўз уйлари ва ерларининг ярмини арабларга беришни

буюрди. Бухорода бир қавм бор эдики, уни Кашкашон дер эрдилар; 37 улар хурматли, қадр-кийматли ва эътиборли одамлар бўлиб, || Бухоро ахолиси ўртасида зўр обрўга эга эдилар; улар дехқонлардан бўлмай, четдан келган кишилар бўлиб аслзода, савдогар ва бой одамлар эдилар. Кутайба уйлар ва асбоб-анжомларни тақсим қилиб беришга кистай бергач, улар ўз уй-жойлари ва асбоб-анжомларини бутунлай арабларга колдириб, ўзлари учун шаҳар ташқарисида етти юзта (Л. 26а) кўшк бино килдилар. У вактларда шаҳарнинг катталиги [хозирги] шахристонча келар эди. [Кашкашонлардан] ҳар бири ўз кўшкининг атрофига хизматкорлари ва ўзига қарашли одамлари учун уйлар курди (Б. 38) ва ҳар бир киши ўз кўшкининг олдига боғ ва текис майдон барпо килди ва улар ана шу кўшкларга кўчиб келдилар. У кўшклар хозирда вайрон бўлиб, кўпроқ кисми шахарга кўшилиб кетган; у жойда факат икки-учта кўшк сақланиб қолган (Д. 31а) ва уларни «Қўшки муғон» дейдилар. Чунки у жойда оташпараст (муғ)лар турганлар. «Бу вилоятда оташпарастларнинг ибодатхоналари кўп бўлган ва муғлар кўшклари дарвозаларининг олдида гўзал ва оромбахш боғлари бўлиб¹, уларнинг экин ерлари жуда қимматбаҳо бўлган.

Мұхаммад ибн Жаъфар шундай ёзган: «Биз Амири ҳамид даврида² эшлишимизча, Қўшки муғон ерларининг қимматбаҳо эканлигига сабаб шуки, подшоҳлар Бухорода жойлашганлар ва уларнинг хизматчилари ва яқин кишилари у ерларни сотиб олишга қизикқанлар, натижада бу ерларнинг ҳар бир жуфти ҳатто тўрт дирамгача етган. Бу гап Амири [ҳамид] нинг қулоғига (Л. 26б) етганида у: «Менинг билишимча, подшоҳлар Бухорода туар жой қилиб олишларидан илгари бу ерларнинг баҳоси яна ҳам ортиқроқ бўлган, агар бирор бир жуфти гов ер сотиб олмоқчи бўлса, йил бўйи қидириб [ундай ерни] топа олмас эди, агарда топа олса ҳар бир жуфтни ўн икки минг ҳолис Қўмуш дирамга сотиб олиши лозим эди. Ҳозир бир жуфт ернинг нархи (Д. 31б) тўрт минг 38 ҳолис қумуш дирам бўлса, нарх арzonлашиб қопти, (П 30) || ҳалқда қумуш [пул] кам қолган бўлса керак»,— деган.

Аҳмад ибн Мұхаммад ибн Наср эса: «Бизнинг давримизда бу Қўшки муғон ерлари (Б. 39) шундай [арзон] бўлдики, уни текинга берсалар ҳам, ҳеч ким олишни истамайди. Сотиб олингани ҳам [хукмдорларнинг] ҳалққа қилган зулм ва шафқатсизлиги сабабли [экилмай ётади] ва текинга колиб кетади»,— дейди.

XIII БУХОРО ВА УНИНГ АТРОФ ЕРЛАРИДАГИ АНХОРЛАР¹

Биринчиси Кармина анхори; бу катта анхор. Иккинчиси Шопурком анхори. Бухоронинг авом ҳалки буни Шофурком дейишади. Ҳикоятда келтиришларича, сосонийлар сулоласидан бўлган Кисронинг² фарзандларидан бири ўз отасига аччик қилиб, бу вилоятга келган; унинг номи Шопур эди. «Пур» эрон тилида «ўғил» демакдир. (Л. 27а) У Бухорога

келганида Бухорхудот уни яхши қабул қилди. Шопур ов қилишни яхши кўрар эди. Бир куни овга чиқиб у [Шопурком] томонига бориб колди. У вактларда ўша ерда ҳеч бир қишлоқ ва обод жой бўлмай, яйлок ва ов килинадиган жой бўлган. Бу ер Шопурга ёкиб қолиб, уни обод қилиш учун улуш йўсинида ўзига берилишини Бухорхудотдан сўраган. (Д. 32а) Бухорхудот бу мавзени Шопурга берди ва Шопур у ерда катта анҳор казитиб, уни ўз номи билан, яъни «Шопурком» деб атади ва бу анҳор [бўйлаб] қишлоклар ва қаср бино килди. Бу теваракни «Обавия қишлоклари» дейдилар. Шопур яна Вардана қишлоғини бино қилди ва қаср куриб, уни ўзи учун тураржой қилиб олди. [Шундай қилиб] у ерда катта бир мулк пайдо бўлди ва Шопурнинг вафотидан кейин қишлоклар унинг авлодига мерос бўлиб колди. Кутайба ибн Муслим Бухорога келган вақтда || Шопур авлодидан Вардонхудот 39 хукмрон эди ва у улуғ подшоҳ бўлиб, Вардана қишлоғида турар ҳамда Тағшода Бухорхудот билан низолашар эди. Кутайбага Вардонхудот билан кўп жанглар қилишга тўғри келди ва охири Вардонхудот ўлиб, Кутайба Бухоро мулкини Тағшодага берди. (П., 31). Бу кисса Байканд ва Бухоронинг фатҳ этилиши бобида (Л. 27б) айтилади. (Б. 40).

Учинчи анҳорни Ҳарқонат ул-Улё, тўртинчисини Ҳарқонруд, бешинчисини Овхатфар,— бу ғоят кенг ва катта анҳордир,— олтинчисини Сомжан, еттинчисини Байконруд ва саккизинчисини (Д. 32б) Фаровизи Улё дейдилар; бу [саккизинчи] анҳор бўйлаб кўп қишлоклар жойлашган. Тўққизинчисини Фаровиз ис-Суфло ёки Коми Даймун ҳам дейдилар. Ўнинчисини Арвон, ўн биринчисини Қайфур, ўн иккинчисини Руди Зар дейдилар. Бу шахарни [сугорувчи] анҳордир. Биз айтиб ўтган анҳорларнинг ҳаммаси серсув бўлиб, улар [ёкаси бўйлаб] кўп қишлоклар ўрнашган. Айтишларича, ҳамма анҳорларни халқ қазиган, аммо Овхатфар анҳорининг қазилишида у ернинг ҳалки заҳмат чекмаган, уни сувнинг ўзи ўйиб қазиган. Ҳозир бухороликлар уни Руди Нафар дейдилар.

XIV БУХОРО ВА УНГА ТОБЕ ЖОЙЛАРНИНГ ХИРОЖИ

Сомонийлар ва улар кўл остидаги амирлар даврида Бухоронинг хирожи Карминанини билан кўшилиб бир гал бир миллион бир юз олтмиш саккиз минг беш юз олтмиш олти дирауму беш ярим донакни таш-40 кил этган. (Л. 28а). Ундан кейин хирож ҳар жихатдан *камайган¹ || баъзи ерлар сув тагида колиб кетиб, подшоҳ у мавзедан хирож олишни тўхтатган; сув олиб кетган жойдан [ҳам] хирож олмай кўйган; ерларнинг баъзиси (Д. 33а) алавийлар ва факиҳлар кўлига ўтиб сulton булардан ҳам хирож олмаган. Баъзи ерлар масалан, Байканд ва бошқа кўп қишлоклар, сultonнинг мулклигига ўтиб хирож дафтаридан ўчирилган ва Карминанинг хирожи Бухоро хирожидан ажратилиб [алоҳида олинган]. (П. 32).

XV БУХОРОНИНГ КИШИЛАР «ҚАНПИРАК ДЕВОР» ДЕБ АТАЙДИГАН ДЕВОРИ ҲАҚИДА¹

Аҳмад ибн Мұхаммад [ибн] Наср (Б. 41) айтадики, Мұхаммад ибн Жаъфар Наршахий бу фаслни шу [қуйидаги] тартибда баён қилмаган, лекин сўз орасида баъзи гапларни айтиб ўтган. Аммо Абу-л-Ҳасан Нишопурий «Ҳазоин ул-улум»да батартиб келтирғанки, халифалик Амирул-муъминин Маҳдийга, яъни Ҳорун ар-Рашидининг отасига етгач, аббосий халифаларининг хеч бири ундан қўра порсороқ бўлмаган, у бутун Ҳурисон амиригини бир юз олтмиш олтинчи йили (15 август 782—4 август 783) Абу-л-Аббос ал-Фазл ибн Сулаймон (Л. 286) Тусийга² берди. Бу [амир] Марвга келиб шу ерда ўрнашди.

Шундан кейин [Бухоронинг] кўзга кўринган кишилари, жамоалар сардорлари ва улуғлари (Д. 336) унинг олдига бордилар ва Сўғднинг барча сардорлари ҳам Ҳурисон амирига салом бериш учун Марвга келдилар. Ҳурисон амири улардан ўз вилоятларининг аҳволи ҳакида сўради. Бухороликлар айтдиларки: «Биз турк коғирларидан ранж тортомокдамиз, улар ҳар вакт тўсатдан келиб қишлоқларни талайдилар; ҳозир улар яна келиб Сомдун қишлоғини таладилар ва мусулмонларни асир килиб олиб кетдилар». Абу-л-Аббос Тусий сўради: «Ўзингизда бирор чора бормики, мен [уни амалга оширишга] буюрсан!» Шу ерда ҳозир бўлган Сўғд малики Язид ибн Ғўрак жавоб бериб: «Ҳурисон амирининг умри узун бўлсин! Қадим жоҳилийят даврларида || турклар Сўғдни талар эканлар. Сўғдда бир хотин киши подшоҳ экан, у Сўғднинг атрофига девор кўтартирған ва Сўғд вилояти турклардан омон топган»,— деди. Шунда Абу-л-Аббос Тусий унинг ўзи томонидан Бухоро амири бўлиб турган Мұхтадий ибн Ҳаммод ибн (Б. 42) амир аз-Зухлийга Бухоро атрофига девор олдиришни буюрди ва туркларнинг кўллари Бухоро вилоятига етмасин учун, худди Самарканддагига ўхшаш Бухоронинг ҳам ҳамма қишлоқлари (Л. 29а) девор ичкарисида бўлсин, деди. Мұхтадий (Д. 34а) ибн Ҳаммод шундай деворни уришга, ҳар бир фарсанг [масофада] бир дарвоза куришга (П 33) ва ҳар ярим мил [масофа]да биттадан мустаҳкам минора кўтаришга буюрди. Бухоронинг қозиси бўлган марҳум Саъд ибн Халиф ал-Бухорий бу ишга мутасаддий бўлди. Ниҳоят девор икки юз ўн бешинчи йили (28 февраль 830—17 февраль 831) Мұхаммад ибн Яхё ибн Абдуллоҳ ибн Мансур ибн Ҳажад ибн Варакнинг даврида курилиб битди. Бундан кейин амир бўлган ҳар бир киши деворни тузаттириб, сақлаб турагар ва шу сабабли Бухоро ахолисига кўп харажат тушар, ҳар йили кўп пул сарфлашга ва жуда кўп ҳашар ташкил қилишга тўғри келар эди. Охири раҳматли амир И smoил Сомоний ҳалкни [бу кийинчиликни тортишдан] озод қилди ва девор ҳам ҳароб бўлди. Амир: «То мен тирик эканман, Бухоро вилоятининг девори мен бўламан»,— деди ва устига олган бу вазифани

¹ 41 Шунда Абу-л-Аббос Тусий унинг ўзи томонидан Бухоро амири бўлиб турган Мұхтадий ибн Ҳаммод ибн (Б. 42) амир аз-Зухлийга Бухоро атрофига девор олдиришни буюрди ва туркларнинг кўллари Бухоро вилоятига етмасин учун, худди Самарканддагига ўхшаш Бухоронинг ҳам ҳамма қишлоқлари (Л. 29а) девор ичкарисида бўлсин, деди. Мұхтадий (Д. 34а) ибн Ҳаммод шундай деворни уришга, ҳар бир фарсанг [масофада] бир дарвоза куришга (П 33) ва ҳар ярим мил [масофа]да биттадан мустаҳкам минора кўтаришга буюрди. Бухоронинг қозиси бўлган марҳум Саъд ибн Халиф ал-Бухорий бу ишга мутасаддий бўлди. Ниҳоят девор икки юз ўн бешинчи йили (28 февраль 830—17 февраль 831) Мұхаммад ибн Яхё ибн Абдуллоҳ ибн Мансур ибн Ҳажад ибн Варакнинг даврида курилиб битди. Бундан кейин амир бўлган ҳар бир киши деворни тузаттириб, сақлаб турагар ва шу сабабли Бухоро ахолисига кўп харажат тушар, ҳар йили кўп пул сарфлашга ва жуда кўп ҳашар ташкил қилишга тўғри келар эди. Охири раҳматли амир И smoил Сомоний ҳалкни [бу кийинчиликни тортишдан] озод қилди ва девор ҳам ҳароб бўлди. Амир: «То мен тирик эканман, Бухоро вилоятининг девори мен бўламан»,— деди ва устига олган бу вазифани

тӯла бажарди; у доимо жангларда ўзи катнашди ва Бухоро вилояти устидан душманларнинг зафар топишларига йўл қўймади.

XVI

БУХОРО ШАҲРИНИНГ ДЕВОРИ

Бухоро халқи Хуросон амири (Л. 29б) Муҳаммад (Д. 34б) ибн Абдуллоҳ ибн Талха ат-Тоҳирин¹ томонидан Бухоро амири бўлиб турган Аҳмад ибн холиддан ||: «Шаҳримиз атрофида девор бўлиши керак, 42 токи биз кечаси дарвозаларни беркитиб, ўғрилар (Б. 43) ва йўлкесарлардан тинч бўлайлик»,— деб илтимос қилдилар. Шундан кейин у девор уришга буюрди ва жуда яхши махкам девор уриб, миноралар курдилар, дарвозалар ўрнатдилар. Бу иш икки юз ўттиз бешинчи йили (26 июль 849 — 14 июль 850) тамом бўлди; ҳар қачонки бирор лашкар Бухорога касд кўлса деворни кайтадан тузатишар эди. Арслонхон ўз [хукмронлиги] даврида² эски деворнинг олдига бошқа [янги] девор [ҳам] уришга буюрди ва иккала девор бир-бирига ёпишиб мустахкам бўлди. [Лекин кейинроқ] бу девор ҳам бузилиб кетди.

Беш юз олтмишинчи йили (18 ноябрь 1164 — 6 ноябрь 1165) одил ва билимдон ҳокон, дунё ва диннинг суюнчиғи Масъуд Қилич Тамғочхоннинг³,— (П. 34) худо унинг ётган ерини нурлантирсинг,— буйруғи билан Бухоро шаҳри эски деворининг ташкарисидан девор урдилар; у ҳам вайрон бўлди. Олти юз тўртинчи йили (28 июль 1207 — 15 июль 1208)⁴ Хоразмшоҳ Муҳаммад ибн Султон Такаш Бухорони олди ва яна сиртдан девор уришга буюрди; (Д. 35а; Л. 30а) иккала деворни янгиладилар. Олти юз ўн олтинчи йили (19 март 1219 — 7 март 1220) татар лашкари келиб Бухорони олди ва у деворлар яна вайрон бўлди.

XVII

БУХОРОДА ДИРҲАМ ВА ҚУМУШ [ТАНГА] ЗАРБ
КИЛИНИШИ

Бухорода сийм — қумуш [танга]ни дастлаб ишлатган киши Коно Бухорхудот номли подшоҳ эди. У Бухорода ўттиз йил подшоҳ бўлиб турди. Бухорода савдо бўз ва буғдой воситаси билан бўлар эди. Бошқа вилоятларда қумуш [танга] зарб қилгандилари ҳакида подшоҳга хабар берган эдилар, у ҳам Бухорода соғ || қумушдан танга зарб қилиб, унга 43 (Б. 44) ўзининг тож кийиб тургандаги суратини ишлашга буюрди. Бу воқеа Амирул-муъминин Абу Ҷакр Сиддиқнинг,— ундан худо рози бўлсин,— халифалик даврида¹ бўлиб [бу қумуш танга] Хорун ар-Рашид давригача² давом этди. Бунинг даврида эса бир юз саксон бешинчи йил рамазон ойида (13 сентябрь — 12 октябрь 801) Фитриф ибн Ато Хуросонга амир бўлди. Фитриф Хорун ар-Рашидинг онаси бўлган Хайзурон номли [хотиннинг] биродари эди. Хайзурон Атонинг қизи бўлиб, Ямандаги Жураш деб аталган шаҳардан эди. У асир тушиб

колиб (Д. 356) Табаристонга ва у ердан Маҳдийнинг ҳузурига келтирилган эди. Маҳдий бу хотиндан икки ўғил кўрди; биринчиси Мусо ал-Ходий³, иккинчиси Хорун ар-Рашиддир. (Л. 306) Хайзуроннинг обруси улуғлангандан кейин Фитриф [Ямандан] унинг олдига келиб, шу ерда колди. Хорун ар-Рашид Хурносонни Фитрифга берди.

У вактда *Бухоро⁴ ахолиси кўлида Хоразм кумуш [тангаси] муомалада бўлиб, одамлар у кумуш [танга]ни кўнгилсизлик билан олар эдилар. Бухоронинг [ўзида куйилган] у кўмуш [танга] эса одамлар кўлидан чикиб кетган эди. Фитриф ибн Ато Хурносонга келганида (П 35) Бухоронинг катталари ва кўзга кўринган кишилари унинг олдига бордилар ва ундан: «Шаҳаримизда кумуш [танга] колмади, Хурносон амири буюрсалар, токи бизга кумуш [танга] зарб қилиб берсинлар ва уни ўша қадимги Бухоро кумуш [тангаси] зарб қилинган қолипда⁵ қўйсинлар ва у кумуш [танга] шундай бўлсинки, ҳеч ким уни бизнинг кўлимииздан чиқариб ололмасин, шахримииздан ташқариға олиб кетолмасин ва биз ўз ўртамиизда ўша кумуш [танга] билан муомала килайлик»,— деб талаб қилдилар. У вактда кумуш кам эди; шаҳар ахолисини (Д. 36а) йигиб бу ҳақда улардан маслаҳат сўрадилар ва олти хил нарса — тилла, кумуш, тери (?)⁶, қалай, темир ва мислардан кумуш [танга] зарб қилишга карор қилдилар. Шу [карорни] амалга оширдилар ва ўша илгариги 44 || қолипни Фитриф номи билан, яъни «Сийми ғиттифий»—«Фитриф кумуш [тангаси]» деб кўйдилар; авом ҳалқ уни «ҳидрифий» деб атар эди. Кадимги кумуш [танга] соф кумушдан эди. Бу аралаш қилиб қуйилган кумуш [танга] (Л. 31а) кора рангли бўлиб чиқди ва Бухоро ахолиси уни олмай кўйди. Султон уларга ғазаб қилгач, мажбуран оладиган бўлдилар. Олти ғидрифий бир дирҳам соф кумушга баробар деб баҳо кўйдилар. Султон [ҳам] уни шу кийматда олди ва нихоят, у кумуш [танга] ривож топиб кетди ва шу сабабдан [ҳалқ учун] Бухоро Ҳирожини [тўлаш] оғир бўлди, чунки Бухоро Ҳирожи илгари икки юз минг кумуш дирамдан бир оз камрок эди, ғидрифий тангаси қўйилиб, олтитаси бир дирам соф кумуш баҳосида юргач, султон [бухороликларни] шу ғидрифий билан *хирож тўлашга⁷ буюрди, шунда Ғидрифий камайиб кетиб, бир ғидрифийнинг бир дирами бир дирам [соф] кумуш баҳосида юра бошлади. Султон эса [хирожни] кумуш билан олишини истамай, (Д. 36б) ғидрифий талаб қилди. [Натижада] икки юз минг дирам кумушдан камрок бўлган Бухоро Ҳирожи бирданига 1.068.567 дирам ғидрифийга бориб етди.

Мухаммад ибн Жаъфарнинг айтишича, бир йили икки юз йигирма дирам тоза кумуш саксон беш дирам ғидрифийга [баробар] бўлган. Аҳмад ибн Наср: «Биз бу китобни таржима килаётганимиз беш юз йигирма иккинчи йили (6 январь — 24 декабрь 1128) юз дирам соф кумуш етмиш дирам ғидрифий баҳосида бўлиб, *бир мисқол кизил олтин⁸ етти ярим дирам ғидрифий [баҳоси]га тенг бўлади»,— дейди.

Мұхаммад ибн Жаъфарнинг айтишича, бу ғидрофийни Бухоро шахрида Күшкі || Моҳак⁹ [деган жой] да зарб қилғанлар. Ғидрифий кумуш 45 [тангасида] бошка таркиблардан кўра кумуш (П 36) кўпроқ. (Л. 31б) Айтишларича, бир ғидрифийнинг ҳар бир дирамида бир ҳабба¹⁰ (Б. 46) тилла бўлиб, ҳар бир ўн дирамида¹¹ *ярим дирамдан тортиб тўрт ярим донангача¹² тилла бўлган. Сомонийлар сулоласидан [подшоҳ бўлган] ҳар бир киши (Д. 37а) ва сомонийлар сулоласидан кейинги бошка подшоҳлар Бухорода кўп майда пуллар зарб қилғанлар. Бунинг бирор ажабланарли жойи бўлмаганлиги учун, у ҳақда гапирилмади.

XVIII БУХОРО ФАТХ ЭТИЛИШИННИНГ БОШЛАНИШИ

Мұхаммад ибн Жаъфарнинг баён қилишича, Убайдуллоҳ ибн Зиёд Мувия¹ томонидан Хуросонга юборилиб, у Жайхун дарёсидан ўтиб Бухорога келган вақтида Бухоро подшоҳи, ўғли Тағшода кичик ёшли бўлгани туфайли, бир хотин киши эди. Убайдуллоҳ ибн Зиёд Байканд ва Ромтинни олиб кўп кишиларни асир қилди. Тўрт минг бухоролик асирни шахсан ўзига олди. Бу воқеа эллик учинчи йилнинг охири ва эллик тўртинчи йилнинг бошида (ноябрь-декабрь 673) бўлган эди. У Бухоро шахрига етгач, аскарларини саф қилиб, палакмонларни шахарга тўғрилаб қўйди. Хотин туркларга одам юбориб улардан ёрдам сўради ҳамда Убайдуллоҳ ибн Зиёдга ҳам одам юбориб етти кун мухлат талаб қилди ва: «Мен сенинг итоатингдаман»,— деб, кўп ҳадялар юборди. Шу етти кунда турклардан ёрдам келмагач, Убайдуллоҳ ибн Зиёдга қайтадан одам юбориб, яна етти кун (Д. 37б) мухлат сўради. [Нихоят] турк лашкари (Л. 32а) етиб келди ва бошқалар ҳам йигилишиб лашкар кўпайди; кўп урушлар қилдилар ва охири кофирлар енгилиб кочдилар, мусулмонлар уларнинг оркаларидан бориб кўплари ни ўлдирдилар. Хотин қалъага кирди, у [йигилиб келган] лашкарлар ўз вилоятларига (Б. 47) қайтдилар. Мусулмонлар курол, кийим-кечак, тилла ва кумушдан ишланган нарсалар ва асирлардан иборат кўп ўлжа қўлга киритдилар. || Улар хотиннинг бир пой этигини ҳам пайпоғи 46 билан топиб олдилар. Этик ва пайпоқ тилла [ишлатилиб тикилган ва] кимматбахо тошлар билан безатилган эди, баҳо қилғанларида (П 37) икки юз минг дирҳам турди.

Убайдуллоҳ ибн Зиёднинг фармони билан дараҳтларни кесдилар, кишлоқларни вайрон қилдилар; шаҳар ҳам хатарда эди; хотин одам юбориб омон тилади, бир миллион² дирҳам баробарига сулҳ тузилди. [Хотин] мол юборди, Убайдуллоҳ ибн Зиёд молни олиб қайтди ва мазкур тўрт минг бухоролик асирларни ҳам ўзи билан олиб кетди. У эллик олтинчи (Д. 38а) ийли (25 ноябрь 675—13 ноябрь 676) Хуросон амирлигидан туширилганидан кейин Саъид ибн Усмон Хуросон амири бўлди ва Жайхун дарёсидан ўтиб Бухорога келди. Хотин унга одам

юбориб: «Убайдуллоҳ ибн Зиёд билан тузган сулхимда барқарорман»,— деди ва молдан бир озини юборди. Ногоҳ (Л. 32б) шу аснода Сўғд, Кеш (Шахрисабз) ва Нахшаб (Карши) лашкарлари етиб келдилар. Уларнинг сони бир юз йигирма минг эди. Хотин сулҳ тузганлиги ва мол юборганилигига пушаймонлик билдири. Саъид: «Мен ҳам шундай фикрдаман»,— деди-да, молни кайтариб юбориб: «Бизнинг орамизда сулҳ йўқ»,— деди. Шундан кейин лашкарлар йиғилишиб бир-бирларига қарама-карши туриб саф тортилар. Худойи таоло коғирлар дилига вахима солиб, уларнинг ҳамма лашкарлари урушсиз оркага қайтилар. Хотин ёлғиз қолиб яна одам юборди ва [Саъиддан] сулҳ сўради, мол [микдорини] кўпайтириб хаммасини юборди. Саъид: «Мен (Б. 48) энди Сўғд ва Самарқандга бораман, сен менинг йўлимдасан, [кайтишимда] менинг йўлимни тўсмаслигинг ва мени ранжитмаслигинг учун сен томондан бирор гаров бўлиши лозим»,— деди. (Д. 38б) Хотин маликзодалар ва Бухоро дехконларидан саксон кишини гаров килиб Саъидга берди, Саъид Бухоро дарвозасидан кайтиб кетди ва шу кетганича кетмоқда.

Хикоятда келтиришларича, хотин ўз эрининг хизматкорларидан 47 бирига ошиқ эди; одамлар унинг ўғли Тағшода ўша || кишидан бўлган ва хотин бу болани ўз эридан бўлган деб кўрсатади, аммо бу бола Бухорхудотдан эмас деб гапирав эдилар. Унинг лашкарларидан бир гурӯҳи эса: «Биз унинг мамлакатини (Л. 33а) бешак подшоҳзода бўлган бошка бир худотзодага берамиз»,— дер эдилар; хотин уларнинг бу қасдларидан огоҳ бўлиб, уларни ўзидан даф килиш учун тадбир килирав эди. Саъид билан сулҳ тузилиб, Саъид ундан гаров талаб қилгач, хотин хийла килди ва ҳалиги максадни мўлжаллаган ўша гурӯҳни (П 38) гаровга бериб, улардан ҳалос бўлди ва Саъиддан ҳам кутулди.

Яна Саъид хакида хикоят киладиларки, у хотин билан сулҳ тузганида: «Менга салом бериш учун (Д. 39а) ҳузуримга чиқишинг керак»,— деган; хотин унинг айтганидек саломга чиқкан, у яна: «Менинг саркардаларим олдига [ҳам] саломга чиқишинг керак»,— деган. Хотин унинг саркардаларидан ҳар бири учун ҳам саломга чиқкан. Саъиднинг лашкар бошликларидан бири Абдуллоҳ Ҳозим эди, у ўзининг чодир ичида катта гулхан ёқишига буюрди ва ўзи [олов ёнида] турди. [Чодир ичи] жуда иссик эди, Абдуллоҳ ранги қизил қиши бўлиб, оловнинг иссиғидан кўзлари ҳам кизариб кетган эди ва калласи катталигидан (Б. 49) уни Байгория³ деб масалда келтирав эдилар; вахшатли бир киши эди. У куролланган ҳолда қилич ялангочлаб турди ва унинг олдига кирган хотин кўркиб тез кочиб чиқди (Л. 33б) ва айтди:

Эй гулом, сени худо ажаб гўзал килиб безантiriпти,

Емон кўз [сендан] узок бўлсин, сенга яқинлашмасин!

Хикоят: Сулаймон Лайсий айтадики, Саъид хотин билан сулҳ тузиљандан кейин Бухорода касал бўлиб қолди; хотин уни кўргани

кирди; унинг тиллага тўла бир ҳамёни бор эди, у қўлини ҳамёнга со-либ, (Д. 39б) ундан иккита нарса чиқарди-да: || «Бунинг биттасини ўзим учун саклайман, мабодо касал бўлиб қолсан ейман, мана бу иккинчисини сенга бераман, уни есанг соғаясан», — деди. Саъид: «Бу нима нарса эканки, бу хотин шунчалик азиз ва улуғ тутиб менга берди», — деб ажабланди ва хотин чиқиб кетгач караса, у нарса эскириб кетган бир дона хурмо экан. Шунда у одамларига буюри: улар бешта-туяга янги хурмодан ортиб хотиннинг олдига элтдилар. Хотин коплар-ни очиб кўп хурмони кўрди; ҳамёни очиб ўзининг хурмосини чиқар-ди-да, у хурмолар билан солиштири; караса улар ўзи саклаб юрган хурмодек экан; шунда у узрга келиб: «Бизда бундай нарса кўп бўлмайди, бу икки дона хурмони касаллик пайтда истеъмол қилиш учун кўп йиллардан бери саклаб юрадим», — деди. (Б. 50) Ривоят килишлари-ча, бу хотин ёқимили ва гўзал аёл экан ва Саъид унга ошик бўлиб колган экан. (Л. 34а) Бухороликларнинг бу ҳакда бухоро тилида кў-шиклари бор. (Д. 40а).

Бир ривоятда келтиришларича (П 39), Саъид Бухорога келган вактида раҳматли Кусам ибн Аббос ҳам Бухорога келган экан, Саъид уни ҳурмат килиб: «Бу ўлжалардан ҳар кишига бир хисса, сенга эса минг хисса бераман», — деса, Кусам, — худо ундан рози бўлсин, — «ша-рият буюрган бир хиссадан бошқа [ҳеч нарса] олмайман», — деган. Шундан кейин раҳматли Кусам Марвга борган ва у ерда вафот этган⁴. Баъзиларнинг айтишларича, у Самарканда вафот этган. Яна худо билимдонрок.

[Шундай килиб] Саъид Бухоро ишларидан фориғ бўлгач, Самар-канд ва Сўғдга бориб кўп жанглар килди ва зафар унинг томонида бўлди. У вактда Самарканда бирор подшоҳ йўқ эди. Саъид Самар-канндан ўтиз минг кишини асир килиб, кўп мол кўлга тушириб [қайт-ди]. У Бухорога етиб келганида хотин одам юбориб: «Соф-саломат қай-риб келдинг, энди гаровни бизга колдириб кет», — деди. Саъид эса «Хали || сендан хотиржам бўлганим йўқ, токи Жайхундан ўтгунимгача 49 гаровлар мен билан бўлади», — деди. Жайхундан ўтганида (Д. 40б) хотин яна одам юборса: «Марвга етганимча кўятур», — деди. Марвга етганида эса «Нишопурга етганимча кўятур», Нишопурга етганида (Л. 34б) «Куфага етиб олай», — деди ва ундан Мадинагача олиб кетди.

Мадинага етганидан кейин Саъид гуломларига буюриб [у гаровга берилган одамларнинг] килич ва камарларини ечириди ва уларда бор бўлган (Б. 51) кимхоб кийимлар, тилла ва кумушларнинг ҳаммасини олдириди. Кийимлар эвазига уларга шолча [кийим]лар бериб экин экиш ишларига банд килиб кўйдилар. Улар бундан жуда хафа бўлиб: «Бу киши бизга бермаган яна қандай хорлик колди? У бизни кул килиб олиб оғир ишларни буюрмоқда, биз хорлик билан ўлгандан кўра бир йўла фойдалик иш қилиб ўгайлик», — дедилар ва Саъиднинг саройига

кириб эшикларни маҳкам беркитдилар, Саъидни ўлдирилар ва ўзларини ҳам ўлимга топширдилар. Бу [вокеа] Язид ибн Муовия⁵ халифалик қилиб турган вактда бўлган эди.

Сўнгра Муслим ибн Зиёд ибн Абийх⁶ Хурносон амири қилиб тайинланди ва Хурносонга келди. (Д. 41а) Бу ерда лашкар тузиб, Бухорога борди. Хотин бу лашкар ва тайёргарчиликларни кўриб, Бухоро лашкари уларга карши туролмаслигини билди-да, Сўғд подшохи Тархунга одам юбориб: (П 40) «Мен сенга хотин бўлай, Бухоро сенинг шаха-ринг, сен келиб бу мамлакатдан араблар қўлини узоклаштиришинг лозим»,— деди. Тархун бир юз йигирма минг киши билан келди, (Л. 35а) Билун ҳам Туркистондан кўп лашкар билан келди. *То бу лашкар етиб келгунича⁷ хотин Муслим билан сулҳ тузиб, (Б. 52) унга дарвозаларни ва ташкарида бўлган кўшк эшикларини ҳам очган эди. Бидун [Бухорога] етиб келди ва Харконруднинг у томонига тушди.

- 50 Муслимга: ||«Бидун етиб келди ва хотин унга бўйсунди ҳамда шахар дарвозаларини беркитдилар»,— деган хабарни етказдилар. Муслим ибн Зиёд Мухаллабнинг олдига одам юбориб: «Мухаллабга айт, бориб Бидун лашкарининг кандай андоzада эканлигини кўрсин ва айғокчийлик шарти нима бўлса уни жойига келтирисн!»— деди. Мухаллаб жавоб бериб: (Д. 41б) «Хеч ким бундай ишга мендек одамни юбормайди; мен ҳаммага таникли кишиман; шундай бир кишини юборгинки, агар у саломат қайтиб келса, сенга тўғри хабар келтирисн ва агар ҳалок бўлса, лашкарингга нуксон етмасин!»— деди. Муслим эса: Хар нима бўлса ҳам сен боришинг керак!— деди. Мухаллаб: «Агар мен боришим шарт бўлса, лашкарнинг ҳар бир тўдасидан биттадан кишини мен билан бирга юбор ва менинг кетганимни хеч кимга билдириマ!»— деди. Муслим у айтганидек килди ва ўз амакисининг ўғлини [ҳам] у билан бирга юборди; ҳаммалари кечаси Мухаллаб билан ўйлга чикдилар ва душман лашкарнга билдиримай керакли маълумотларни билиб олдилар. Тонг отгач, Муслим ибн Зиёд эрталабки намозни ўкиб бўлди-да, одамларга қараб: (Л. 35б) «Мен кеча Мухаллабни айғокчилик қилиш учун юбордим»,— деди. Бу хабар лашкар орасига тарқалди ва буни эшигтан араблар: «Амир биздан олдинрок ўлжа олсин учун Мухаллабни юборипти, агар жанг бўлганида эди у билан бирга бизни ҳам юборар эди»,— дедидар. Улардан бир тўдаси тезда отларига миниб Мухаллабнинг орқасидан то (Д. 42а) дарё⁸ лабигача бордилар. Мухаллаб (Б. 53) уларни кўргач: «Сизлар келиб хато қилибсизлар; мен яширин турган эдим, сизлар эса ошкора келаяпсизлар, энди кофирлар ҳаммамизни тутиб оладилар»,— деди. Мухаллаб санаб қараса мусулмонлар тўққиа юз киши экан у: «Азбаройи худо! Қилган ишингиздан ўқимасиз»,— деди. Шу вакт улар саф тортидилар ва Бидун лашкарининг айғокчилари уларни кўрдилар. Мусулмонлар тезлик билан карнай ча-

XX

БУХОРНИНГ ФАТХ ЭТИЛИШИ ВА У ЕРДА ИСЛОМ ДИНИНИНГ ТАРҚАЛИШИ

Муҳаммад ибн Жаъфарнинг айтишича, Тағшоданинг онаси (Б. 60) бўлмиш хотиннинг эри Бухорхудот ўлганида, унинг ўғли (Л. 40б) подшоҳзода [Тағшода] кичик ёшли бўлиб, шу хотин подшоҳлик қилиб турди. Унинг зикри Убайдуллоҳ ибн Зиёд ва Саъид ибн Усмон ибн Аффон,— худо уларнинг иккаласидан рози бўлсин,— ҳақларида сўзланганда баён қилинди¹. Ислом лашкари ҳар сафар Бухорога келганида ёзда газот қилар, кишка эса қайтиб кетар эди. У хотин [Бухорога араблардан] ҳар ким келса у билан озгина уруш қилар, сўнгра сулҳ тузар эди. Унинг ўғли кичик бўлганидан қариндошларининг ҳар бири бу мамлакатни эгаллаш тамаида эди. [Илгари] Бухорхудот Бухорони жанг қилиб олган эди.

Бухоро аҳолиси ҳар сафар [ислом лашкари келганида] мусулмон бўлар, араблар қайтиб кетганида эса улар яна диндан || қайтар эдилар. Кутайба ибн Муслим уларни уч марта мусулмон қилган, улар эса яна диндан қайтиб коғир бўлган эдилар. Бу тўртинчи марта [келганида] Кутайба жанг қилиб Бухоро шаҳрини олди, кўп қийинчиликлардан кейин [бу ерда] ислом динини юзага чиқарди ва ҳар турили йўллар билан уларга қийинчиликлар туғдириб, дилларига мусулмончиликни ўрнаштириди. Улар эса ислом динини юзакигина қабул этиб, ҳақиқатда бутпарамастлик қиласар эдилар. Кутайба араблар бухороликлар билан бирга туриб уларнинг хатти-харакатларидан хабардор бўлиб турсалар улар заруратдан мусулмон бўладилар, деган мақсадда Бухоро аҳолисига ўз уйларйнинг ярмини арабларга беришга ундан буйруқ чиқаришини тўғри топди (Б. 61) ва шу йўл билан (Л. 41а) у мусулмончиликни ўрнатди ҳамда шариат ҳукмларини бажаришга уларни мажбур этди. Кутайба масжидлар бино қилди, коғирлик ва оташпарамастлик асарларини йўқотди. У кўп жидду-жаҳд қилиб, ҳар кимданки шариат ҳукмларини бажаришда камчилик содир бўлса уни жазолар эди. У масжиди жоме бино қилди ва одамларга жума намозини ўқишига буйруқ берди, токи худойи таоло бу яхши иш савобини Бухоро аҳолиси учун охират заираси қилсин!

XXI

МАСЖИДИ ЖОМЕНИНГ БИНО ЭТИЛИШИ

Кутайба ибн Муслим тўқсон тўртинчи йили (7 октябрь 712—25 ноябрь 713) Бухоро ҳисорининг ичидаги масжиди жоме бино қилди. У жой [илгари] бутхона эди. Кутайба Бухоро аҳолисига ҳар жума куни у ерга йиғилишга буюрди; чунончи, у ҳар жума куни жарчи қўйиб: «Жума намозига ҳозир бўлган ҳар бир кишига икки дирам бераман»,— деб чақиртиради. Бухороликлар дастлаб ислом динини қабул этган

57

пайтларида арабчани ўргана олмаганларидан намозда куръонни форс тилида ўқир эдилар. Рукуъга бориш вактида уларнинг орқаларида бир киши туриб, «Бкнитонкнит», — деб, сажда қилмоқчи бўлганларida: «Нкуниёнкуни»¹, — деб кичкирар эди.

58 Мухаммад ибн || Жаъфар ўз китобида мана шундай (Л. 41б) дейди: «Бухоро масжиди жомеини кўрдим, унга суратлик эшиклар ўрнатилган бўлиб, суратнинг юзи тарошланган ва бошқа жойлари ўз холи-ча қолдирилган эди. *Мен [бунинг сабабини] ўз устозимдан сўрадим. У айтди: «Мен бу эшик ва бошқалар [ҳақида] эшикларни дастлаб ўрнатган ва кўп умр кўрган бир дурадгор кишидан сўраганимда, у айтган эдики, бухороликлар тил учидаги мусулмонликка икрор бўлиб, яширин равишда бутга чўкинар эдилар². Шахардан ташкарида етти юзта кўшк бўлиб, (Б. 62) уларда бойлар турар эдилар ва улар итоатсизроқ бўлганликларидан масжиди жомега кўп кишилар ҳозир бўлмас эди, ҳалиги икки тангани олиш учун камбағалларгина боришга қизиқар, аммо бойлар эса қизиқмас эдилар. Бир жума куни мусулмонлар кўшкларнинг эшикларига бориб уларни жума намозига чакира бериб зериктирилдилар, шунда бойлар кўшк томидан туриб мусулмонларни тош билан урдилар, [икки орада] уруш бўлиб, мусулмонларнинг қўллари баланд келди ва улар бойлар қасрларининг эшикларини кўчириб [Бухорога] келтирилдилар. У эшикларга ҳар ким ўзи [чўкинадиган] бутнинг суратини ишлатган эди. Масжиди жоме кенгайтирилган вактда у эшикларни масжиди жомега ишлатдилар ва *эшиклар хунук бўлиб кетмасин учун³ суратнинг юзинигина кириб ташлаб, (Л. 42а) бошқа жойларини ўз холича қолдириб қурдилар». Ахмад ибн Мухаммад ибн Наср бундай дейди: «Ҳозир ўша эшиклардан биттаси сақланиб қолган ва томлардан⁴ (П. 48) масжиди жоме эшигига тушшиб келаберишингда⁵ Хуросон амирининг саройига бормоқчи бўлганингда, биринчи эшикни қолдирсанг, иккинчиси ўша эшиклардан [сақланиб] қолганидир. Унда хали ҳам тарошланганлик асари кўриниб турибди».

Хисор ичидаги бўлган масжиди жомени Кутайба бино қилган, одамлар унда намоз ўқир эдилар. Мусулмонлик кенг тарқалиб, одамларнинг ислом динига бўлган рағбатлари кундан-кунга ортаборгач, улар бу масжидга сифмай қолдилар. [Бу ҳол] Фазл ибн Яҳё ибн Холид Бар-59 макий давригача давом этди. У Хорун ар-Рашид || замонида Хуросон амири бўлди. Бухоро ҳалқи йигилдилар ва иттифоқлашиб бир юз эллик тўртинчи ийли (24 декабрь 770—12 декабрь 771) (Б. 63) хисорнинг [оқава сувлари тушадиган] ховузини қазидилар ҳамда хисор ва шористон ўртасида масжиди жоме бино қилдилар⁶. Хисор масжиди жомесида жума намозини ўқир эдилар. Масжиди жоме эскиргач ва хисор масжиди жомеси бекор колиб хирож девонига айлангач, катта масжидни куришда ҳеч ким Фазл ибн Яҳё ибн Холид Бармакий каби кўп саъй-харакат кўргазган эмас; у бу ишга кўп мол харж қилган.

Ундан кейин то марҳум амир И smoил Сомоний давригача хар ким бу масжидни кенгайтириб борди. Амир И smoил кўп уйлар сотиб олди ва масжиди жомени учдан икки хиссасича кенгайтириди. Рамазон ойида масжидларга шамдонлар кўйишни дастлаб буюрган киши шу Фазл ибн Яхъе ибн Холид Бармакий эди.

Хикоят. Амири саъид Наср ибн Аҳмад ибн И smoил даврида, [бир йили] рамазон ойида жума куни ҳалқ масжиди жомега тўлиб турган вактда масжид бирдан босиб қолиб, кўп кишилар у ерда ҳалок бўлган, бутун шаҳарда таъзия ўтказилган. Масжид тагида колганларнинг баъзиларини чиқариб олганларида улар ҳали нафас олиб турар, аммо бир оз вактдан кейин жон берар эдилар; баъзиларининг кўл ва оёклари синган эди. Шаҳар [аҳолисидан] кўп кишилар ҳалок бўлганидан бу ҳодисадан кейин Бухоро шаҳари [қариб] бўшаб қолди. Шаҳар кишилари [масжидни қайта қуришга] яна жидду-жаҳд кўрсатдилар; сultonнинг яқин кишиларидан ҳар бири бунга ёрдам берди; марҳум Абу... кози⁷ бу ишни бошқариб турди, ниҳоят масжиди жоме бир йил ичиде қурилиб битди. Кейинги йили (П. 49) эса у яна бузилиб кетди; кибла [томонининг] ҳар икки ёни йикилиб тушди. Лекин у ерда одамлар йўқ эдилар. Беш йил муддатда [масжидни] яна қайтадан тузатдилар. Абу Абдуллоҳ ал-Жайҳоний⁸ уч юз олтинчи йили (14 июль 918—2 июль 919) холис ўз пулидан минора барпо этди. || У 60 ўша вактда сultonнинг вазири эди. (Б. 64) Бу масжиди жоме ҳисорга пайваст эди. Токи Иброҳим Тамғочхон ҳукмронлигининг охиригача⁹ [шундай турди]; *у тахтга ўтириди. Тамғочхонийнг Шамсулмулк Наср ибн Иброҳим номли бошқа бир ўғли бор эди, у Бухорони олишга касд килди. Сайфас Бухоро ҳисорини мустаҳкамлади¹⁰. Шамсулмулк Бухоро ҳисори дарвозасида туриб жанг килар эди. Масжиди жоменинг минорасидан туриб ҳисорга уқ отар эдилар ва бундан ҳисор ахли қийинчилик тортар эди. Шамсулмулк буйруғи билян ҳисордан олов отдиilar, миноранинг тепаси ёғочдан ишланган эди у кўиди ва ёниб турган ёғочлар масжиди жомега тушиб у ҳам кўиди. Малик Шамсулмулк ҳисорни олиб Бухоро мамлакатини кўлга киритгач, масжиди жомени яна тузатишига буюриди ҳамда унинг буйруғига кўра ҳисор билан масжиди жоме ўртасига хандак қазидилар ва минора тепасини пишиқ гиштдан ишладилар. Яна Шамсулмулк мақсурани ва ичкарисида мақсурा ўрнашган саройни ҳисордан узокроққа қуришга буюриди. Ҳожалар ва бойлардан ҳар ким ёрдам берди ва ниҳоят, бу иморатлар қурилиб битди.

Масжиди жоменинг бу куйиши тўрт юз олтмишинчи йилда (11 ноябрь 1067—30 октябрь 1068) воқе бўлди, тўрт юз олтмиш биринчи йили (31 октябрь 1068—19 октябрь 1069) эса у қайта тузатилди.

Муҳаммад ибн Абу Бақр бундай дейди: «Ишончли кишилардан эшлитишимча, Бухорода мавжуд бўлган бу мақсурा, минбар ва меҳробларни подшоҳ Шамсулмулк буйруғи билан Самарқандда ясад ва

нақшлаб Бухорога олиб келганлар». Бу масжид то Арслонхон Мұхаммад ибн Сулаймон давригача шу сифатда бўлиб келди, сўнг Арслонхоннинг фармони билан масжиди жомени, унга, масалан, Шамсулмулк вактида бўлганидек, бирор ҳалал етмасин деб ҳисордан узокрокқа қурдилар. Арслонхон шористондан кўп уйларни сотиб олиб, масжиди жоменинг || ҳисорга яқинроқ қисмларини (Б. 65) [ўша уйлар ўрнига] қуришга буюрди ва ҳисор олдиаги минорани [ҳам] буздириб олиб, (П. 50) уни шористонга ўрнаттириди. Бу каби ғоят даражада гўзал ва яхши минора ҳеч бир жойда бўлмаган. Минора [курилиши] охирига етиб, унинг тепаси ўрнатилган ва энди битай деб қолган эдики, кўз тегди ва минора қулаг масжиди жоме устига тушди ва масжиднинг учдан бир қисми босиб қолди, нақшланган ва дурадгорлар [хунари ишлатилган] ёғочларнинг ҳаммаси синди. Арслонхон иккинчи марта минора кўтаришга буюрди ва энди, у мустаҳкам бўлсин учун, зўр ҳаракат килиб қурдилар, тепасини пишиқ ғиштдан ишладилар. Арслонхон буларнинг ҳаммасини холис ўз пулига қурдирди. Арслонхон қуришга буюрган у масжиди жоме беш юз ўн бешинчи йилда (22 март 1121—11 март 1122) [курилган] эди.

Бутун масжид [таркиби] да бешта миён сарой бўлиб, улардан шахарга яқин турган иккитаси минораси билан Арслонхон томонидан, у катта сарой ва мақсурга эса подшоҳ Шамсулмулк томонидан бино қилинган. Булар ўртасида қадимдан қолган иккита миён сарой бўлиб, улардан ҳисор яқинидагиси мархум амир Исмоил Сомонийдан қолган; амир Исмоил Сомоний уни икки юз тўқсонинчи йили (5 декабрь 902—23 ноябрь 903) курган. Хуросон амири саройи томонидаги бошқа бирини эса пайғамбарнинг,— унга худо раҳмат ва саломини юборсин,— хижрати воқеасидан кейин уч юз кирқинчи йилда (9 июль 951—28 май 952) Амири ҳамид Нұҳ ибн Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил Сомоний бино қилган.

XXII

ЙИД НАМОЗГОХИ

Кутайба ибн Муслим шаҳар ичкарисидаги ҳисорнинг ичиди масжиди жоме бино қилган вактида, одамлар «Регистон» деб атаганлари бўш майдонни ийд намози ўқиладиган жой қилди ва мусулмонларни ийд намозини ўқиш учун ўша ерга чиқарди. У кишиларга [ийд намозига чиқканда] || куролларини ҳам олиб чиқига буюрди, чунки ислом дини хали янги бўлиб, мусулмонлар кофирлардан хотиржам эмас эдилар. [Бу одат] хозирда ҳам суннат бўлиб қолган, кимки курол такишига қодир бўлса у [ийд намозига] куролини ўзи билан олиб чиқади. (П. 51) Бу [майдонга кираберишдаги] дарвозани «Дарвозайи Саройи маъбад» — «Ибодатхона саройи дарвозаси» дейдилар. Бу жой Бухоро амирининг «маъбад ул-хайл»и — «аскарлар ибодатхонаси» бўлган экан.

Бу намозгоҳда кўп йиллар давомида ийд намозини ўқиб келганлар. Бу жойга сифишмай қолганларидан кейин Амири садид Мансур ибн Нух ибн Наср¹ Самтин [кишлоги] йўлидаги девор айлантирилган ерлар ва яхши боғларни сотиб олиб, у ерга кўп мол сарфлаб ийд намозгоҳи қилди, чиройли минбар ва меҳроб ишлатди ҳамда [ийд намозида] такбир айтuvчи [мукаббр] лар такбир ўқиб кишиларга эшиттирсинглар деб минораҷалар курдирди. Намозгоҳдан Бухоро ҳисори дарвозасигача ярим фарсанг масофа бўлиб, ийд намозида бу ер одамлар билан тўлар эди. Кўп йиллар ийд намозини шу жойда ўқидилар; бу уч юз олтмишинчи йилда (4 ноябрь 970—23 октябрь 971) барпо бўлиб, токи Арслонхон давригача намозгоҳ бўлиб турди. Арслонхон одамлар қийналмасинлар ва бирор душман шаҳарга қасд килганида аҳоли шаҳарда йўқ вактга тўғри келиб қолмасин деб, шаҳарга яқин жойда намозгоҳ қилишга буюрди. Дарвозайи Иброҳимда подшоҳларнинг бир боғлари бор эди. уни Шамесобод дер эдилар, бу боғ бузилиб кетган бўлиб, у ерда экин экар эдилар. (. 67) Турк хоқони *Арслонхоннинг² фармони билан у ернинг ҳаммасини тартибга солиб, теварагига баланд девор урдилар, пишиқ гиштдан минбар ва меҳроб курдилар, такбир айтиб турувчилар учун минораҷалар тикладилар. Бу [иш] пайғамбарнинг,— худо унга ва хонадонига раҳмат ва саломини йўлласин — хижратидан [кейинги] беш юз ўн учинчи йилда (14 апрель 1119—1 апрель 1120) бўлган эди.

XXIII БУХОРО ШАҲРИНИНГ АРАВ ВА АЖАМ ЎРТАСИДА (Д. 426) ТАҚСИМЛАНИШИ

63

Муҳаммад ибн Жаъфар Хотим ал-Фақиҳдан келтириб ривоят қилишича, Кутайба тўртинчи марта келиб Бухорони олганида у [куйидаги] шартларга биноан сулҳ тузди; бухороликлар ҳар йили иккى юз минг дирам халифага, ўн минг дирам Хуросон амирига, (.Л. 426) уйлар ва экин ерларининг ярмини мусулмонларга берадиган бўлдилар. (П. 52) Яна шаҳардан ташкарида турувчи бухороликлар арабларнинг отлари учун беда, [ўзлари учун] ўтин ва [бошқа] зарур нарсаларни бериб турдиган бўлдилар.

Шаҳар ичидаги кўшклар бор эди; баъзи маҳаллалар қишлоқ сингари тарқоқ ва бир-биридан узок эди. Шаҳристоннинг еттита дарвозаси бўлиб, биринчи дарвозани «Дарвозайи бозор» — «Бозор дарвозаси» дер эдилар; у вақтларда бундан бошқа ҳеч бир дарвоза олдида шаҳарга яқин бозор йўқ эди. Ҳозир биз уни «Дарвозайи атторон» — «Атторлар дарвозаси» деймиз. Кутайба шаҳристонни тақсим килиб, унинг Дарвозайи атторондан кириб келаберишингдаги жойидан ҳисор дарвозасигача ва ундан то Дарвозайи Нунгача бўлган жойларини арабларнинг рабиъа ва музар [қабилалари] га, (Д. 43а) колганини яманликларга бўлиб берди. Шаҳарга кираберишингда чап кўл томондаги биринчи

кўчани «Кўйи риндон»¹ — «Бебоклар кўчаси» деб атайдилар; унинг орқасида оташпастлар калисиё (ибодатхона)си бўлган. Ҳозир у ерда бир масжид бор (Б. 68) уни «Масжиди Бани Ҳанзала» — «Ҳанзала авлодининг масжиди» дейдилар. Шахар дарвозасидан кирганингда ўнг кўлда бир кўча бор, уни Вазир ибн Айюб ибн Ҳассон кўчаси деб атайдилар. Бу кўчани яна «Коҳ» — «Қаср» кўчаси ҳам дейдилар. Бу Вазир ибн Айюб Қутайбанинг лашкар бошлиқларидан бири бўлиб, (Л. 43а) унинг отаси Айюб Бухоро амири бўлган эди. Бухорода ислом дини ўрнатилгандан кейин Қутайба ибн Муслим томонидан Бухорога дастлаб амир бўлган киши ана шу Айюб эди. Бухоро амирлари ҳамиша шу 64 Коҳ кўчасида турганлар. Бу ерда Бухоро амирлари учун алоҳида бир сарой бўлган. || Хина номлик бир деҳқон бор эди, у ислом динини кабул этгач Ҳамад деб аталди, ана шу Коҳ кўчасининг ҳаммаси уники бўлиб, (Д. 43б) шу кўчада бу деҳқоннинг бир қасри бўлган. Бухоро амирлари ҳамиша шу қасрда турагат эдилар. У [деҳқон ўлгандан] кейин қаср ўз эгаси кўлидан чикди. Бир юз эллигинчи йили (6 февраль 767—25 январь 768) у деҳқоннинг Кадрайи Хина номли меросхўрлари, ўша вактдаги халифа Абу Жаъфар Давонакий² олдида, у қасрни ўзлариники деб даъво килдилар ва хужжат кўрсатдилар. [Хужжатда кўрсатилган жойнинг] бир тарафи шаҳристоннинг Жўбайи бакколонга ёпишган девори, иккинчи тарафи шаҳристоннинг «Писта шиканон» — «Писта ча-кувчилар» бозорига пайваст девори, учинчи тарафи эса Нун дарвозасидан чиққанингда шаҳристоннинг ўртасига боргунинггача бўлган тўғри йўл эди. [Хулласи] Атторлар дарвозасидан то Нур дарвозасигача ҳаммаси бир маҳаллани ташкил этган шаҳристоннинг тўртдан бир кисми ушбу хужжатда кайд қилинган эди. (П. 53, Л. 43б).

Бухоро шаҳри ичидаги мингта дўкон, Бухоро суви ва ислом дини кабул этилгандан кейин вужудга келган Фаровизи Улё (Б. 69) суви [ёқасидаги] етмиш бешта хос кишлоқни ҳам халифа олдида даъво килдилар ва хужжатлар кўрсатдилар; (Д. 44а) гувоҳлар гувоҳлик бердилар; халифанинг буйруғи билан ҳукмнома мухрлатиб Бухорога олиб келдилар ва [мазкур мулкларнинг] ҳаммасини қайтариб олдилар. Бундан кейин уларнинг болалари [у мулкларни] бўлиб-бўлиб ҳар кимга сотдилар ва охири [мулклар] одамлар кўлида тарқалиб кетди.

Атторлар дарвозасидан ўтганингдан кейин Баний Саъд дарвозаси ва Баний Саъд масжиди келади. Ҳасан ибн Алойи Сўғдий катта [бой] киши бўлиб, шористонда унинг ғоят даражада олий бир кўшки бор эди; ундан кўшк ҳеч бир подшоҳда бўлган эмас. Бу киши Ало кўчасини Дарвозайи Алода барпо килди ҳамда мана шу [ҳозирги] ихота қилинган жойни ҳам у барпо этган эди, бу ихотали ердан унга ҳар ойда бир минг икки юз динорлик ҳосил³ унар эди. Шористон ичиди [ҳам] унинг 65 даромадли жойлари бор эди. ||

Ҳикоят. | Ҳуросон амири бўлмиш Ҳасан ибн Тоҳир⁴ даврида,

унинг Ҳафс ибн Ҳошим номли бир вазири бор экан (Л. 44а) у [айтиб ўтилган] мулкларни ўша эгаларидан сотиб олишни тама қилиди, улар сотмабдилар ва шу сабабдан вазир уларни зиндонга қамаб, (Д. 44б) кўп кийнапти. Вазир ҳар хафтада бир марта уларни ўз ҳузурига чакириб, мулклариға харидорлик қилас, улар сотмагач, зиндонга қайта-риб яна кўпроқ азоблашга буюрар экан. Ўн беш йил шу тарзда ўтибди ва улар кўп азоб-уқубат тортсалар ҳам, барибир, мулкларини сотмабдилар. Бир куни Ҳафс ибн Ҳошим уларни чакириб: «Сизлар узок вақтлардан бери азобда қолиб келмоқдасиз, охир бундан нима мақсадга эришасиз?» — депти. Ҳасан ибн Ало: «Уч мақсаддан бирига [эришамиз]: (Б. 70) «Е сен ўласан, ё тепангдаги амириңг ўлади, ёки биз ўламиз», — депти. Ҳафс уларни яна зиндонга қамаб кўпроқ азоб беришга буюрибти. Шу гапдан кейин бир ой ўтмасданок Ҳурносон амири ўлибти ва [халк]-кўзголон кўтариб зиндонни бузибти. Ҳафс ибн Ҳошим эса кочипти ва унинг саройини талаптилар. (П. 54) Ҳафс шу қочқинликда юрганича ўлипти. Ҳасан ибн Ало эса ўз биродарлари билан Бухорога қайтиб келипти. (Л. 44б).

Баний Саъд дарвозасидан (Д. 45а) ўтганингдан кейин Баний Асад дарвозаси келади. Буни жохилийят замонида «Мухра дарвозаси» дер эдилар. Бу дарвозадан чикиб қуйига тушганингда Ҳурносон амирининг саройи бор. Яна бир дарвоза бор; уни «Қандиз⁵ дарвозаси» дейдилар, чунки у дарвозадан чикқанингда ҳисорга дуч келасан. Ҳозир у маҳалла вайрон бўлиб кетган, у маҳаллани Фағсодара дейдилар. Ҳозир гўристонлар ўша томонда. Илгари арабларнинг уйлари ўша || дарвоза 66 томонда бўлган. У дарвоза [Бухоро] дарвозаларининг маҳкамроғи бўлиб, узунлиги олтмиш қадам микдорида катта камари бор, у камар тагида кўпгина уйлар жойлашган. Бу иморатларни Субоштегин номли бир амир курган. Унинг гўри ҳам шу мавзеда. Яна бошқа бир дарвоза — «Дари Ҳакраҳ» — «Ҳакраҳ дарвозаси»дир. Мархум Ҳожа имом Абу Ҳафс Кабир Бухорий⁶ ўша маҳаллада туарар эди; (Д. 45б) у киши Бухородан Бағдодга бориб мархум Имом Мұхаммад Ҳусайн Шайбонийга⁷ шогирд бўлган. Бу (Бухоро) вилоятида унга тенг бирор киши бўлган эмас (Б. 71). У Бухоронинг мутааххирлари⁸ жумласидан бўлиб (Л. 45а) ҳам зоҳид, ҳам олим эди. Бухоро ўша киши туфайли «Қуббат ул-ислом» — «Ислом динининг гумбази» деб аталган. Бухоро аҳолисининг илмли бўлишига, Бухорода илм кенг таркалиши ва имомлар, уламоларнинг хурматли бўлишларига у киши сабаб бўлган. Унинг ўғли Абу Абдуллоҳнинг⁹ [ҳам] илми шу даражада эдикни, [ҳожилар] карвони Ҳаждан қайтиб келаётганида уларнинг уламолари Ҳожа имом Абу Ҳафс олдига келиб ундан масала сўрар эдилар. Шунда Абу Ҳафс: «Ўзинг-ку Ироқдан келяпсан, нима учун Ироқ олимларидан сўрамадинг?» — деб сўрар, у олим эса: «Бу масалада Ироқ олимлари билан мунозара қилдим, улар жавоб берга олмадилар ва менга Бухорога борганингда бу масалани

Хожа имом Абу Ҳафс Бухорийдан ёки унинг фарзандларидан сўра!» — дедилар, деб жавоб берар эди. Ана шундан кейин Абу Ҳафс у масалага тўғри жавоб (Д. 46а) берар экан.

Хожа имом Абу Ҳафс ҳар бир кечакундузда (П. 55) куръонни икки марта хатм қилас ва шу билан бирга, одамларга илм ўргатар эди. У кексайиб заифлашгач, қуръонни бир марта хатм қиласиган бўлди. Яна ҳам заифлашиб қолгач, то дунёдан ўтгунинг кадар, бир кечакундузда қуръоннинг ярмини ўқийдиган бўлди. Худо уни ўзининг раҳмат ва ризосига фарқ этсин! (Л. 45б) ||}

67 Ҳикоят. Ривоят қилишларича, Яхё ибн Наср шундай деган: «Мен Хожа Абу Ҳафснинг ҳузурида бўлдим, у эрталабки намозини ўқиб бўлиб, қиблага қараб ўтирас ва бир нарса ўқир эди; кун чиқгач, оркасига қараган эди у илм ўргатадиган қавм (шогирдлар) ҳали келмаган экан; ўрнидан туриб тўрт ракаат намоз ўқиди ва мана шу тўрт ракаат намозда қуръондан бақара, оли имрон, нисоъ ва монда сураларини кироат қилиб салом берганида ҳали ҳам жамоа ҳозир бўлмаган эди, у яна ўрнидан туриб ўн икки ракаат намоз ўқиди ва қуръондан сурат ал-раъдгача кироат қилди». (Б. 72).

*Мұхаммад ибн Толут Ҳамадоний «Фасл ил-хитоб» [номли китоб]-дан ривоят қилишларича¹⁰, Бухорода Мұхаммад Толут исемли бир амир бўлган. (Д. 46б) Бир кун у ўз вазири Ҳашуяга: «Хожа имом Абу Ҳафснинг зиёратига бориб ўнинг сухбатига етишайлик», — деган. Бу Ҳашуя Бухоро саркардаларидан бўлиб, обрўлик эди, у амирга: «Абу Ҳафснинг олдига боришинг яхши-эмас, сен унинг якинига борганингда салобатидан ҳеч бир сўз айтольмай коласан», — деса, амир: «Ҳар нима бўлса ҳам бораман», — деган ва вазири билан бирга Хожа имом Абу Ҳафс олдига борган; у киши масжидда намоз ўқиш билан машғул экан; пешин намозини тугатиб салом берганидан кейин (Л. 46а) вазир¹¹ кириб: «Амир келган эди, унинг киришига руҳсат борми?» — деб сўраса: «Бор», — деган. Абу Ҳафс қиблага қараб ўтирган экан, амир кириб унга салом бериб ўтирипти-ю, ҳеч бир сўз айта олмапти. Мархум Ҳожа: «Нима иш билан келдинг?» — депти. Шунда амир гапирмокчи бўлиб ҳар қанча уринса ҳам гапира олмапти. Амир Ҳушуяни кўрганида у амидан: «Ҳожа Абу Ҳафс (Д. 47а) кандай экан?» — деб сўраса, амир: «Сен айтгандек экан, унинг олдида ҳеч гап гапира олмай хайронликка тушиб колдим; неча марта ҳалифа ҳузурига бориб у билан сўзлашганман; ҳалифанинг || ҳайбати мени сўзлашишдан тўхтата олмаган эди, бу ерда эса у кишининг салобатидан сўз айта олмай колдим», — деган.

Зоҳид ва олим киши бўлган Мұхаммад ибн Салом Байкандийдан ривоят қилишларича, (П. 56) у қуйидагиларни айтган эмиш: «Тушимда пайғамбарни — унга худонинг раҳмат ва саломи бўлсин — Бухорода Ҳаркон бозорида кўрдим, — Ҳаркон бозори Муғлар кўчасининг бошидан то Дехқонлар кўчасигача бўлган жой, уни қадим вактларда Ҳаркон

бозори дер эдилар,— пайғамбарни күрдимки, у хабарда келтирилган ўша туяга мінгін (Б. 73) ва бошига оқ кулох кийган эди; унинг олдида күп халқ туршиб (Л. 466) пайғамбарнинг — унга худонинг саломи бўлсин — келганлигига хурсандчилик килишар ва пайғамбарни — унга худонинг раҳмати бўлсин — қаерга туширамиз?» — дер эдилар; шунда уни мархум Ҳожа имом Абу Ҳафснинг уйига туширдилар. Мен Ҳожа Абу Ҳафсни кўрдим, у пайғамбарнинг,— унга худонинг раҳмат ва саломи бўлсин — хузурида (Д. 476) ўтириб китоб ўқир эди. Пайғамбар,— унга худонинг саломи бўлсин,— уч кун унинг уйида бўлдилар, Абу Ҳафс китоб ўқир, пайғамбар,— унга худонинг саломи бўлсин,— тинглар эди, шу уч кун ичидаги пайғамбар унга хеч эътироуз билдирамади ва [ўқиганларининг] ҳаммасини тўғри топти».

Мархум Ҳожа Абу Ҳафснинг саройи, кишилар у жойни қанчалик тузатиб турғанликларига қарамай, бу кунгача сакланиб қолган эмас, лекин ундан [айрим] нишоналаргина бокийдир, савмаа — ибодат қилинадиган жой ҳам у уйда ўз ўрнида турибди ва дуо қабул бўладиган жойдир. Унинг вафоти икки юз ўн еттинчи йилда [832] эди. Қабри Дарвозайи навда, дуо қабул бўладиган жой деб машхур. У тепаликни Ҳожа имом Абу Ҳафс тепалиги дейдилар. У ерда масжидлар ва ибодатхоналар бўлиб, ҳамиша мужовирлар¹² келиб турадилар. Халқ унинг гўри тупроғини табарруқ деб билади. У жойни «Ҳақраҳ дарвозаси» дейилишига сабаб шуки, одамлар ўша ерда, мархум Ҳожа Абу Ҳафс хузурига келиб (Д. 48а) фатво олар эдилар ва бу фатвони ҳақ деб билар ва шу жиҳатдан (Л. 47а) улар *Ҳақраҳни «ҳақ» деб атаганлар¹³. 69

Еттинчи дарвозани «Дарвозайи нав» — «Янги дарваза» дейдилар. шу маънидаки, у шористон дарвозаларининг энг охиргисидир. Бу дарвозадан ичкари кирганинг ўнг кўл томонда, Ҳожа (Б. 74) Абу Ҳафс саройининг яқинида қурайшийларнинг масжиди бор; уни «Қурайшийлар масжиди» дейилишига сабаб шуки, Муқотил ибн Сулаймон ал-Қурайший шу ерда бўлган. (П. 57) Бу Муқотил Ҳайённинг устозидир, Ҳайён эса Талҳат ибн Ҳубайрат аш-Шайбонийнинг устози эди.

Ҳайён улуғ ва кадрли киши бўлган. У Ҳурносонга борган ва кофирлар Кутайбани Бухоро дарвозаси олдида куршаб олган вактда Кутайба билан Сўғд малики Тархун ўртасида сулҳ тузган. Кейин ана шу Ҳайён Фарғонада аскар шайлаган ва бу аскар Кутайбани ўлдирган¹⁴. Ҳавзи Ҳайён унинг номига кўйилган.

Кутайбанинг қабри Фарғонада машҳур бўлиб, у «Работи Сарҳанг» деган жойда, Коҳ деб аталағидиган бир кишлокда (Д. 48б) ўрнатилган. Вилоятлардан одамлар зиёрат учун ҳамиша у ерга бориб турадилар. Кутайба шаҳид этилганида у эллик беш ёшда эди. Ҳудо ундан рози бўлсин.

XXIV СОМОНИЙЛАР ВА УЛАРНИНГ НАСАБИ ҲАҚИДА

70 Асад ибн Абдуллоҳ ал-Қушайрий Ҳуросон амири килиб тайинлангач, Ҳуросонга || келди ва бир юз олтмиш олтинчи ўйлда (15 август 782—4 август 783)¹ (Л. 47б) дунёдан ўтгунича ўша ерда бўлди. Айтишларича, у яхши ишларни килувчи ва баҳодир киши бўлиб, кўнгли араблар ҳам ерли халкларнинг қадим улуғ оиласарига ғамхўрлик килишга ва аслзодаларни дўст тутишга мойил эди. Сомонийларнинг бобоси бўлмиш Сомонхудот Балхдан қочиб Марвга, унинг олдига келганида у Сомонхудотни изатлади ва химоя қилди, унинг душманларига қаҳр килиб Балхни унга қайтариб берди². Сомонхудот унинг кўлида [ислом динини] қабул этди. (Б. 75) Унинг Сомонхудот дейилишига сабаб шуки, у бир кишлок барпо килиб, унга Сомон деб ном берди ва (Д. 49а) Бухоро амирини Бухорхудот деб атаганларидек уни ҳам шу кишлок номи билан [Сомонхудот деб] атадилар. Сомонхудотдан бир ўғил туғилганида у Асад Қушайрийни дўст тутганидан ўғлига Асад исмий берди. Шу Асад Амири мозий, [яъни] мархум амир Исмоил Сомонийнинг бобосидир. Исмоил Асаднинг ўғли, Асад Сомонхудотнинг ўғли, (П. 58) Сомонхудот эса Баҳром Чўбин маликнинг авлодлариандир. Ўша вактдан бошлаб сомонийлар давлати кундан-кунга ривож топиб, нихоят етган мартабасигача етди.

Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Насрнинг айтишича, Муҳаммад ибн Жаъфар ўз китобида Муҳаммад ибн Солиҳ ал-Лайсий ва Абу-л-Ҳасан Майдонийдан³ келтириб мана шундай ривоят қилган: Асад ибн Абдуллоҳ ал-Қушайрий замонида- бир киши чиқиб Бухоро аҳолисини [ислом динига] даъват қилган. (Л. 48а) Бухороликлар бундан олдинроқ зиммий бўлиб, жизя тўлаб туар әдилар⁴. [Ҳалиги кишининг даъватига] бир жамоа одамлар ижобат этиб мусулмон бўлдилар. Бухоро подшоҳи Тағшода эди. У ўзи яширин равишда коғир бўлганлиги учун бундан газабланди ва Ҳуросон амири Асад ибн Абдуллоҳга (Д. 49б) [қуйидагича] хат ёзди: «Бухорода бир киши пайдо бўлиб, || вилоятни бетинч киляпти ва бир гурухни бизга қарши кўтарди; у гурух биз мусулмон бўлдик деб ёлғон атадилар, улар тилларидагина мусулмон бўлганлар, дилларида эса ўзларининг ўша илгариги эътиқодлари билан машғуллар. Шу баҳона билан улар вилоят ва мамлакатни бетинч қилмоқдалар (Б. 76) ва хирож тўламаяптилар». Шу сабабли Асад ибн Абдуллоҳ ўзининг солик йиғувучиси⁵ Шарик ибн Ҳарисга хат ёзиб унга: «Ўша одамларни қўлга олиб Бухоро подшоҳига топшир, токи у нимани хоҳласа шуни қилсан»,— деб буюрди. Айтишларича, у гурух масжидда бўлиб ҳаммалари баланд овоз билан: «Ашҳаду ан ло илоҳа иллоллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳу»,— дейишар ва «во Муҳаммадо», «во Аҳмадо» деб фарёд килишар эканлар. Тағшода Бухорхудот уларнинг калласини олар ва уларга шафқат килишни сўрашга ҳеч ким бо-

тина олмас эди. Нихоят у тўрт юз кишининг бошини олдирди ва дорга остирди, колганларини эса *Асад ибн Абдуллоҳ номидан (Д. 50а); Л. 48б) асир килиб, унинг олдига Хуросонга юборди. Бу жамоадан хеч бири ислом динидан кайтмади; кимки [тирик] қолган бўлса, у ислом динида қолди. Асад ибн Абдуллоҳ бу жамоани ислом динидан қайтармади ва Тағшода Бухорхудот ўлганидан кейин у жамоа Бухорога кайтиб келди. Яна худо билимдонрок. (П. 59).

XXV

НАСР [ИБН] САЙЁР ЗИКРИ¹ ВА ТАҒШОДАНИНГ ЎЛДИРИЛИШИ

Мана шу бир юз олтмиш олтинчи йили (15 август 782—4 август 783)² Асад ибн Абдуллоҳ ўлди ва Ҳишом ибн Абдулмалик ибн Марвон³ Хуросонга амир килиб Наср ибн Сайёрни тайинлади ва унга Хуросонни идора килиш учун фармон юборди. У Мовароуннахрга келиб турклар билан || ғазот килди ва Фарғонани фатҳ этиб уларни тарқатиб юборди, ўзи эса Самарқандга кайтди. У Самарқандга етиб келганида, Тағшода Бухорхудот унинг олдига борди. Наср [иби Сайёр] (Б. 77) унинг кизини ўзига сўратганилиги боисидин уни иззат-хурмат килар эди. Тағшода Юкори Хунбундаги «Қораки алавиён» — «Али авлодининг экинзори» леб аталган ерларни⁴ (Д. 50б) унга берган эди.

Тағшода Наср ибн Сайёрнинг олдига келганида у ўз саройининг дарвозасида ўтирган эди. Шу вакт рамазон ойи бўлиб, кун ботиш пайти эди. Наср ибн Сайёр Бухорхудот билан сўзлашиб турган эди, Бухордан иккита дехкон келди. Улар иккови ҳам Бухорхудотнинг қариндошлиридан ва бузургзодалардан бўлиб, Наср ибн Сайёр қўлида ислом динини кабул этган эдилар. Улар Наср ибн Сайёр хузурида Бухорхудот зулмидан шикоят килиб: «Бухорхудот бизнинг қишлоқларимизни тортиб олди», — дедилар. Бухоро амири (Л. 49а) Восил ибн Амр ҳам шу ерда эди, унинг зулмидан ҳам шикоят қилиб: «Була иккови бир-бирини кўллаб одамларнинг мулкларини тортиб олмоқдалар», — дедилар. (Шу вакт) Тағшода Наср [иби] Сайёрга секин-секин [бир нарсани] сўзлар эди, улар бундан: «Тағшода Наср ибн Сайёрдан бизни ўлдиришни илтимос киляпти», — деб гумон қилдилар (Д. 51а) ва иккаласи [бир] қарорга келиб, бир-бирларига: «Бухорхудот бизни ўлдирмокчи экан, бир [ундан олдинрок] ўз кўнглимизни бир кувонтирайлик», — дедилар. Тағшода Наср [иби] Сайёрга: «Эй амир! Булар иккаласи сенинг кўлингда ислом динини кабул этган эдилар-ку, нима учун улар белларига ханжар боғлаганлар?» — деган эди, Наср ибн Сайёр улардан: «Нима учун белингизга ханжар боғлаб олдингиз?» — деб сўради, улар: «Бухорхудот билан бизнинг орамизда (П. 60) адоват бор, биз ўзимизни (Б. 78) ундан хотиржам деб хисобламаймиз», — деб жавоб беришиди. Наср [иби] Сайёр Хорун ибн Сиёвушга буюриб уларнинг белларидан ханжарларини тириди ва ғазаб билан қаради. У икки дехкон нарирок || туриб

ўлдириш чорасини кўрдилар. Наср ибн Сайёр намоз ўқимокқа туриб тақбир туширди ва имомликка ўтиб намоз ўқишга бошлади. Бухорхудот эса намоз ўқимай курсида ўтирас, (Д. 51б) чунки у ҳалигача яширип равиша кофир эди.

Наср ибн Сайёр намоздан (Л. 49б) фориғ бўлгач, саропардага кирди ва Тағшодани чакириди. Тағшода сарой дарвозасига келганида оёғи тойилиб йикилди, [шу пайт] у икки дехконнинг бири югуриб келдида, Бухорхудотнинг корнига пичок уриб, корнини ёрди. Иккинчи дехкон эса ҳануз намоз ўқишни давом эттираётган Восилнинг олдига бориб унинг корнига ҳанжар урди; Восил уни кўрган зоҳотиёқ тезда килич уриб, у дехқоннинг калласини узиб ташлади ва уларнинг ҳар иккаласи ҳам бир вактда ўлдилар. Бухорхудотта ҳанжар урган дехконни Наср [ибн] Сайёрнинг фармони билан ўлдирдилар. Бухорхудотни эса дарҳол саро пардага олдилар. Наср [ибн] Сайёр уни ўзининг ўрнига суюнтириб ўтиргизди ва тажрибали табиб чакириб уни даволашга буюрди. [Шунда] *Бухорхудот васият қиласи эди; бир соат вакт ўтгач, жон берди⁵, унинг хизматкорлари кирдилар ва гўштини (Д. 52а) ажратиб [ташлаб] суюгини Бухорога олиб келдилар. У ўттиз икки йил подшоҳ бўлиб турди⁶. (Б. 79) Наср [ибн] Сайёр Восил ибн Амрга жаноза ўқиб ўз саропардасига кўмдирди, Бишр ибн Тағшодани Бухорхудотликка ўтиргизди, ва Холид ибн Жунайдни Бухоро амирлигига тайинлади. Яна худо билимдонрок.

XXVI

ШАРИК ИБН ШАЙХ АЛ-МАХРИЙ¹

У араблардан бўлиб Бухорода яшаган (Л. 50а) ва жанговар киши бўлган. У шийъа мазҳабидан эди. || (П. 61) У одамларни Амирулмуъминин Алининг²,— худо ундан рози бўлсин,— авлодидан [бирини] ҳалифа қилишга чакирилар ва: «Биз марвонийлар³ қийноғидан эндигина кутулдик, аббосийлар⁴ зулмига тутилишимиз керак эмас, пайғамбарнинг ҳалифаси пайғамбар авлодидан бўлиши керак»,— дер эди. Унинг атрофига кўп ҳалк йигилди. Бухоро амири Абдулжаббор ибн Шуайб эди, у Шарикка байъат қилди. Ҳоразм амири (Д. 52б) Абдулмалик ибн Ҳарсама ҳамда Барзам⁵ амири Мұхаллад ибн Ҳусайнлар ҳам унга байъат қилиб иттифоқлик билдирилар ва ҳаммалари Шарикнинг чакиригини ошкора қилишга ва кимки уларга қарши келса уруш қилишга қарор бердилар. Бу хабар Абу Муслимга⁶ бориб етди, у Зиёд ибн Солихни ўн минг киши билан Бухорога юборди ва унга: «Амуга етганингда ўша ерда тўхтаб, айғоқчиларингни юбор, улар исенкор Шарик ахволидан хабар берсинлар, Бухорога эҳтиётлик билан юргин»,— деб таъкидлади. Марҳум Абу Муслимнинг ўзи Марвдан чиқиб Омуй⁷ ўйли би-эн бир манзил юриб Қашмизда⁸ лашкаргоҳ курди ва ҳар томондан арини йигиф Зиёд ибн Солихга: «Мен шу ерда тураман, агар сенга

[яна] лашкар керак бўлиб колса хабар бер, мен юбораман», — деди.

Зиёд Бухорога [якин] келиб лашкаргоҳ курди. Шарик ибн Шайх [ҳам] кўп сонли лашкар билан Бухоро дарвозасида лашкаргоҳ курди; (Л. 50б) бутун Бухоро ахолиси Абу Муслимга карши урушиш учун Шарикка иттифоклик билдирилар. (Д. 53а) (Б. 80) Ўттиз етти кун давомида урушдилар, Шайх ўғли ғалаба қозонмаган ҳеч бир кун бўлмади, Зиёд ибн Солиҳ лашкаридан эса ҳар куни кўп кишилар ўлар ва асири тушар эди. Ниҳоят Хайёни Набатийнинг устози Сулаймон Курайший беш юз аскар билан шаҳар дарвозасига борди. Ҳамза Ҳамадоний Бухоро шаҳаридан унга қарши чиқди. Сулаймон тўрт юз кишини пистирмага яшириб кўйиб, ўзи юз киши билан Ҳамза Ҳамадонийга қарши урушга юрди. Ҳамза || унинг аскари шу міндордан ортиқ эмас деган 75 гумон билан якин келиб жанг бошлиган эди, у тўрт юз киши пистирмадан чиқиб Ҳамза аскарларининг кўпини ҳалок қилдилар, колганлари шаҳарга кочишиди. Кутайба ибн Тағшода Бухорхудот ўн минг одам билан келиб сипоҳ аломатини ошкоро килди⁹ (П. 62) ва Зиёд ибн Солиҳ билан биргаликда [Шарикка қарши] жангга киришиди. Унинг буйруғи билан кўшкларнинг дарвозаларини очдилар. Бухоро шаҳрининг дарвозасида етти юзта кўшк бор эди, унинг фармони билан кўшкдагилар ҳам сипоҳ аломатини ошкоро килдилар. Бу кўшклардаги кишилар шаҳардагилардан кўра кўп эди. Лекин шаҳарда ерли ҳалқ билан бирга *араблар¹⁰ тураг, кўшкларда эса араблардан бирор киши ҳам йўқ эди. Бухорхудот (Л. 51а) кишлоқ ҳалқига ва кўшкларда турувчиларга Шарик лашкарига дарвозаларни беркитишни, уларга озик-овқат ва ем-хашак бермаслиқни, озик-овқат ва ем-хашакни Зиёд лашкаргоҳига олиб боришни буюрди.

[Шундай қилиб] ҳар йўл билан Шарик лашкарига қийинчиллик туддирдилар ва Шарик лашкари тангликлда колди: ўзлари оч қолдилар, отлари [ҳам] ем-хашаксиз колиб урушга ярамади. Улар тадбир кўришиб, бизга шаҳардан озик-овқат ва ем-хашак еткизишар, шаҳардан бошқа лашкарлар ҳам чиқиб бизга кўшилар деган умид билан шаҳар дарвозасига якинрок боришига, орқа томонни шаҳарга-ю юзни душманга қаратишга қарор қилдилар. (Б. 81) Лекин йўлда Зиёд ва Бухорхудотнинг лашкаргоҳи бўлганлиги туфайли кундузи юришга имконият топмай, кечаси йўлга чикдилар. Шаҳардан бир фарсанг узоклиқдаги масофага етганларида Зиёд бундан хабардор бўлиб қарши чиқди ва уларнинг йўлларини тўсди. Икки лашкар қаттиқ жанг килдилар; Зиёд ва Бухорхудот лашкари мағлубиятга учради. Бухорхудот [Зиёдга]: «Яхшиси шуки, биз душман лашкарининг орқа кисмига хужум қиласлийк; агар биз уларнинг олдиларига ўтсак улар [лашкарнинг] бирор жойига хужум қилиб [ёриб] ўтадилар ва бизнинг ишимиз оғирлашади. Агар биз орқадан хужум қилсак, (Д. 53б) уларнинг олдинги кисмлари ўзини шаҳарга олган бўлади-ю, [лекин] тезлик билан || кайтиб жангга кири-

шишга [мажбур бўлади], бу эса биз учун қўл келади»,— деди. Ана шу маслаҳатни амалга ошириб, (Л. 51б) Зиёд ва Бухорхудот лашкарлари оркада қолдилар ҳамда [душман лашкарининг] баъзи қисмлари олдинга караб жўнаган пайтда орка қисмларига хужум қилиб уруш бошладилар; лашкарлар йўл-йўлакай жанг қилиб Навкандага яқинлаб етдилар. Бухорхудот Зиёд ибн Солихга: «Бу қавм очикиб қолган, улар бу йил узум ва ковун кўрганлари йўқ, еганлари ҳам йўқ, улар Накандага етганларида ўз холларига қўяйлик, токи улар узум, ковунга овора бўлиб қолсинлар ва олдинги қисмлари шаҳарга етиб олсин, ана шунда биз уларга хужум қиласиз»,— деди.

Шарик лашкари Навкандага етгач (П. 63) узум, ковун ва [бошқа] мева қидириб тарқалиб кетди; унинг олдинги қисми эса шаҳарга етган эди. Шу вакт Бухорхудот ва Зиёд уларга хужум қилиб (Б. 82) кўп қишини ўлдиридилар, қолганлари кочиб кетишиди. Шу аснода жамоани [ўз мазҳабига] даъват килаётган Шарик ибн Шайх отидан йиқилди ва ўлдирилди.

Зиёд ибн Солих ҳозирда «Мағжиди Мағок» деб аталадиган Мөхдарвозасига — анхор лабига келиб тушди ва шаҳарга ўт кўйишга буюрди; шаҳар уч кеча-кундуз давомида ёнди. Зиёд: «Хар ким шаҳардан чиқса унга омонлик берилади»,— деб жар чақиртирди; улар шаҳардан чиқсинлар деб лашкарни шаҳардан узокрокқа қўйган эди. Шарикнинг ўғли ва унинг лашкар бошлиқларидан бири шу кечаси шаҳар дарвозасига келган эдилар ҳар иккаласини ҳам тутиб Зиёднинг олдига олиб бордилар ва унинг фармони билан икковини дорга осдилар. (Д. 54а). Шундан кейин шаҳар халки кўркиб колиб бу чақириқ билан ташқари чиқмадилар (Л. 52а).

Уч кундан кейин Зиёд шаҳар дарвозасига келиб Бухорхудотнинг Регистондаги хисор дарвозасида бўлган кўшкига тушди ва лашкарига шаҳар дарвозасига боришга буюрди. Яна уруш бошланиб, жанг қилишар ва шундай такбир айтар эдиларки, ундан ер ларзага келар эди. Жанг каттиқ бўлди. Танилган машхур қишилардан бир канчаси шаҳар-
77 дан чиқдилар. Атторлар дарвозасида || уруш бўлди ва шаҳар ахолисидан кўп қиши ўлдирилди. Зиёднинг буйруғи билан шаҳар ахолисидан кимники тутсалар шаҳар дарвозасида дорга оса бердилар ва нихоят шаҳарни олдилар.

Бухоро ишидан хотиржам бўлгач, Зиёд Самарқандга кетди. У ерда кўп урушлар қилди ва яна Хуросон томонга қайтиб кетди. Яна худо билимдонрон.

XXVII МУҚАНННИНГ ХУРУЖИ (Б. 83) ВА УНИНГ ТОБЕЛАРИ ОҚ ҚИЙИМЛИКЛАР

Ахмад ибн Муҳаммад ибн Насрнинг айтишича, (Д. 54б) Муҳаммад ибн Жаъфар бу фаслни (П. 64) ўз китобида келтирган-у, лекин тўла

байён этган эмас. «Ахбори Муқанна» [номли китоб]нинг муаллифи иброрхим ва Мухаммад ибн Жарир ат-Табарийларнинг айтишларича¹, Муқанна Марв атрофи ахолисидан, Коза деб аталган қишлоқдан бўлиб, номи Хошим ибн Ҳаким эди. У илгари кудунггарлик килар эди, кейин эса илм ўрганишга машғул бўлди ва ҳар хил илмларни: кўзбўямачилик, сехр ва тилсим илмларини ўрганди. Кўзбўямачиликни яхши билиб олиб, пайғамбарлик даъвосини ҳам қилди ва уни Маҳдий ибн Мансур² хижратнинг бир юз олтмиш еттинчи ийлида (5 август 783—23 июль 784) ўлдирди. Муқанна кўзбўямачиликни ўрганган ва гоятда зийрак бўлиб (Л. 52б) қадимги [олимлар] илмларига оид кўп китобларни ўқиган ва жодугарликда устоз бўлган эди. Унинг отасининг номи Ҳаким бўлиб, у Абу Жаъфар Давонакий давридаги³ Хуросон амири лашкарбошиларидан бири эди. У Балхдан чиккан эди.

Хошим ибн Ҳакимни Муқанна дейишларига сабаб шу эдик, у жуда хунук, боши кал ва бир кўзи кўр бўлганидан ҳамиша боши ва юзига кўк парда тутиб юрар эди. (Д. 55а) Шу Муқанна Аббосийлар даъватчиси Абу Муслим⁴ замонида Хуросон лашкарбошиларидан || бири бў- 78 либ, Абдулжаббор Аздийга⁵ вазир бўлди ва пайғамбарлик даъвосини қилди ва бир канча вакт шу даъвода турди. Абу Жаъфар Давонакий одам юбориб уни Марвдан Бағдодга олдириб келди ва бир неча йил давомида зинданда тутди. Шундан кейин у зиндандан кутулиб яна Марвга қайтиб келди ва одамларни (Б. 84) йигиб: «Менинг ким эканимни биласизми?» — деб сўради. Одамлар: «Сен Хошим ибн Ҳакимсан», — дедилар. У: «Янглишингиз, мен сизнинг ва бутун оламнинг худосиман», — оғзига тупроқ, — ва яна: «Ўзипни қандай ном билан аташни истасам атайбераман», — деди ҳамда: «Мен ҳалққа ўзимни Одам [ато] суратида, кейин Нух суратида, кейин Иброҳим суратида, кейин Мусо суратида, сўнг Исо суратида, кейин Муҳаммад мустафо, — худо унга раҳмат ва саломини юборсин, — суратида, кейин Абу Муслим суратида кўрсатган зотман, (Л. 53а) энди эса мана ўзингиз кўриб турган суратдаман», — (П. 65) деди. Одамлар: «Бошқалар (Д. 55б) пайғамбарлик даъвосини қилган эдилар, сен эса худолик даъвосини қилаяпсан», — дедилар. Муқанна: «Улар нафсоний эдилар, мен эса руҳонийман ва уларнинг [баданлари] ичиди эдим, менда шундай қудрат борки, ўзимни қандай суратда кўрсатишни истасам шундай суратда кўрсата бераман», — деди.

Муқанна ҳар бир вилоятга нома ёзиб, ўзининг доий (ташвиқотчи)-ларига берди. Номага мана шуларни ёзди: «Раҳмли ва меҳрибон тангри номи билан, сайдиллар сайдиди Хошим ибн Ҳакимдан фалончи ўғли фалончига, ҳамд худога бўлсин, ундан бошқа худо йўқ, у Одамнинг ҳам, Нух, иброҳим, Исо, Мусо, Муҳаммад ва Абу Муслимларнинг ҳам худосидир. Сўнгра [сўз шуки], қудрат, эгалик, иззат ва хужжат Муқаннаникидир; менга имон келтиринг ва билингки, подшоҳлик менга хос, —

унга лаънатлар бўлсин,— азизлик ва худолик меники, мендан бошқа худо йўқ,— оғзига тупрок,— кимки менга имон келтирса жаннат ўшанини, кимки менга имон келтирмаса дўзах уники»: (Д. 56а).

*у хали Марвда турган вактидаёк ҳар ерга доийларини юборди 79 ва кўп || халқни йўлдан оздирди⁶. Марвда араблардан Абдуллоҳ ибн Амр номли бир киши бор эди, у Муқаннага имон келтири ва кизини унга хотинликка берди. Ана шу Абдуллоҳ Жайхундан ўтиб Нахшаб ва Кеш⁷ шаҳарларига келди ва ҳар ерда халқни лаънати Муқанна динига чакириб, (Л. 53б) кўп кишини йўлдан оздирди. [Бундайлар] Кеш шаҳарида ва унинг кишлосларида кўпроқ эди. Дастлаб Муқанна динига кирган ва унинг динини юзага чиқарган кишлос Кешнинг Субах номли кишлоси бўлиб, у кишлос ахолисининг улуғ кишиси Умар⁸ Субахий эди. Улар қўзголон кўтардилар. Уларнинг амири араблардан бўлиб, порсо бир киши эди, уни ўлдирдилар. Сўғднинг кўпчиллик кишлослари Муқанна динига кирди, Бухоро кишлосларидан кўп кишилар кофирбўлиб, кофирликни ошкоро килдилар. Ниҳоят бу фитна улғайиб кетди ва мусулмонлар учун қаттиқ бало бўлди: [муқанначилар] карвонларни уриб кишлосларни талар (Д. 56б) ва кўп вайронгарчиликлар килар эдилар.

Муқаннанинг Мовароуннахрга бориш сабаби бундай эди: Муқанна воқеаси хабари Хурносонга ёйилгач, Хурносон амири бўлган Ҳумайд ибн Қаҳтаба уни тутишга буюрди. Муқанна эса ўз кишлосидан кочиб, беркиниб юрар эди. Охири Муқаннага (П. 66) Мовароуннахр вилоятида кўп халқ унинг динига киргани ва шу диннинг тарқалгани маълум бўлди ва у Жайхундан ўтишга қасд килди. Хурносон амири: «Жайхун дарёси лабида уни сокчилар пойлаб турсинлар»,— деб буюрган эди; Муқанна Жайхун дарёсидан ўтмоқчи, бўлса уни тутиб олиш учун юзта отлиқ аскар Жайхун кирғоғида юкори ва қуйи томон ҳамиша юриб турдилар. Муқанна (Л. 54а) ўтгиз (Б. 86) олти киши билан Жайхун дарёси лабига келиб сол тайёрлаб Жайхундан ўтди ва Кеш вилоятига 80 борди. У вилоят Муқаннага бўйсунди ва халқ унга рағбат || килди. [Шу вилоятдаги] Сом тоғи тепасида гоятда мустаҳкам бир ҳисор бўлиб, унда оқар сув, дараҳтлар ва экин ерлар бор эди. Бу ҳисор [ичида] ундан ҳам мустаҳкамроқ яна бир ҳисор бор эди. (Д. 57а) Муқанна уни тузатишга буюрди ва уни тузатдилар. Муқанна у ерга кўп мол ва бехисоб озиқ-овқат йиғди. Сокчилар тайнинлади. Оқ кийимликлар кўпайишиб кетдилар ва мусулмонлар уларга карши тадбир кўллашдан ожиз колдилар. Бу овоза Бағдодга бориб етди; ўша вактда Маҳдий халифа эди, у жуда қайғириб, Муқаннага карши курашиш учун кўп лашкар юборди ва охири бу фитнани даф қилиш мақсадида ўзи ҳам Нишопурга келди. Маҳдий ислом дини ҳароб бўлиб Муқанна дини бутун дунёга тарқалиши хавфидан кўркар эди.

Муқанна туркларни чакириди ҳамда мусулмонларнинг қони ва мо-

лини улар учун ҳалол килиб [хукм чиқарди]. Туркистондан талончилик тамасида кўп лашкар келди. Улар вилоятларни талар, мусулмонларнинг хотин ва болаларини асир килиб олар, ўлдирап эдилар. ў [турк]—лар дастлаб Бухорода пайдо бўлдилар.

Муқаннанинг ҳаммаслаклари бўлган оқ кийимликлардан бир гурҳи Нумижкат⁹ деб аталган бир қишлоқка бордилар ва кечаси масжидга (Д. 576) кириб (Л. 546) муаззинни ўн беш киши билан биргаликда ўлдирилар; бутун қишлоқ ахолисини ҳам ўлдирилар. Бу воқеа бир юз эллик тўққизинчи йилда (31 октябрь 775—18 октябрь 776) содир бўлди. [Бу вақтда] Бухоро амири Ҳусайн ибн Маоз эди.

Муқанна тоифасининг катталаридан (Б. 87) бухоролик Ҳаким [ибн] Ахмад номли бир киши бўлиб, у билан бирга яна учта лашкарбоши бор эди. Улардан бирининг номи Ҳашвий¹⁰, иккинчисиники Ҷоғий бўлиб, бу иккови Фузайл қўшкидан эдилар. Учинчisinинг номи — Гирдак; у Фиждувон қишлоғидан эди. Буларнинг ҳар уччаласи ҳам жанговар қишилар бўлиб (П. 67) айёр, босқинчи ва ўғри эдилар. Уларнинг қишлоқ ахолисини ўлдирганлиги хабари шаҳарга етгач, || 81 Бухоро ахолиси жам бўлдилар ва амирнинг олдига бориб: «Бу оқ кийимликлар билан албатта жанг килишимиз керак», — дедилар. Бир юз эллик тўққизинчи йил ражаб ойида (апрель-май 776) Ҳусайн ибн Маоз ўз лашкари билан ва Бухоро қозиси Омир ибн Умар ибн Имрон Бухоро ахолиси билан чиқиб Наршах қишлоғига бордилар,— хозир бу қишлоқни Наржак дейдилар,— ва оқ кийимликлар қаршисида (Д. 58а) лашкаргоҳ туздилар.

Шунда Бухоро қозиси: «Биз уларни ҳак динга чакирамиз, улар билан урушиш биз учун муносиб эмас», — деди. Кейин кози яхши тадбиркор одамлар билан бирга уларни ҳак динга чакириш учун қишлоқка кирди. Оқ кийимликлар: «Биз бу сиз айтиётган нарсаларни билмаймиз», — деб кундан-кунга кофирилкларини кучайтирилар ва насиҳатни қабул қилмадилар. Шундан кейин жанг бошланиб кетди (Л. 55а) Биринчи бўлиб оқ кийимликларга ҳамла қилган киши араблардан Наим ибн Саҳл номли киши эди. У кўп урушлар килиб бир канча кишини ўлдири ва охир ўзи ҳам ўлдирилди. Оқ кийимликлар енгилдилар, улардан етти юз киши ўлдирилди ва колганлари қочдилар. Шу билан ўша кун тамом бўлди.

Эртасига тонг отгач, оқ кийимликлар элчи юбориб мусулмонлардан омон сўрадилар ва: «Биз мусулмон бўлдик», — дедилар. (Б. 88) Мусулмонлар улар билан сулх тузиб, сулхнома ёздилар ва уларга бундан бўён йўлкесарлик қилмаслик, мусулмонларни ўлдиримаслик, ўз қишлоқларига тарқалиш, (Д. 58б) ўз амирларига бўйсуниш шартларини кўйиб худо ва пайғамбар аҳдини уларга маҳкам юкладилар. Шаҳарнинг ҳамма катталари сулхномага кўйилар.

Мусулмонлар қайтиб кетгач, улар аҳдларидан қайтиб яна йўлке-

сарлик билан машғул бўлдилар. Улар мусулмонларни ўлдирап ва эндингина бош тортган кўк экин (дон)ларни Наршах хисорига олиб кетар эдилар. Мусулмонларнинг иши қийинлашди. || Халифа Маҳдий ўз вазири

- 82 Жабраил ибн Яхъёни Муқаннага карши урушга юборди. У Бухорога келиб Муқаннага қарши жангга юриш учун Дарвозайи Самарқандда лашкаргоҳ курди. Ҳусайн ибн Маоз унинг олдига бориб: «Сен [аввал] ок қийимликларга қарши урушда менга (П. 68) ёрдам бер, бу ишдан бўшагач, (Л. 55б) биз сен билан бирга Муқаннанинг [ўзига] қарши урушга борамиз»,— деди.

Жабраил бу таклифни қабул этди-да, лашкарини оёкка турғизиб Наршах қишлоғига борди, қишлоқ атрофиға хандак қазишга буюриб, хандак ичини лашкаргоҳ (Д. 59а) килди; ок қийимликлар кечаси чиқиб ҳужум килиб қолмасинлар деб лашкарига ҳушёр бўлиб туришга буйруқ берди. Ҳудди у айтгандек бўлиб чиқди; ок қийимликлар дастлабки кечадаёқ қишлоқдан чиқиб ҳужум килиб кўп вайронлик келтиридилар. Бухоро амири Ҳусайн ибн Мао Жабраилга кўп меҳрибонлик кўрсатиб, ундан то бу иш тамом бўлгунича Кешга кетмай Бухорода бўлишини сўради.

Жабраил урушни бошлаб юборди. Тўрт ой мобайнида эртаю кеч узлуксиз урушдилар, ок қийимликлар ғалаба козонмаган бир кун хам бўлмади. Мусулмонлар, чорасиз колиб тадбир излашга тушдилар. Молик ибн Форим: «Мен бир тадбир кўрсатаман»,— деди-да, лашкаргоҳдан то хисор деворигача ариқ ковлашга буюрди ва у ерга куролли кишиларни юбориб қанча жой ковласалар уни чўп, камиш ва тупроқ билан мустаҳкамлаб беркитиб боришга буюрди. (Д. 59б) [Шу тарзда] хисор девори тагигача қазиб етдилар ва [хисор девори тагини] эллик газ микдорида ковлаб устунлар кўйиб махкамладилар. Эллик газ жой (Л. 56а) ковланиб бўлгач, уни ўтин билан тўлғизиб нефть сепдиларда, у устунлар ёниб кўргон девори йикилсин деб ўт қўйиб юбордилар. Аммо олов ёнмади, чунки олов ёниши учун || унга шамол тегиши керак. Ҳисор ичига эса шамол ўтадиган йўл йўқ эди. Ҳисорининг таги ковланган минорасига палакмонларни тўғрилаб кўйиб тош отган эдилар, тешик очилиб шамол чикишга йўл топди, олов олиб устунлар ёнди ва хисор деворининг эллик газча жойи йикилди.

Мусулмонлар киличбозлика киришиб кўп кишини ўлдиридилар, қолганлар омонлик тираб, илгариги аҳдномага мувоғик мусулмонларни ранжитмаслик, ўз қишлоқларига қайтиб кетиш, ўз улуғларини халифа олдига юборилишига [рози бўлиш] ва ўзлари билан бирга куроляроғ (Д. 60а) олиб юрмаслик шартлари билан сулҳ туздилар ва [қишлоқдан] ташқари (П. 69) чиқиб хандақдан ўтдилар. [Аммо] улар яширин суратда (Б. 90) куролга эга эдилар. Оқ қийимликларнинг каттаси бўлган Ҳакимни Жабраил ўз ўғли Аббосга топшириб: «Буни олиб бориб саропардага кўй ва яширин равишда ўлди»,— деди. Унинг амри-

га мувофик иш қилиб Ҳакимни саропардага олиб бордилар. Ок кийимликлар узоклан [караб] турган эдилар. Жабраил саропардага борган эди, ок кийимликлар Ҳакимнинг дўсти бўлган Ҳашвийни юбориб у оркали Жабраилга: (Л. 56б) «Биз Ҳакимни олмасдан кетмаймиз»,— дедилар. Ҳашвий янги этик кийган эди. У Жабраилга шу сўзларни айтиб турган эдики, Жабраилнинг ўғли Аббос келиб: «Ҳакимни ўлдиридим»,— деди. Жабраилнинг буйруғи билан дарҳол Ҳашвийни отдан тушириб ўлдирилар. Ок кийимликлар кичкиришиб куролларини кўлга олдилар ва жанг бошланиб кетди. Жаброил бутун лашкарини отга минишга буюрди. Илгаригидан кучлирок уруш бўлди. Қаттиқ жанглар қилдилар ва охири ок кийимликлар яна (Д. 60б) енгилиб, улардан кўп халк ўлдирилди; тирик колганлари қочдилар.

Наршах қишлоғининг хукмдори бир хотин киши эди, унинг эрининг номи Шараф¹¹ бўлиб Абу Муслимнинг || лашкарбошиси бўлган ва марҳум Абу Муслим уни ўлдириган эди. Бу хотинни Жабраилнинг олдига олиб келдилар, у билан амакисининг бир кўр ўғли бирга келди, у бағоят палид ва бадкор эди. Жабраил у хотинга: «Абу Муслимнинг гуноҳидан кеч!» — деди. Хотин: «Абу Муслим деб мусулмонларнинг отасига айтилади, менинг эримни ўлдиргандан кейин у мусулмонларнинг отаси бўладими?!» — деди. Жабраилнинг буйруғи билан хотинни белидан икки бўлиб ташладилар ва амакисининг ўғлини ҳам ўлдирилар.

[Ҳакимнинг лашкар бошликларидан бири бўлган] Гирдак Муқаннанинг олдига кетди. Улардан бири — Бофий эса урушда ўлдирилди. Жабраил Сўғд ок кийимликларининг дилларига кўрқинч солиш учун ўлдирилган [бошлиқ]лар калласини Сўғдга олиб борди. Сўғд ахолисига (Л. 57а) Муқаннанинг лашкар бошликларидан Сўғдиён номлик бир киши амир бўлган эди; Сўғд ахолиси у билан иттифоқ бўлдилар. Жабраил Сўғд ахолиси билан кўп урушди ва охири Бухоро ахолисидан бир киши Сўғдиённи (Д. 61а) ўлдириди ва бу қавм тарқалиб кетди.

Жабраил у ердан Самарқандга борди ва то¹² Маоз ибн Муслим Хуросонга амир бўлгунига қадар¹³ турклар ва ок кийимликлар билан кўп урушлар қилди.

[Маоз ибн Муслим] бир юз олтмиш биринчи йилда (9 октябрь 777—27 сентябрь 778) (П. 70) Марвга келди ва бу ердан иш бошлаб Омуй биёбонига кириб кетди. Бухорога етганида Бухоро ахолиси [орасидаги] дехқонлар жангчи кишиларни йиғдилар; беш юз етмиш минг киши йиғилди. Маоз ибн Муслимнинг фармони билан уруш куролларини кўплаб тайёрладилар; у хунармандларнинг лашкар ичida иш берадиган ҳар бир жинсидан уч минг ишчи кишини тешалар. беллар. тўқмок ва болталар билан таъминлаб муҳайё қилиб кўйди; палақмонлар¹⁴ *нарвонлар¹⁴ ва девор тешадиган куроллар ишлатди ва энг яхши куроллантирилган лашкар билан Сўғдга караб юзланди.

85 Сўғдда || оқ кийимликлар кўп эдилар, турк лашкари ҳам кўп келган эди. Ҳарийнинг¹⁵ амири Ҳарийдан ўн мингта кўй олиб келган эди, ўзи билан бирга олиб юрди. Маоз ибн Муслим унга: (Л. 576) «Душманнимиз турклар бу ерда (Д. 616) бизга якин жода туриттилар, улар-кўйни жуда яхши кўрадилар, бу кўйларни Бухорода қолдир ёки менга сот, мен уларни лашкарга таксим килиб берайн!» — (Б. 92) деса у рози бўлмади. Турк аскарларидан бир тўдаси чиқиб хужум килдиларда, ҳамма кўйларни Арбинжон билан Зармон¹⁶ ўртасидаги бир манзилга олиб кетдилар. Турклар кетидан лашкар борган эди уларнинг ҳам баъзиларини ўлдирдилар, баъзилари эса мағлубиятга учраб қайтиб келдилар.

Маоз ибн Муслим Сўғд ва Самарқандга бориб турклар ҳамда оқ кийимликлар билан икки йилгача кўп урушлар килди, гоҳ у ва гоҳ душман ғалаба қозонар эди. Икки йилдан кейин у Хуросон амирлигидан истеъро берди ва Мусайяб ибн Зухайр аз-Забий Марвда бир юз олтмиш учинчи йил жумод ал-аввал ойида (январь-февраль 780) Хуросонга амир бўлди ва ражаб ойида (март-апрель 780) Бухорога келди. Шу вакт Бухоро амири Жунайд ибн Холид эди, уни Хуросон амири Хоразмга юборди.

Бухорода Муқанна саркардаларидан бўлган Кулортегин номли бир саркарда бор эди, у лашкар ва мулозимлар тушиб Мусайяб билан урушлар килди.

*Хикоят¹⁷ Муҳаммад ибн Жаъфарнинг (Д. 62а) ривоят килишича, Муқанна лашкаридан мовароуннахриликлар, турклар ва бошқалардан иборат эллик минги унинг ҳисори дарвозасига йигилиб, сажда ва зорий (Л. 58а) килиб ундан дийдор кўрсатишни сўрадилар. Ҳеч бир жавоб ололмагач, яна сўрашда давом этиб: «Ўз эгамизнинг дийдорини кўрмас эканмиз бу ердан қайтиб кетмаймиз», — дедилар. (П. 71) Муқаннанинг Ҳожиб номли бир қули бор эди, Муқанна унга: «Бандаларимга, — оғзига тупрок, — айт, Мусо мендан дийдор кўрсатишни сўради, тоқат қилолмаслиги сабабли кўрсатмадим. Мени кўрған ҳар бир киши тоқат қилолмай дарҳол ўлади», — деди. Улар ялиниб-ёлвориб яна 86 сўрайбердилар || ва: «Биз дийдор истаймиз, агар ўлсак, бу айни муддао», — дедилар. Муқанна: «Фалон куни келинг сизга дийдор кўрсатам», — деб ваъда берди.

Шундан кейин Муқанна ҳисорда ўзи билан турадиган хотинларга буюрди, (Б. 93) улар Сўғд, Қеш ва Нахшаб дехконларининг қизларидан иборат бўлиб, юзта хотин эдилар. Муқаннанинг шундай одати бор эди: каерда хушрўй хотин бўлса унга хабар берар эдилар (Д. 62б) ва Муқанна уни олдириб келиб ўзи билан бирга саклар эди. Ҳисорда у билан бирга шу хотинлар ва ўша хос қулдан бошка ҳеч ким бўлмас эди. Ҳисордагиларнинг озик-овкат каби эҳтиёжлари бўлса, ҳар куни бир марта ҳисор дарвозаси очилар, ташкари томонда эса бир вакил

бўлиб, у керакли нарсаларни тайёрлар, ҳалиги кул вакилни чакириб у нарсаларни ҳисор ичкарасига олиб киргач, яна ҳисор дарвозасини беркитар (Л. 58б) ва то иккинчи кунгача Муқаннанинг хунук юзини хеч ким кўрмас эди. Чунки у юзига кўк парда тутиб юрар эди. Шундай килиб, у ўша хотинларнинг ҳар бирига ойна олиб ҳисорнинг тепасига чикиб бир-бирининг рӯбарўсида туришга ва кўёш нури ерга тушган пайтда барча ойналарни кўлга олиб бетафовут бир-бирига рӯбарў килиб тутишга буюрди. Ҳалк тўпланган эди. Кўёш нури ойналарга тушгач, унинг акси билан ўша жой нурга тўлиб кетди. Шу вакт Муқанна кулига: «Ана қаранг! Ҳудо ўз юзини кўрсатяпти деб бандаларимга айт», — деди. Тўпланган ҳалк қараб, бутун жаҳоннинг нурга тўлганини кўриб кўркдилар ва ҳаммалари бирдан сажда килиб: (Д. 63а) «Эй ҳудо! Қудратинг ва улуғлигининг шунчалик кўрганимиз етади, бундан кўпроқ кўрсак юрагимиз ёрилади», — дедилар. Улар ҳануз саждада эканлар, Муқанна яна кулига: «Саждадан бошларингизни кўтаринг! Ҳудо сиздан рози ва гуноҳларингизни кечди деб умматларимга айт» — деди. (П. 72) жамоа кўрккан ва вахимага тўланган ҳолда бошларини саждадан кўтардилар. || Шу вакт Муқанна: 87 «Ҳамма вилоятларни сизлар учун ҳалол қилдим. Кимки менга имон келтирмаса унинг кони, моли ва фарзандлари сиз учун ҳалол», — оғизга тупроқ — деди. Шундан кейин у жамоа талончиликка юз ўйрди. (Л. 59а) Бу жамоа бошқалар олдида фаҳрланиб: «Биз ҳудони кўрдик», — дер эди.

Муқаннанинг ҳалок бўлиш сабаби. *Хирот амири бўлган Саъид кўп лашкар билан Муқанна ҳисорининг дарвозасига келиб кўнди¹⁸, уйлар ва ҳаммомлар куриб ёзин-кишин шу ерда бўлдилар.

Ҳисорининг ичиди чашма, (Д. 63б) дарахтлар ва экинзорлар бор эди. Муқаннанинг хос кишилари ва сипоҳсолорлар кучли лашкар билан ҳисор ичиди эдилар. Ҳисор ичкарисида, тоф тепасида яна бошка бир ҳисор бўлиб, у ҳисорга хеч кимга йўл йўқ эди. Муқанна ўша хотинлар билан [шу] ҳисорда турар эди.

Унинг одати шундай эдики, ҳар куни ўша хотинлар билан бирга овқатланар ва улар билан шароб мажлисига ўтириб шароб ичар эди. Шу тартибида у ўн тўрт йил хаёт кечирди. [Охири] Хирот амири унинг ишини оғирлаштириб, лашкарлари тарқалиб кетди, ҳисорда бўлган сипоҳсолор эса ҳисор дарвозасини очди ва бўйсуниб ташқари чиқди; ислом динини қабул этди. Мусулмонлар ҳисорни олдилар. Муқанна ички ҳисорни саклаб кололмаслигини тушунди.

Мухаммад ибн Жаъфарнинг Кеш дехконларидан бўлган Абу Али Мухаммад ибн Ҳорундан ривоят қилишича, Абу Али шундай деган: «Менинг бувим Муқаннанинг ўзи олиб келиб ҳисорда саклаб турган хотинлари жумласидан бўлган экан. (Д. 64а) (Л. 59б) У шундай

88 ҳикоя қилар эди: «Бир куни || Муқанна хотинларни ўз одати бўйича овқат ейишга ва шароб ичишга (Б. 95) ўтиргизиб, шароб ичига заҳар солди-да, ҳар бир хотин учун биттадан хос қадаҳ тутқизиб айтди: «Мен ўз қадаҳимдаги шаробни ичганимда сизлар ҳам қадаҳларингизни бутунлай бўшатишингиз лозим». Ҳамма хотинлар ичдилар, мен эса ичмасдан шаробни кўйлагим ёқасига тўқдим, Муқанна буни пайқамади. Ҳамма хотинлар [хушсиз] йикилиб ўлдилар; мен ҳам ўзимни уларнинг орасига ташлаб ўлганга солиб ётдим, Муқанна менинг ҳолимдан бехабар эди. Кейин Муқанна ўрнидан туриб қараб, ҳамма хотинларнинг ўлиб ётганини кўрди-да, ўз қулининг олдига борди (П. 73) ва қилич билан унинг калласини кесди. Муқаннанинг фармони билан уч кундан бери тандир кизитаётган эдилар. Муқанна ўша тандир олдига бориб кийимини ечди ва ўзини тандирга отди. Тандирдан бир тутун чиқди. Мен у тандир олдига бориб унинг вужудидан хеч (Д. 64б) асар кўрмадим. Ҳисорда бирор тирик киши йўқ эди.

Унинг ўзини ўзи куйдиришига сабаб шу эдики, у хамиша: «Қачон бандаларим менга бўйсунмасалар мен осмонга чиқиб у ердан фаришталарни олиб келаман ва уларни бўйсундираман»,— (Л. 60а) дер эди. Ҳалқ: «Муқанна фаришталарни олиб келиб бизга осмондан ёрдам бериш учун осмонга чиқиб кетди; унинг дини дунёда [абадий] колади»,— десин деб Муқанна ўзини ўзи куйдириди. Кейин у хотин ҳисор дарвазасини очди ва Саъид Ҳараший кириб у ердаги ҳазинани олди».

89 Аҳмад ибн Мұхаммад ибн Наср шундай дейди: «Бу қавмдан Кеш ва Нахшаб вилоятида, Қўшки Умар, Қўшки Хиштивон ва Зармон қишлоғи каби Бухоро қишлоқларида ҳозирда ҳам сақланиб келмоқда. Улар ўзлари Муқаннанинг ким канлигидан бутунлай хабарсиз бўлсалар ҳам унинг ўша динидалар. Уларнинг тутган ўйллари шуки намоз ўқимайдилар, рўза || тутмайдилар ва жунуб бўлганларида гусил қилмайдилар, лекин омонатга хиёнат қилмайдилар. Бу одатларининг ҳаммасини мусулмонлардан (Д. 65а) яширинн тутадилар ва мусумлонлик даъво киладилар.

[Яна] айтадиларки улар: «Хотин худди гулга ўхшайди, уни ким хидласа ҳам [барибири] камайиб қолмайди»,— деб хотинларини бир-бир оровларига ҳалол ҳисоблайдилар. Бирор киши бирор хотиннинг олдига хилватга кирганида уй эшигига белги колдиради; у хотиннинг эри келиб қолгудек бўлса хотини уйда бошқа киши билан бирга эканлигини билиб кайтиб кетади ва у киши хилват ишидан фориғ бўлгандан кейингина ўз уйига киради.

Ҳар бир қишлоқда уларнинг раислари бўлади (Л. 60б) ва ҳаммалари унинг фармонига бўйсунадилар.

Ҳикоят. Айтишларича, уларда ҳар бир қишлоқда биттадан [тайинлаб қўйилган] киши бўлиб, шу қишлоқда кимки кизга уйланмоқчи бўлса, кизнинг бакоратини аввал ўша киши кетказди, шундан

кейингина қизни эрига топширадилар. (Б. 96) Ахмад ибн Мухаммад ибн Наср шундай дейди: «Мен кишлок кексаларидан шундай улув нөйматни у бир кишига бериб кўйиб (П. 74) бошкалар ўзларини ундан маҳрум килишларида кандай маъни бор?» — (Д. 65б) деб сўраганимда кексалар: «Уларнинг одатлари шуки, балоғатга етган ҳар бир йигит то бир хотинга уйлангунича ўша одам билан ўз эҳтиёжини кондириб юради ва бунинг эвазига у йигит ўз хотинининг аввалги кечасини ўша одамга беради. У одам кексайиб колганида эса унинг ўрнига бошка бирини тайинлайдилар. *Бу кишлокнинг эркаклари¹⁹ ҳамиша ўша одам билан шу муомалани киладилар. Шу иш билан шуғулланувчи кишини «такона»²⁰ деб атайдилар», — деб жавоб бердилар. Лекин мен бу ҳолнинг ҳақиқатидан вокиф бўлолмадим. Бу хикояни кишлокнинг кексаларидан ва [муқанначилар] нинг кишлокларида яшовчи жамоатдан эшитдим. Худоё, бизни бундан саклагин! ||

90

XXVIII СОМОНИЙЛАР ҲУКМДОРЛИГИНИНГ БОШЛАНИШI¹

Сомонхудотнинг бир ўғил кўрганлиги ва Асад ибн Абдуллоҳ Кушайрийни дўст тутганидан, ўғлига Асад деб ном берганлиги ҳақида юкорида айтиб ўтилган эди. (Л. 61а) Асаднинг тўрт ўғли бор эди: Нуҳ, Ахмад, Яхҳе ва Илёс.

Рофе ибн Лайс Хорун ар-Рашидга қарши хуруж қилиб Самарқандни олганида (Д. 66а) Хорун ар-Рашид Ҳарсама ибн Аъянни Рофе ибн Лайсга қарши урушга юборди. Рофе Самарқандни хисор қилди ва Ҳарсама уни кўлга олишдан ожиз колди. Бу ходиса сабабли Маъмун Хорун ар-Рашид билан бирга Ҳурносонга келган ва Ҳоруннинг дили шу иш билан ғоят даражада машғул эди. Маъмун Асаднинг ўғилларига ҳат ёзиб, уларга Рофе билан урушда Ҳарсамага ёрдам беришни буюрди. Асад ўғилларининг дъеватига кўра Рофе Ҳарсама билан сулх тузди ва улар ўртасида куда-андалик вужудга келиб, Ҳорун бу ишдан хотиржам бўлди. Рофенинг буткул Ҳурносонни олиб кўйиш хавфи бор эди, [шунинг учун] бу сулхнинг тузилиши Маъмун учун жуда ёқиб тушиб.

Хорун мана шу сафар вақтида Тусда вафот этди². Маъмун халифаликка ўтиргач³, Фассон (П. 75) ибн Уббод Ҳурносонга амир бўлди. Маъмун унга Асад ибн Сомонхудотнинг ўғилларига Ҳурносоннинг айрим шаҳарлари ҳукмронлигини беришни буюрди; Фассон ибн Уббод уларнинг ҳар бирига ўша қилган яхшиликлари эвазига биттадан эътиборли шаҳарни берди: (Д. 66б) Нуҳ ибн Асадни Самарқандга, Ахмад ибн Асадни Марвга амир қилиб тайинлади. (Л. 61б) Бу [воеа] икки юз иккинчи йилда (20 июль 817—9 июль 818)⁴ бўлган эди.

Фассон Ҳурносон амириларидан бекор этилиб⁵ Тохир ибн Ҳусайн Ҳурносон амири бўлганда⁶ ҳам Тохир у вилоятларни Асаднинг ўғиллари

қўлида колдирди ва уларнинг энг каттаси бўлган Нуҳ ибн Асадга сарпо кийгизди. Нуҳ ибн Асад то дунёдан ўтгунигача самарқандда бўлди
 91 (Б. 97) ва биродари Аҳмад ибн Асадни || [ўз ўрнига] халифа килди.
 Аҳмад ибн Асад олим ва порсо бир киши эди, у то вафот этгунигача⁷ Самарқандда бўлди ва [вафоти вактида] ўғли Наср ибн Ағмад ибн Асадни ўз ўрнига халифа килди. У отасининг ўрнига ўтиргач, икки юз эллик биринчи.йили рамазон ойининг бошида (29 сентябрь 865) шанба куни унинг номига халифа Восик биллоҳдан⁸ Мовароуннахрнинг амирлиги унга берилганиниг тўғрисида фармон келди.

XXIX АМИРИ МОЗИЙ АБУ ИБРОҲИМ ИСМОИЛ ИБН АҲМАД АС-СОМОНИЙ ХУҚМРОНЛИГИНИНГ БОШЛАНИШИ

У сомонийлар сулоласи сultonларининг аввалгиси бўлиб, ҳакиқатан ҳам подшоҳликка лойик ва ҳақли эди. У аклли, адолатли, шафкатли, фикр ва тадбир эгаси бир киши эди; ҳамиша халифаларга итоат изҳор килар ва уларга тобе бўлишни зарур ва лозим биларди. У икки юз саксон еттинчи йили раби ал-охир ойининг (апрель, 900) ўртасида шанба куни Амр ибн Лайсин Балҳда асир этиб¹ мамлакатга эга бўлди ва саккиз йил подшоҳлик килди. Икки юз тўксон бешинчи йили (12 октябрь 907—29 сентябрь 908) Бухорода худонинг раҳматига этишди. Худо уни раҳмат килиб гуноҳларини кечирсан².

Амири мозий икки юз (Д. 67а) ўттиз тўртинчи йил шаввол ойида (апрель-май 849) Фарғонада туғилди³; (П. 76) ўн тўрт ёшга етганида отаси вафот этди. Катта акаси амир Наср уни жуда улуғ тутар, у ҳам амир Насрнинг хизматини килар эди.

Хусайн ибн Тоҳир ат-Тоий (Б. 98) икки юз олтмишинчи йили раби ал-охир ойида (январь-февраль 874) Хоразмдан Бухорога келганида у билан бухороликлар ўртасида урушлар бўлиб, беш кундан кейин у шаҳарни олди, бухороликларни (Л. 62а) шаҳар ва. қишлоқда туриш 92 дан ман килди ва кўп кишини ўлдирди; хоразмликларни || босқинчилик килишга рухсат берди. Улар бухороликларнинг нарсаларини мўсадара килар, қечаси зўрлик билан уйларига бостириб киришар, оғир жиноятлар килиб мол олар эдилар. Бухоро аҳолиси Ҳусайн ибн Тоҳирга қарши урушга чиқди, кўп киши ўлдирилди ва шаҳарнинг учдан бир қисми куйди. Урушда шаҳар аҳолисининг кўли баланд келгач, Ҳусайн ибн Тоҳир жарчи қўйиб аҳолига омонлик эълон килди. Жам бўлиб урушга тайёр турган ҳалқ омонлик хабарини эшитиб таркалди; баъзилар қишлоқка кетдилар. Ҳусайн ибн Тоҳир (Д. 67б) ҳалқ тарқалиб кетганини билиб киличини ишга солди ва кўп кишини ўлдирди. Ҳалқ яна [унга қарши] қўзғолди ва Ҳусайн ибн Тоҳир енгилди. Қун бўйи уруш килдилар, кеч бўлгач Ҳусайн қўшкнинг дарвозасини маҳкам беркитди. Ҳалқ уни ушлаб олиш учун кўшк дарвозасини кўриклаб турар эди. Ҳусайн

ибн Тохир Бухоро хирожини тамом олган, унинг ҳаммаси ғидрифий дирам бўлиб сарой ўртасига тўкиб қўйилган эди. Ҳусайн ибн Тохир бу ғидрифийларни кумушга алмаштириб олмокчи эди-ю, бунга вакт топа олмади ва ўша кечаси деворни тешиб ўзининг яқин кишилари билан оч ва ялангоч ҳолда қочиб кетди; у ғидрифий дирамлар [саройда] кола берди. Одамлар бундан хабардор бўлиб саройга кирдилар (Л. 62б) ва у пулларни таладилар. Кўп кишилар ўша молдан шундай бой бўлиб кетдиларки, бойлик асари уларнинг авлодларига ҳам қолди. Шаҳарда: «Фалончи Ҳусайн ибн Тохир саройининг бойи», — дейишар эди.

Шундай қилиб, Ҳусайн ибн Тохир қочди, ундан кейин ҳам Бухоро аҳолиси бошида бошқа ҳар хил можаролар ва ҳар кимлар билан урушлар кўп воқе бўлди. (Б. 99) (Д. 68а) Бухоронинг, аҳли илм ва яхши кишилари (П. 77) марҳум Ҳожа Абу Ҳафс Қабирнинг ўғли Абу Абдуллоҳ ал-Факиҳнинг хузурига йигилдилар. У жасоратли киши эди. Бухоро ишлари бўйича у билан маслаҳат қилдилар. Ҳуросонда бирор амир йўқ эди. Яъқуб ибн Лайс⁴ зўрлик билан Ҳуросонни олган || ва Бухорода Рофе ибн Ҳарсама у билан урушётган эди. Ҳуросонда ҳам нотинчлик бўлиб, Бухоро бу тўполонлардан ҳароб бўлаётган эди. Шундай қилиб, Ҳожа Абу Ҳафснинг ўғли Абу Абдуллоҳ Самарқандга Наср ибн Аҳмад ибн Асад ас-Сомонийга,— у Самарқанд ва Фарғонанинг амири эди — хат ёзди ва ундан Бухорога амир юборишини сўради. Наср ибн Аҳмад ўз биродари Исмоил ибн Аҳмадни Бухорога юборди. Амир Исмоил Қарминага етгаҷ, бир неча кун у ерда туриб, Бухорога, Бухоро амири Ҳусайн ибн Мухаммад ал-Ҳаворижийга элчি юборди. Унинг элчиси бир неча марта бориб-келиб турди ва охири амир Исмоил Бухорога амир, (Д. 68б) Ҳусайн ибн Мухаммад ал-Ҳаворижийнинг эса унга халифа бўлишига қарор қилинди. (Л. 63а) Ҳусайн Ҳаворижийнинг лашкари бу қарорга бўйсунди. Амир Исмоил Ҳаворижийни ўзига халифа тайин қилганлиги ҳакида фармон билан байроқ ва сарпо юборди. Ҳаворижийни шу байроқ ва сарпо билан Бухоро шахрида айлантиридилар. Бухоро аҳолиси шодлик кўрсатди. Ўша куни сесанба куни эди, жума куни хутбани Наср ибн Аҳмад номига ўқидилар ва Яъқуб ибн Лайс номини хутбадан туширдилар. Бу воқеа амир Исмоилнинг Бухорога киришидан олдин бўлиб, ўша жума куни икки юз олтмишинчи йил муборак рамазон ойининг биринчи жумаси (23 июль 874) эди. (Б. 100) Абу Ҳафс Қабирнинг ўғли,— худо уларни раҳмат қилсин,— унинг истикболига чикди, Бухоронинг араб ва бошқалардан, иборат улуғ одамлари у билан бирга Қарминагача бордилар. Абу Абдуллоҳ буйруғи билан шаҳарни ясатдилар.

Амир Исмоил Бухорога келганидан пушаймон эди. Чунки унинг лашкари оз, Бухорода эса тўполон ва ғавғо кўтарилиган эди; (Д. 69а) ўзига нисбатан бухороликлар дилдан қандай муносабатда экани унга

маълум эмас эди. Абу Абдуллоҳ ибн Ҳожа Абу Ҳафс [истикбол учун Бухородан] чикиб Карминага келгач, (П. 78) амир Исмоилнинг дили кувват топди; (Л. 63б) Абу Абдуллоҳ ҳар нима килса ҳам шаҳар аҳолиси уни қайтара олмаслигини || билиб, ўз қарорини катъий қилди. Абу Абдуллоҳ унга кўп мадҳлар айтиб дилини кувватлантириди. Амир Исмоилни Бухорога олиб келгач, уни улуғлаб, ҳурмат кўрсатдилар, шаҳар аҳолиси [Абу Абдуллоҳнинг] буйруғи билан унинг устидан кўп тилла ва кумуш сочдилар.

Амир Исмоил Ҳусайн ал-Хаворижийни тутиб зинданга юборди ва худоий таолонинг кудрати билан у ёғро тинчиди.

XXX АМИР ИСМОИЛНИНГ БУХОРОГА КИРИШИ

[Бу воқеа] икки юз олтмишинчи йил муборак рамазон ойининг ўн иккинчиси (1 июль, 874) душанба кунида содир бўлди ва шу сабабли шаҳар тинчиди, Бухоро аҳолиси кийинчиликдан қутулиб роҳатга этиши.

Шу йили (Д. 69б) Мовароуннахрнинг Жайхун дарёсидан тортиб то Машриқ шаҳарларининг энг йироғигача бўлган барча ерлар ҳукмронлиги амир Наср ибн Аҳмадга (Д. 69б) берилганлиги ҳакида халифа Муваффак биллоҳдан фармон келтирдилар ва Бухорода хутбани амир Наср ибн Аҳмад ва амир Исмоил номига ўқидилар. (Б. 101) Яъкуб ибн Лайс Саффорнинг номи хутбадан туширилди. Амир Исмоил бир муддат Бухорода турди ва ундан кейин ўз биродарининг ўғли Абу Закариё Яҳё ибн Аҳмад ибн Асадни Бухорога ўз ўрнига халифа килиб колдириб, амир Насрнинг буйруғисиз Самарқандга борди. (Л. 64а) Рабинжонга¹ етганида амир Наср бундан хабар топиб, унинг руҳсатсиз келишини ёқтирамди ҳамда кутиб олишга буйрук берса ҳам, (Д. 70а) ўзи истикболга чиқмади ва ҳеч ҳурмат билдирамди. Унинг фармони бўйича амир Исмоилни Самарқанд хисорига тушириб, Самарқанднинг сокчибошилик² мансабини унга бердилар. Амир Наср унга аччик қилганича юра берди. Амир Исмоил унинг олдига саломга бориб турди, [ваҳолони] у Бухорога боришидан олдин (П. 79) бундай килмас эди. || Муҳаммад ибн Умарни унга халифа килиб тайинладилар.

Амир Исмоил саломга келиб бир қанча вакт турага яна қайтиб кетар, амир Наср эса унга ҳеч бир сўз сўзламас эди. Шу аҳволда ўн уч ой ўтди. Охир у ўз амакисининг ўғли Нуҳни ва Абдулжаббор ибн Ҳамзани ўртага кўйди, [амир Наср] уни яна Бухорога юбориб, Ислам ибн Муҳаммад ал-Марвазийни (Б. 102) унга вазир, Фазл ибн Аҳмад ал-Марвазийни эса дабир³ килиб тайинлади. Энди амир Наср Самарқанднинг барча улуғлари (Л. 64б) ва эътиборли кишилари билан бирга уни кузатишга чиқди. Шу аснода амир Наср Абдулжаббор ибн Ҳамзага қараб: «Ё Абу-л-Фатҳ! Бу гўдакни [Бухорога] (Д. 70б) юбор-

япмиз-у, лекин ундан нима [яхшилик] кўрмокчимиз?» — деди. Абдулжаббор: «Бундай дема, у сенинг қулинг, сен нима буюрсанг, шуни килади; ҳаргиз сенинг хилофингга иш тутмайди», — деди. [Амир Наср] бунга жавобан: «Ҳакиқатан ҳам шу менинг айтаётганимдек [бўлади]», — деди. Абдулжаббор: «Сен нимага асосан бундай ҳукм чикардинг?» — деб сўраган эди. Амир Наср: «Мен унинг кўзлари ва шакл-шамойилида хилофлик ва исён [аломатларини] кўраман», — деб жавоб берди ва [Самарқандга] қайтди. Амир И smoил Бухорога етгач, Бухоро ахолиси унинг истиқболига чиқиб зўр иззат билан шаҳарга олиб кирди.

[Шу вактларда] ўғрилардан бири бир тўда ҳалкни ўз атрофига тўплаган, қишлоқнинг бебош ва безориларидан тўрт мингта одам жам бўлган эди. Улар ҳаммаси Ромтин билан Баркад ўртасида йўлтўсарлик қиласи ва шаҳарга қасд қилишлари хавфи ҳам якин эди. Амир И smoил ўзининг сокчибошиси Бухоро деворини курган ва [хозирда] «Қўйи Ало» — «Ало кўчаси» унинг номи билан аталадиган Ҳусайн ибн Алони у ўғриларга карши урушга юборди. Бухоро ахолисидан || улуғлар ва саркардалар унга ёр бўлдилар ва бориб уруш килиб ўғриларни мағлуб этдилар. Ҳусайн ибн Ало ўғрилар устида галаб қозониб, уларнинг бошлигини тутиб ўлдириди ва унинг бошини олиб келди, унга ёр бўлган бир гурух кишиларни ҳам тутиб олди. Амир И smoил уларнинг [кўлларини] боғлаб Самарқандга юборди. (Д. 71а).

Бу ишдан фориғ бўлганларида Ҳусайн ибн Тоҳир (Л. 65а) яна Бухорога қасд қилиб икки минг киши билан Омуяга келганлиги ҳакида хабар қилдилар. Амир И smoил эплай олганича лашкар жам қилиб (Б. 103) урушга жўнади. Ҳусайн ибн Тоҳир икки минг хоразмликлар билан Жайхундан ўтди деган хабарни етказдилар. Амир И smoил отга миниб унга қарши чиқди. Каттиқ жанг қилдилар. (П. 80) Ҳусайн ибн Тоҳир енгилди, унинг лашкаридан баъзиси ўлдирилди, баъзиси сувга гарк бўлди ва етмиш киши асир тушди. Бу амир [И smoил] қилган урушларнинг дастлабкиси эди. Эрталаб бўлгач, амир И smoил асирларни чакириб ҳар бирига биттадан карбос чопон берди ва кайтариб юборди. Ҳусайн ибн Тоҳир Марвга қараб кетди ва амир И smoил Бухорога қайтди. Шунда ўз ҳукмдорлиги аҳволи ҳакида ўйлаб, ўзининг Бухоро саркардалари ҳузурида у қадар баланд ҳурмати йўклигини, улар кўзида салобатсиз эканлигини, уларнинг жам бўлишларидан ўзига бирон манфаат етмаслигини билди-да, мана шундай иш килиши тўғри топди. Бухоро саркардаларидан бир гурухини чакириб уларга: (Д. 71б) «Мен учун Самарқандга бориб, амир Наср ҳузурида менинг номимдан узр сўрашингиз лозим», — деди. Улар «Эшитамиз ва бўйсунамиз», — дедилар-да, бир неча кун руҳсат беришини сўрадилар ва ундан кейин жўнаб кетдилар. У гурух амир И smoилдан илгари Бухоро амирлари (Л. 65б) бўлиб келган эди. || Абу Мухаммад Бухорхудот ўзи Бухоро подшохи эди, Абу Хотам Ясорий эса ғоят даражада

бой бўлиб, мол-мулкининг кўплиги сабабли [амир Исмоилга] бўйсунмас эди. Бухоро улуғлари мана шу иккаласи билан биргаликда Самарқандга бордилар. Амир Исмоил амир Насрга хат ёзиб, ўзининг Бухоро пдошохлигини ушлаб тура олиши учун у кишиларни тутиб зиндонга юборишини сўраган эди. (Б. 104) Амир Наср унинг айтганидек килиб, у гурухни то Бухоро ишлари тинчигунича бир қанча вақт Самарқандда ушлаб турди. Амир Исмоил яна амир Насрга хат ёзиб уларни талаб килиб олди ва шундан кейин улар билан яхши муомалада бўлиб, хожатларини раво этди ва ҳукуқларини риоя килишни ўзига лозим билди.

[Амир] Наср ибн Ахмад амир Исмоилнинг гарданига (Д. 72а) хар йили Бухоро молидан беш юз минг дирамини юбориб туришни вазифа килиб юклаган эди. [Лекин] шундан кейин амир Исмоил бир қанча урушларда бўлди ва у мол ҳарж бўлиб кетиб, юбора олмади. Амир Наср яна одамларини юбориб ўша молни талаб килди, амир Исмоил юбормади ва шу сабабдан ораларида нохушлик пайдо бўлди. Амир Наср лашкар йиғди ва Фарғонага, ўз биродари Абу-л-Ашъасга хат ёзиб, уни кўп лашкар билан келишга ва (П. 81) яна бир хатни Шошга, бошқа биродари Абу Юсуф Яъқуб ибн (Л. 66а) Ахмадга ёзиб, уни ҳам ўз лашкари билан келишга ва Исфижоб⁴ туркларини ҳам олиб келишга буюрди. [Шундай килиб] улар кўп лашкар йиғдилар ва икки юз етмиш иккинчи йили ражаб ойида (декабрь 885—январь 886) Бухорога караб юрдилар. Амир Исмоил бундан хабар топгач, ўз биродарига хурмат юзасидан Бухорони бўшатиб Фарабга кетди. Амир Наср Бу-

98 хорога келди ва амир || Исмоилни учратмагач, Байкандга бориб, шу ерга қўнди. Байкандликлар (Д. 72б) уни кутиб олиб, устидан кўп олтин-кумуш сочдилар ва кўп тухфалар (Б. 105) чиқардилар. Амир Исмоил билан ўша вактда Хуросон амири бўлиб турган Рофе ибн Ҳарсама ўртасида дўстлик бор эди. Амир Исмоил унга хат ёзиб, ёрдам сўради. Рофе ўз лашкари билан келиб, Жайхун дарёси музлаган эди, муз устидан ўтди. Амир Наср Рофенинг келганидан хабар топиб, Бухорога қайтди. Амир Исмоил Рофе билан бориб Самарқандни олишга иттифок тузди. Бу хабар амир Насрга етгач, у тезлик билан Тавоисга бориб, йўлни тўсади. Амир Исмоил ва Рофе чўл йўли билан кетдилар. Бухоронинг ҳамма кишлоқлари амир Насрнинг тасарруфида эди. Улар чўлда на озик-овқат ва на ем-ҳашак топа олмас эдилар. Уйил қаҳатчилик йили эди. Уларнинг ахволлари оғирлашди. Уларнинг лашкарлари орасида (Л. 66б) бир ман⁵ нон ҳатто уч дирамга етди ва Рофе лашкаридан кўп кишилар очликдан ҳалок бўлдилар. Амир Наср Самарқандга, ўз ўғли Ахмадга хат ёзиб (Д. 73а) унга Самарқанд Сўғидидан жангчилар тўплашни буюрди. Вилоят ахолиси: «Булар исёнчилардир, уларга ёрдам бериш ҳалол бўлмайди»,— деб амир Исмоилга ем-ҳашак бермадилар.

Амир Наср Рофенинг келганидан тангдил бўлган эди. У Кармина га кетди. Амир Исмоил ва Рофелар унинг изидан бораётган эдилар, бир киши Рофега насиҳат қилиб: «Сен ўз вилоятингни қўйиб бу ерга келдинг, агар у икки биродар бир-бири билан келишиб туриб сени ўртага || олсалар сен нима қила оласан?» — деди. Рофе бу гапдан қўркди ва амир Наср олдига элчи юбориб: (П. 82) «Мен (Б. 106) урушиш учун келганим йўқ, балки сизларнинг орангизда сулҳ қилиш учун келдим», — деди. Амир Насрга бу гап ёкиб тушди ва Бухоро амири бирор бошқа киши бўлиши, амир Исмоил омили хирожликка⁶ тайинланиб девон даромади⁷ ва хутба унинг номида бўлмаслиги ҳамда у ҳар йили [Амир Насрга] беш юз минг дирам тўлаб туриши лозимлиги шартлари билан сулҳ туздилар. [Рофе] Наср ибн Аҳмадни чакириди ва Исҳок ибн Аҳмадни ҳам чакириб унга сарпо кийгизди-да, Бухоро амирлигини (Д. 73б) унга топшириди. Амир Исмоил бунга розилик берди. Амир Наср [Самарқандга] қайтиб кетди ва Рофе ҳам Хуросонга жўнади. (Л. 67а) Бу икки юз етмиш учинчи йили (8 июнь 886—27 май 887) бўлган эди. Шу воқеадан кейин ўн беш ой ўтгач, амир Наср одам юбориб молни талаб килди; амир Исмоил молни ушлаб қолиб, юбортирмади. Амир Наср ўртада кафил бўлган Рофега хат ёэди. Рофе ҳам амир Исмоилга шу мазмунда хат ёэди. Амир Исмоил бу хатга илтифот қилмади. Амир Наср иккинчи марта ҳаммаси мовароуннахрликлардан бўлган лашкар тўплади; Абу-л-Ашъас Фарғонадан келди ва яна қайтадан ўша аввалги тартибда Бухорога қараб юрдилар. [Амир Наср] Бухоро томон юзланиб Карминага етганида амир Исмоил ҳам ўз лашкарини йигиб Тавонисга борди. Икки орада тўқиниш бўлиб, каттиқ жанг бўлди. Исҳок ибн Аҳмад енгилиб, Фарабга кетди. Амир Исмоил фарғоналиклар устига каттиқ ҳужум қилган эди, Абу-л-Ашъас мағлуб бўлиб Самарқандга жўнади. У ўз биродарини колдириб кочиб келгани учун самарқандликлар (Д. 74а) уни тутиб олмокчи бўлган эдилар, Абу-л-Ашъас Самарқанддан қайтиб Рабинжонга келди. Амир Исмоил Аҳмад ибн Мусо Марзукни асир қилиб олиб || Бухорога юборди. Бухоро лашкари иккинчи марта енгилди. Амир Исмоил (Б. 107) ўз жойида турган эди. У билан озгина одам колган, машхур қишилардан эса Сиймоул-қабир у билан бирга эди. Амир Исмоил одам юбориб, (Л. 67б) куллардан ва маволийлардан қочганларининг ҳаммасини йиғдирди; Исҳок ибн Аҳмадни Фарабдан қайтариб олдириб келди; Бухоро ғозийларидан ҳам икки минг киши чиқди ва қишлоқлар⁸ лашкарларини жам қилдилар. [Амир Исмоил] уларнинг ҳаммасига озиқ-овқат берди. Амир Наср Рабинжонга бориб (П. 83) лашкар анжомларини тайёрлаб қайти. Амир Исмоил унинг олдига — Возбадин⁹ қишлоғига борди ва шу ерда жам бўлишиб икки юз етмиш бёшинчи йили сесланба куни жумод ал-охир ойининг ўн бёшинчисида (25 октябрь 888) уруш бошлидилар. Амир Исмоил Фарғона лашкари устидан ғалаба қозонди.

(Д. 74б) Абу-л-Ашъас енгилиб қочди; лашкар ҳаммаси енгилиб қочган ва амир Наср озгина одамлар билан қолиб у ҳам мағлубиятга учраган эди.

*Хоразмликлардан бир тўдаси Насрга етиб бориб уни ўлдирмоқчи бўлдилар, аммо Сиймоул-кабир ҳам буни узокдан кўрди ва хоразмликларга қичқириб, уларни амир Насрдан узоклаштириди, сўнг ўзи отдан тушиб Насрнинг узангисини ўпди¹⁰. Уларнинг отасининг кули бўлган сипохсолор Сиймоул-кабир одам юбориб амир Исмоилга бу холдан ҳабар берди. Наср ибн Аҳмад отдан тушди ва ёстикни ерга ташлаб ўтириди. Амир Исмоил етиб келди-да, отдан ўзини ташлаб, яқин келиб ёстикни ўпди ҳамда: «Ё амир! Худонинг ҳукми шу эканки, мени сенга карши кўйди (Л. 68а) ва биз шундай бир зўр ишни ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз»,— деди. Амир Наср: «Мен бу килган ишларингга ажабланаман, ўз амирингга бўйсунмадинг ва худойи таолонинг сенга берган бўйруғини бажармадинг!» — деди. Амир Исмоил: (Д. 75а) (Б. 108) «Эй амир! Мен хато иш килганимга икрорман,|| ҳамма гуноҳ менда, сен фазилатда [мендан] улуғроқсан ва менинг бу катта гуноҳимдан ўтиб афв этасин»,— деди.

Булар шундай сўзлашиб турганларида уларнинг бошқа биродари Исҳоқ ибн Аҳмад етиб келди. У отдан тушмай турган эди, амир Исмоил: «Хой фалончи! Ўз хожанг учун отдан тушмайсанми?» — деб унга дашном берди ва ундан аччиғланди. Исҳоқ тезда отдан тушиб ўзини Насрнинг оёғига ташлаб ер ўпди ва: «Менинг отим ҳали совутилмаган той, ундан дарров тушиб бўлмайди»,— деб узр сўраб сўзини тамом килган эди, амир Исмоил [Насрга караб]: «Эй амир! Яхшиси шуки, бу хабар [Самарқандга] етиб Мовароуннахрда ҳалқ қайғуга тушмасдан бурун тезда ўзингнинг азиз қароргоҳингга қайтсанг эди»,— деди. Амир Наср: «Эй Абу Иброҳим! Мени (П. 84) ўз жойимга юборадиган сенмисан?» — деди. Амир Исмоил: «Шундай қилмасам нима қилай? Кул ўз хожасига нисбатан унинг муроди нима бўлса шуни бажаришдан бошқача муомала қилмайди»,— (Л. 68б) (Д. 75б) деди. Амир Наср сўзлар ва унинг кўзидан ёш қуйилар, ўтган ишлар ва тўкилган конларга пушаймон ер эди. Сўнг амир Наср туриб отга минди амир Исмоил ва биродари Исҳоқ узангиларни тутиб турдилар ва уни [Самарқандга] қайтариб юбордилар. [Амир Исмоил] Сиймоул-кабир ва Абдуллоҳ ибн Муслимни уни кузатиш учун юборди. Улар бир манзил бирга боргандаридан кейин амир Наср уларни қайтариб, ўзи Самарқандга кетди. Амир Наср ибн Аҳмад шу асирик кунида ҳам ўша одамлар билан худди ўзи амир бўлиб таҳтда ўтирган ва улар унинг олдида хизматда турган кунлардагидек сўзлашар эди. Амир Наср бу воқеадан тўрт йил кейин икки юз етмиш тўққизинчى йили жумод ал-аввал ойидан етти кун колганида (21 август 892) вафот этди. У бутун Мовароуннахр ерларига амир Исмоилни (Б. 109) || халифа килиб тайинлади ва бошқа биродарини ҳамда ўз ўғлини унинг фармонига бўйсундирди.

Амир Наср дунёдан ўтгач, амир Исмоил Бухородан (Д. 76а) Сармарқандга келиб давлат ишини ростлади ва унинг ўғли Аҳмад ибн Насрни ўзига халифа қилди. У шу ердан бошлаб ғазот ишига киришиди.

Амир Исмоил Бухорога келганидан то акаси ўлиб (Л. 69а) бутун Мовароуннахрни унга топшириб вафот қилганига қадар йигирма йил ўтди. Амир Насрнинг вафот этганлиги хабари Амирул-муъминин Мұтазид¹¹ биллоҳга етгач, икки юз саксонинчи йили мұхаррам ойида (март-апрель 893) у амир Исмоилни Мовароуннахрга амир килиб фармон берди. Амир Исмоил шу тарихда Тароз жангига бориб кўп қийинчилик кўрди ва охири Тароз амири [бўйсуниб] чиқиб кўп дехқонлар билан бирга ислом динини қабул этди ва Тароз фатҳ этилди, [у ердаги] катта ибодатхонани масжиди жоме қилдилар. Амирул-муъминин Мұтазид биллоҳ номига хутба ўқидилар. Амир Исмоил кўп ўлжалар олиб Бухорога келди. У то Амр [ибн] Лайс кучайиб кетгунича етти йил подшоҳлик қилди ва Мовароуннахрнинг амири бўлиб турди.

[Амр ибн Лайс кучайиб] Хуросоннинг баъзи жойларини олди (Д. 76б; П. 85) ва *жангга кириши¹². Амирлик қилиб турган Али ибн ал-Хусайн¹³ Гузгониён амири бўлмиш Аҳмаддан¹⁴ ёрдам сўраган эди, яхши жавоб ололмади ва Жайхундан ўтиб Бухорога — амир Исмоил олдига қелди. Амир Исмоил хурсанд бўлиб сипоҳлари билан унинг истиқболига чиқди, аъзоз ва икром билан уни Бухорога олиб кириб кўп тухфалар тақдим этди, Али ибн ал-Хусайн Фарабга бориб ўн уч ой у ерда бўлди. (Б. 110) Амир Исмоил унга доимо ҳадялар (Л. 69б) юбориб турди ва яхши муносабатда бўлди. Али ибн ал-Хусайн, то уни [ўз] ўғли урушда ўлдиргунича, Фарабда турди.

Амр ибн Лайс Балх амири Абу Довудга, Гузгониён амири Аҳмад ибн Фарифунга ва Мовароуннахр амири амир Исмоилга хат ёзиб, уларни ўзига бўйсунишга қақирди ва яхши ваъдалар || қилди. Улар 103 фармонга бўйсуниб, унга хизмат қилдилар. Амир Исмоил олдига элчи келиб хатни унга берди ҳамда Балх амири (Д. 77а) ва Гузгониён амирининг бўйсунганилигидан хабар бериб: «Бу бўйсунишга сен лойикроксан, чунки сен каттароқсан ва подшоҳбодалигинг туфайли подшоҳлик кадрини яхшиrok биласан», — деди. Амир Исмоил: «Сенинг хожанг шу қадар нодон эканки, мени улар каторида санапти; [ахир] улар менинг кулларим-ку! Менинг сенга жавобим — қилич; мен билан унинг ўртасида урушдан бошқа нарса йўқ, кайтиб бориб унга айт, уруш асбобини созласин!» — деб жавоб берди. Амр ибн Лайс амирлар ва улуғ кишилар билан маслаҳат қилиб амир Исмоил иши борасида улардан ёрдам сўради ва: «Бошқа бир кишини юбориб, унга ёқимли сўзлар айтиш ва яхши ваъдалар қилиш керак», — деди. Кейин у хат ёзиб Нишопур шайхларидан ва ўзининг яқин кишиларидан бир гурухини юборди (Л. 70-а) ва хатида қуидагиларни айтди: «Гарчи Амир ул-муъминин бу вилоятни менга берган бўлса ҳам мен мулкдорликда сени

ўзимга шерик килдим. (Б. 111) Сен дўст бўлиб, мен билан (Д. 776) яхши муносабатда бўлгинки, хеч бир бадгуй бизнинг орамизга киришга йўл топа олмасин, ўртамиизда дўстлик ва бирлик бўлсин; бундан илгари айтган гапларимиз гўстолик юзасидан айтилган эди, биз у гапдан (П. 86) кечдик. Сен Мовароуннаҳр вилоятини кўруклла, чунки у душман чегарасидир; фуқарога ғамхўрлик қил! Биз у вилоятни сенга бердик, хурсандлик ва хону монингнин ободонлигидан бошка нарсани истамаймиз. *У вилоят хароб бўлмасин деб ўзим бормай, Нишопурнинг машхур кишиларидан бир қанчасини [элчи килиб] юбордим; улар ҳузурида [ушбу хат мазмунини] қабул этиб сўз бердим ва шу айтилган сўзларга уларни гувоҳ килдим¹⁵ || сендан бошха хеч кимга эътиmodim йўқ, орамизда дўстлик мустаҳкам бўлсин учун сен ҳам менга ишонишинг керак.»

104

Амр [ибн] Лайснинг [элчилар юборганлиги] хабари амир Исмоилга етгач, у Жайхун лабига [одамлар] юборди, улар элчиларни сувдан ўтишга кўймадилар, келтирган нарсаларини олмадилар ва [Исмоилга] еткизмадилар, [элчиларни] хўрлаб қайтардилар. Амр [ибн] Лайс бундан газабланиб (Д. 78a) урушга ҳозирланди. Ўзининг сipoхсолори Али ибн Сурушга лашкар билан (Л. 70б) Омужга бориб лашкарни ўша ерда тўхтатишни ва буйруқ бўлмагунича сувдан ўтишга шошилмасликнибуорди. Унинг кетидан бошка сipoхсолор — Муҳаммад ибн Лайсни беш минг киши билан юбориб: «Али ибн Суруш ва сен биргалика иш кўринглар, лашкарни сақланглар, у тарафдан кимки омон тӯлаб келса омонлик беринг ва яхши муносабатда бўлинг ва кемалар тайёрлаб, айғокчилар юборинг!» — деди. Амр [ибн] Лайс кетма-кет лашкар юбориб турди.

Амир Исмоил бундан хабар топгач, йигирма минг киши билан тезда Бухородан Жайхун дарёси лабига борди ва кечаси Жайхун сувидан ўтиб душманга тўсатдан ҳужум қилди. Али ибн Суруш бундан хабардор бўлиб, (Б. 112) тезда отга минди ва лашкарга курол бериб, пиёда аскарларни олдинга юборди. Уруш бошланиб кетди. Амир Исмоилнинг лашкари ҳар томондан ҳужум қиллар эди. Жанг қаттиқ бўлди. Муҳаммад ибн Али ибн (Д. 78б) Суруш¹⁶ чекинди, унинг ўзи ва Нишопурнинг машхур кишиларидан кўплари асир тушдилар. Иккинчи куни амир Исмоил Амр [ибн] Лайснинг [асир тушган] аскарларига озик-овқатлар бериб хурсанд қилди ва ҳаммасини Амр [ибн] Лайс ҳузурига қайтариб юборди. Шунда лашкарбошилар амир Исмоилга: «Булар бизга қарши уруш қилган эдилар, || сен уларни асир олганингдан кейин ҳаммаларига сапо (Л. 71a) кийгизиб қайтариб юборинг!», — дедилар. Ами Исмоил: «Бу бечоралардан нима талаб қиласиз? — қўйинг (П. 87) улар ўз юртига борсинлар, улар энди хеч качон сизга қарши урушга келмайдилар ва бошқаларнинг дилларини ҳам [урушдан] қайтарадилар», — деди.

Амир Исмоил орқага қайтди ва кўп кумуш, кийим-кечак, тилла ва курол-яроғлар [ўлжа қилиб] Бухорога келди.

Шундан кейи Амр [ибн] Лайс хафалик, ғамгинлик ва пушаймонликда бир йил Нишопурда бўлди; у: «Мен Али [ибн] Суруш а унинг ўғли учун қасос оламан»,— дер эди. Амир Исмоил Амр [ибн] Лайснинг уруш тадорикини кўраётганлигини эшишиб, аскарини (Д. 79а) йиғди, уларга озиқ-вқат бериб ҳар томондан душманга қараб юрди; [йиғилган аскарнинг] яроқлисига ҳам яроқсизига ҳам, тикувчи-ямоқчиларга ҳам озиқ-овқат берди. Бу ишдан халқ норози бўлиб: «Амир Исмоил шу лашкар билан Амр [ибн] Лайсга қарши уруш қилмоқчими?!» — дер эди. Бу хабар Амр [ин] Лайсга етиб, у хурсанд бўлди. [Амир Исмоил] Жайхун лабида эди, Мансур Қоратегин ва Порс Байкандий Хоразмдан Омуяга келдилар; Туркистон вилоят ва Фарғонадан ўттиз минг киши етиб келди. Йигирма бешинчи (Б. 113) зу-л-қаъдада¹⁷ [амир Исмоил] Мухаммад ибн Хорунни лашкарнинг бош қиси билан юборди ва иккинчи куни ўзи ҳам (Л. 71б) ўйлга чикиб, Жайхундан ўтди ва Омуяга ҳар жойдан аскар тўплади. Бухородан Хоразм шаҳрига кетдилар ва иккинчи душанба кунигача [урушга] хозирланиб бўлиб, у ердан Балхга қараб юзландилар.

Амр [ибн] Лайс шористон ҳисорини олди ва сипоҳлари билан шористон олдига келиб тушди; лашкар келтириди ва [шаҳар] атрофига хандақ қаздириб, ўради. Сипоҳ [شاҳарга] киргунича бир неча кун ўтди (Д. 79б). У шаҳар деворини мустаҳкам килди ва ўини шаҳардан қайтиб кетмокчидек қилиб кўрсатиб халқни севинтириди.

Амир Исмоил || Али ибн Аҳмадни Форёбга¹⁸ юбориб Ар [ибн] 106 Лайснинг иш бошида турган кишиларини ўлдиришга буюриди, улар буйрукни бажариб, кўп мол олиб келдилар. Исмоил ҳар тарафдан одамлар юборар, улар Амр [ибн] Лайс одамларини ўлдириб мол олиб келар эдилар.

- Амир Исмоил Балхнинг Алиобод [деган жойи] га келиб тushiб, уч кун ўша ерда турди. (Б. 114). Сўнгра у ердан лашкарини кўчирди ва ўзини намозгоҳга ғашмоқчидек қилиб кўрсатиб, унга бориладиган ўйлни кенайтириди. Амр [ибн] Лайс буни кўриб ўша томон дарвозаларини (П. 88) маҳкам килди ва ўша тарафга кўп лашкар кўйди; палақмон ва девор тешадиган қуролларни ўша томонга тўғрилатди. У намозгоҳ йўлига (Л. 72а) пистима тайёрлатиб, уни лашкар билан банд килди. Тонг отгач, Амири мозий [Исмоил] яна йўлни ўзгартириди в бошка йўл билан шаҳар дарвозасига қараб юриб «Пули Ато» — «Ато кўприги»га (Д. 80а) келиб тушди. Амр ибн Лайс бу ишдан таажжубда қолиб палақмонларни ўша томонга олишни лозим топди. Амир Исмоил уч кун у ерда турди. Унинг фармони билан шаҳарга сув юбрмай қўдилар, деворни никитиб, дарахтларни кесдилар ва йўлларни текисладилар¹⁹. Нихоят, сешанба куни эрталаб амир Исмоил озгина лашкар билан отга

миниб шаҳар дарвозасига борган эди, Амр ибн Лайс дарвозадан чикиб уруш бошлади. Жанг қаттиқ бўлди. Амр ибн Лайснинг лашкари енгилиб кочди. Амир Исмоилнинг лашкари уларнинг орқасидан изма-из кувлаб баъзиларини ўлдирава баъзиларини асир олар эди. Шундай килиб, Балхдан саккиз фарсанг йироқликдаги бир жойга етганларида икки хизматчи билан бирга амр [ибн] Лайсни кўрдилар, хизматчиларнинг бири кочди, бири эса Амр [ибн] Лайсга ёпишиди. Шундан кейин Амр [ибн] Лайсни тутиб олдилар. Ҳар ким: «Амр [ибн] Лайсни мен тутдим», — дер эди. Аммо Амр ибн Лайснинг ўзи эса: «Мени мана бу || ўз хизматим тутди», — деди. Амр [ибн] Лайс ўша хизматчисига, ҳар бири етмиш минг дирам қийматга эга бўлган ўн беш (Д. 80б) дона марварид берган экан, уларни ўша хизматчидан тортиб олдилар. (Л. 72б) Амр [ибн] Лайс чоршанба куни жумод ал-аввал ойининг ўнинчисида икки юз саксон саккизинчи йили (2 май 901)²⁰ асир олинди.

Амр [ибн] Лайсни амир Исмоил олдига олиб келганларида, у пиёда бўлиб юрмокчи эди, аммо Амири мозий бунга рухсат бермади ва: «Бугун сен билан шундай муомалада бўлайки, одамлар таажжбда колсинлар», — деди ва уни саропардага олиб киришга буюрди ва ўз биродарини уни кўруклаб туришга юборди. Тўрт кундан кейин Амр [ибн] Лайс амир [Исмоил]ни кўрди.

Амир Исмоилнинг буйруғи билан ундан қандай килиб асир тушиб қолганлиги ҳакида сўраган эдилар, у: «Чопиб кетаётган эдим, отим чарчаб қолди, отдан тушиб ухладим, уйғонганимда бошимда иккита кул турганини кўрдим, улардан бири камчин билан бурнимга туртди». Мен: «Бу кари кишидан нима (П. 89) истайсан», — дедим ва мени ҳалок қилмасликларини «утиниб сўрадим (Б. 115) Улар отларидан тушиб оёғимни ўпдилар (Д. 81а) ва зинхор [ўлдирмаймиз] дедилар. Ҳлардан бири мени отга миндириди. Одамлар йигилдилар ва мендан: «Ниманг бор?» — деб сўрадилар. Мен: «Ҳар бири етмиш минг дирам қийматида бир нечта марварид бор», — дедим ва узугимни бердим. Улар оёғимдан этигимни ечиб бир қанча қимматбаҳо гавҳарларни топиб олдилар. [Шу пайт] мени лашкар топди (J. 73а) ва Муҳаммадшоҳ одамларни мендан узоклатиб турган аснода узокдан амир Исмоилни кўриб отдан тушмокчи бўлган эдим, у ўз жони ва боши ҳурматини ўртага кўйиб: «Отдан тушма!» — деди; менинг кўнглим карор топди. У мени саропардага туширирди; Абу Юсуф мени билан бирга чодирда ўтириб мени кўриклаб турди; сув сўраган эдим менга гулоб бердилар ва менга хилма-хил || иззат-икромлар кўрсатдилар. Кейин амир Исмоил менинг олдимга криб меҳрибонлик кўрсатди ва сени ўлдирмайман деб аҳд килди ва мени кажавага ўтқизиб ҳурмат билан шаҳарга етказишга буюрди ва кечаси (Д. 81б) Самарқанд шаҳрига олиб кирдилар, бундан Самарқанд аҳолисидан хеч кимнинг хабари бўлмади. Амир Исмоил менинг узугимни уни тортиб олиб кўйган кишидан уч минг дирамга сотиб олиб

бахосини тўлади ва узукни менга юборди. Узукнинг кўзи қизил ёкут эди,— деди.

[Яна] Амр [ибн] Лайс: «Жанг куни менда кирқ минг дирам бор эди, уни уруш вактида мендан тортиб олдилар. Мен эллик фарсанг масофага чопиб бора оладиган ва ўзим кўп синаган бир от устида эдим ўша куни у шундай суст юрар эдики, (Б. 116) мен унинг устидан тушишни истар эдим. Отнинг оёқлари ариқка тушив кетди, (Л. 73б) мен отдан йикилдим ва ўзимдан ўмид уздим, халиги икки киши мени улдиришга қасд килган вакъларида ўзим билан бирга турган кишига: «Менинг отимга миниб қоч!» — дедим, у отга мишиб олди, карасам, от худди булатдек югуран эди. Мен тушундимки, ~~бу~~ (хаммаси) менинг давлатим кетганлигидан экан. Айб отда эмас экан,— деди.

Амр [ибн] Лайс амир Исмоилга қараб: «Мен Балхда ўн (Д. 82а) харвор олтин бекитганман, буюргин, уни олиб келсинлар, уларга эга бўлишга бугун сен сазоворороксан!» — деди. Амир (П. 90) Исмоил одам юбориб олтинларни олдириб келди ва хаммасини Амр ибн Лайсга юборди. Ҳар қанча илтимос килсала ҳам мархум амир Исмоил у олтинлардан ҳеч бир нарса олмади.

Амир ул-муъминнинг Амр ибн Лайсни ўзига юборилишини талаб килиб ёзган хати Самаркандга етиб келди; хатнинг бошланишига шундай ёзилган эди: «Абдуллоҳ ибн ал-Имом Абу-л-Аббос ал-Мұтазид биллоҳ Амирул мұъминниндан, Амир ул-муъминнинг ғуломи Абу Ибронхим || Исмоил ибн Ахмадга». Бу хат амир Исмоилга етгач, у Амр [ибн] 109 Лайсга ачиниб ғамгин бўлди, аммо халифа фармонини қайтара олмади. Ниҳоят унинг буйруғи билан Амр [ибн] Лайсни кажавага ўтқизиб Бухорога олиб келдилар. Амир Исмоил уялганидан юзини унга кўрсатмади ва: «Бирон ҳожатинг бўлса (Л. 74а) сўра», — деб одам юборди. Амр [ибн] Лайс: «Менинг болаларимни яхши кутсинлар ҳамда бу мени олиб кетаётган кишиларга насиҳат килгин токи улар менга нисбатан яхши муомалада бўлсинлар», — деб жавоб қайтарди. Амир Исмоил шундай (Д. 82б) килди ва уни кажавага ўтиргизиб Бағдодга юборди. Амр ибн] Лайс Бағдодга етгач, халифа уни Софий ходимга топширди ва у Мұтазид халифалигининг охиригача (Б. 117) шу Софий ходим кўлида асирикда турди ҳамда икки йил зинданда бўлгандан кейин, икки юз саксон тўққизинчи йилда (16 декабрь 901—4 декабрь 902) ўлдирилди.

Амир Исмоил Амр [ибн] Лайсни халифанинг олдига юборгандан кейин халифа амир Исмоилни Хурсон амири килиб фармон юборди — Хулвон довонидан бошлаб Хурсон вилояти, Мовароуннаҳр, Туркистон, Синд, Ҳинд ва Гургонлар хаммаси уники бўлди. У ҳар бир шахарга биттадан амир тайин қилди, адолат ва яхши ахлоқ билан иш тутди, кимки фуқарога зулм килса унга жазо берди. У зоҳид бўла туриб шундай сиёсатли эдики, сомонийлар сулоласидан ҳеч ким ундан сиёсатли рок бўлмаган. У давлат ишида ҳеч бепарволик қилмас, ҳамиша хали-

фага бўйсунар ва умрида ҳеч маҳал халифага итоатсизлик килмай, унинг фармонини (Д. 83а) маҳкам тутар эди.

Амир Исмоил бемор бўлиб бир қанча вакт ётди. (Л. 74б) Унинг қасаллиги қўпроқ рутубатдан эди. Табиблар: «Жўйи мулиённинг ҳавоси хушрок»,²¹ — дедилар. Уни ўзининг ҳос мулкидан бўлған Зармон қишлоғига оиб бордилар: «Бу ернинг ҳавоси унга мувофиқроқ келади»,— дедилар. Амир бу қишлоғни яхши кўрар || ва ов қилиш учун ҳамма вакт ўша ерга борар эди; у ерга боғ курган эди. Бир муддат у ерда (П. 91) бемор ётиб, охии икки юз тўқсон бешинчи йили сафар ойининг ўн бешинчисида (25 ноябрь 907) худди шу боғда катта бир дараҳт тагида вафот этди. У йигирма йил Хуросон амири бўлди. Ҳукмдорлик муддати ўттиз йил эди. Худойи таоло уни раҳмат (Б. 118) килсин, негаки унинг даврида Бухоро пойтаҳт бўлди, сомонийлар сулоласидан чиққан ҳамма амирлар Бухорода турадиган бўлдилар. Ундан олдинги Хуросон амирларининг ҳеч бири Бухорода турган эмас. У Бухорда тuriшни ўзи учун муборак (Д. 83б) деб ҳисоблар, унинг кўнгли Бухородан бошқа ҳеч бир ерда ором топмас ва у қаерда бўлмисин: «Бизнинг шақар, яъни Бухоро, ана бундай, ана шундай»,— дер эди.

Амир Исмоил вафот этгандан кейин ўрнига ўғли ўтириди. Унга «Амири мозий» — «Дунёдан ўтган амир» деган лақабни бердилар.

XXXI АМИРИ ШАҲИД АҲМАД ИБН ИСМОИЛ /597-112 АС-СОМОНИЙНИНГ ҲУКМДОРЛИГИ/ (Л. 75а)

У Хуросонамири бўлди. Уни Амири шахид дейдилар. У ўз отасининг йўлидан юриб адолат кўрсатар ва барча фукарога бутунлай инсоф юзасидан қаарар эди. Фукаро роҳат ва осойишталиқда яшадилар. Амири шахид у ер [Бухоро]дан Хуросонга бориб ўз мамлакатини кўздан кечирди ва Сенстонни олди. Амири мозий даврида Сенстон унинг номида эди. У ердан Бухорога келди. У ов қилишни яхши кўради. У овдан қайтиб [саропардага] келганида бир чопар Табаристон амири Абу-л-Аббосдан ҳат олиб келди. Амири шахид ҳатни ўқиди; ҳатда: «Хусайн ибн Ало хуруж қилиб Гургон ва табаристон вилоятларининг кўп ерларини олди, менинг || (Д. 84а) зарурат юзасидан қочишим керак бўлиб олди»,— деб ёзилган эди. Бундан амир дилтанг бўлиб жуда ғамгинликка тушди (Б. 119) ва: «Эй худо! Агар бу подшоҳлик мендан кетадиган бўлса, менинг ажалимни бер!» — деб дуо килди-да, саропардага кирди.

Амири шахиднинг шундай одати бор эди; унинг бир шери (П. 92) бўлиб, ҳар кеча амир ётадиган уй эшигига ўша шерни занжир билан боғлаб кўяр, эдилар, ким у уйга кирмокчи бўлса, шер уни ҳалок қиласи эди. Ўша кέча амир ғамгин бўлганидан унинг ҳамма ҳос қишилари

(Л. 75б) ҳам у билан машғул бўлиб, шерни олиб келишни унугиб қўйдилар. Амир ухлаб ётганида унинг қулларидан бир тўдаси кириб бошини олдилар. [Бу вожеа] хижратдан уч юз биринчи йил жумод ал-охир ойининг ўн биринчисида (12 январь 914) пайшанба куни [бўлган эди]. Уни Бухорога олиб келиб Навканда кабристонига қўйдил ва унга «Амири шаҳид» деб лақаб бердилар. «Бу ишни Абу-л-Ҳасағи башкарсан», — деб унга тухмат қилдилар ва уни Бухорога олиб келиб дорга осдилар. Амирга сунқасд қилган қуллардан баъзиларини топиб ўлдирдилар, (Д. 84б) баъзилари Туркистонга қочди.

Унинг подшохлик муддати олти йилу тўрт ой ва беш кун бўлди.

XXXII АМИРИ САҶИД АБУ-Л-ҲАСАН НАСР ИБН АҲМАД ИБН ИСМОИЛ АС-СОМОНИЙ ҲЎҚМДОРЛИГИ¹

Амири шаҳидни дағн этиб бўлгач, унинг ўғли Насрға «Саъид» — «Саодатлик» лақабини бердилар. У саккиз ёшда* эканлигига отасининг ўрнига подшоҳ қилдилар². Унга вазирлик [иши]ни Абу Абдуллоҳ Мұҳаммад ибн Аҳмад ал-Жайхоний олди. Ҳамавия ибн Али сипоҳсолор бўлди. Уни «Бутун Ҳуросон ғаси» деб атар эдилар.

Дастлаб Амири саъид бўш иш олиб борганлигидан ҳар ерда фитна пайдо бўлди, унинг отасининг амакиси Исҳок ибн (Б. 120) Аҳмад Самарқандда ўзига байъат қилишни талаб этиди || ва Самарқанд ахолиси (Л. 76а) унга бўйсундилар. Унинг ўғли Абу Солих Мансур ибн Исҳок Нишопурда исён кўтариб, Ҳуросон шаҳарларидан баъзисини олди. Самарқандда Исҳок ибн Аҳмад ҳўқмдорлиги кучайди ва Амири саъид ўз сипоҳсолори Ҳамавия ибн Алини унга қарши урушга юборди. (Д. 85а) Исҳок мағлубиятга учраб, лашкари Самарқандга (П. 93) қайтиб кирди. Исҳок иккичи марта урушга ростланди ва Самарқанд ахолиси у билан бирга шаҳардан ташкарига чиқиб, Ҳамавияга қарши урушдилар ва мағлуб бўлдилар. Исҳок ибн Аҳмад учинчи марта урушга чиқкан эди бу гал у асир тушди. Унинг ўғли Мансур ибн Исҳок Нишопурда эди у ўлди; бутун Ҳуросон ва Мовароуннаҳр факат Амири саъидга ўтди; Форс, Қермон, Табаристон, Гургон ва Йрокда унинг номига хутба ўқидилар.

112

Хикоят. Амири саъид ўн учинчи йили³ Бухорога ўзининг якин кишиларидан бири Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Яҳё ибн Асад ас-Сомоний номли кишини халифа килиб колдириб, ўзи Бухородан Нишопурга кетди.

Ўша йили «Гардун қашон» маҳалласига ўт тушди. Ўт шундай зўрайдик, Самарқанддаги одамлар бу оловни кўриб турдилар. Бухороликлар: «Бу олов осмондан келди», — дер эдилар. Ўтни ўчириш мумкин бўлмай бу маҳалла (Л. 76б) бутунлай куйди.

Шу орада (Д. 85б) Амири саъиднинг бошқа биродарлари хуруж

килдилар ва күп фитналар құзғотдилар. Охири фитнаниң асосчысы бўлган Абу Закариә, ҳеч нарсани қўлга киргиза олмай, озгина одам билан Хуросонга кетди. Амири саъиднинг бошқа биродарлари омонлик тиладилар. (Б. 121) Амири саъид уларга омонлик бериб, олдига ча-
113 кириб олди ва шу билан фитна тинчиdi. ||

Хикоят. Яна Амири саъид Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил даврида уч юз йигирма бешинчи йил ражаб ойида (май-июль 937) Бухорога ўт тушиб ҳамма бозорлар куйди. Ўт бир ҳалимпазнинг дўконидан бошланган. У дўкон Самарқанд дарвозасида бўлиб, ҳалимпаз ҳалим козони тагидаги кулни томга олиб чиқиб, тод чукурлик бор экан, уни тўлғизмокчи бўлган, кул орасида бир бўлак чўғ бор экан, ҳалимпаз уни сезмаган ва шамол чўғни олиб бориб қамишдан ясалган бир уйга урган. У уйни ўт олиб, ундан ҳамма бозорларга ўт кетган ва Самарқанд дарвоза маҳаллси буткул куйган. Олов осмонда Д. 86а) булатдек сузиб юрган. «Кўйи бикор» — «Қизлар кўчаси», бозорнинг тимчалари, Мадасайи Форжак, ковушдўзлар тими, саррофлар ва боззозлар бозори, [хулласи] Бухоронинг (Л. 77а) ана шу томонида то анҳор лабига боргунча нимаики бўлса ҳаммаси куйган. (П. 94). Бир парча олов сачраб Масжиди Мөхни ўт олди ва у [ҳам] тамоман ёниб кетди. Олов икки кеча-кундуз ёниб, бухороликлар уни ўчиришдан ожиз қолдилар, кўп машаккат чекдилар ва ниҳоят, учинчи куни ўчиридилар. У ёғочлар тупрок тагида бир ойгача куйиб турди. Бухороликларга юз минг дирамдан ортиқ зиён етди. Шундан кейин Бухоро иморатларини ҳеч қачон у [илгаригисидек] қилиб кура олмадилар.

Амр саъид ўтти бр йил подшоҳлик килди. У адолатли подшоҳ бўлиб, отасидан ҳам олдилроқ эди. Унинг яхши сифатлари кўп; агар ҳам масини айтсак гап узайиб кетади.

У дунёдан ўтгач, ўғли Нуҳ ибн Наср подшоҳлин [тахтига] ўтириди.

XXXIII АМИРИ ҲАМИД АБУ МУҲАММАД НУҲ ИБН НАСР ИБН (Д. 866) АҲМАД ИБН ИСМОИЛ АС-СОМОНИЙ¹ (Б. 122)

114 Амири ҳамид уч юз ўттиз биринчи йили шаъбон ойининг аввалида (10 апрель 943) подшоҳлик тахтига ўтириди || ва Абу Зар унга вазир бўлди. У уоро қозиси эди. Унинг замонида фикҳ илмини ундан кўра биладиганроқ киши бўлмаган. «Муҳтасари Қўғий» унинг асаридир².

Амири саъид вафот этгач, [подшоҳликни талаб этувчилардан] ҳар бир киши бир жойда қарор топти. Амири ҳамид Бухородан чиқиб Нишопурга (Л. 77б) кетди. Абу Али Исфаҳоний³ Нишопур амири эди. Амири ҳамид [лашкар] юбориб уни қўлга олдириди; ўзига қарши кишиларни тарқатиб юбориб вилоятларни тозалади; Нишопурни Иброҳим Симжурга берди⁴. Абу Али Исфаҳоний ўзича: «Мен унинг подшоҳлигини баркарор килдим, у эса вилоятни бошқа кишига берд», — деб ўйлади

ва Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Аҳмад ибн Исмоил ас-Сомонийга: «Бухорога бориб подшоҳликни ол! Мен сен билан бўлсан амир сенга карши турга олмайди», — деди. Абу Исҳоқ лашкар тортиб Амири ҳамидга каршилик (Д. 87а) ошкор килди. Амири ҳамид Нишопурдан қайтаётганида Абу Исҳоқ унга ҳужум қилди. (П. 95) Улар ўртасида жанг бўлди ва Амири ҳамиденгилиб БУХОРОГА КЕЛДИ⁷ Унинг кетидан амакиси Абу Исҳоқ ҳам Бухорога келди ва уч юз ўттиз бешинчи йил жумод ал-охир ойида (январь 947) бутун Бухоро аҳолиси унга байъат килдилар. Бухоронинг ҳамма минбарларида Абу Исҳоқ номига хутба ўқидилар. Бироз вакт ўтгандан кейин Абу Исҳоқ ўз лашкари унинг ўзига карши ёмон ниятда эканини, уни ўлдиришга қасд килганини (Б. 123) ва Амири ҳамидга садоқт билдирганини билиб қолди ва Бухородан қайтиб Чагониёнга кетди. Амири ҳамид (Л. 78а) сипоҳсолорликни Маңсур Қаротегинга берди ва уни Марвга юборди. Мансур Қаротегин Али ибн Муҳаммад ал-Қазванийни ушлаб асир қилиб Бухорога юборди ва у [Марвдаги] кўзғолонни бостирди. Амири ҳамид ўз подшоҳлиги даврида подшоҳликни талаб этувчи ҳар хил кишилар билан кўп урушлар килишга тўғри келди. Уч юз кирк биринчи йилга (23 май 952—17 май 953) келибгина ҳамма вилоятлар (Д. 87б) || Амири ҳамидга тўла бўй-
сунди.

Амири Ҳамид уч юз кирк учинчи йил раби ал-охир ойида (август 954) вафот этди. У ўн икки йил подшоҳлик килди.

Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Насрнинг айтишича, Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий бу китобни Амири ҳамид подшоҳлиги даврининг бошида уч юз ўттиз иккинчи йили (4 сентябрь 943—23 август 944) унинг номига атаб ёзган ва Амири ҳамид даврида юз берган во-кеаларни ўз китобида тўла келтирмаган. Амири ҳамиддан кейинги сомонийлар [сулоласи] амирларининг ахволларидан бизга маълум бўлгани, оллоҳ таоло муваффакият берса, *мана шу [куйидагича] дир⁵.

XXXIV *АМИРИ РАШИД АБУ-Л-ФАБОРИС АБДУЛМАЛИК ИБН НУҲ ИБН НАСР ИБН АҲМАД ИБН ИСМОИЛ АС-СОМОНИЙНИНГ ПОДШОҲЛИГИ¹

Амири ҳамид дунёдан ўтгач, Амири рашидга байъат этдилар. У ўн ёшида (П. 96) подшоҳликка ўтириди. Амири ҳамидинг вафот этганилиги хабари (Л. 78б) вилоятларга етгач, ҳар ким бир вилоятга эга бўлишни тайма қилди. [Амири рашид] Ҳашъас ибн Муҳаммад ибн Муҳаммадни Хуросонга (Д. 88а) юборган эди, унга Ҳирот ва Исфаҳонда (Б. 124) кўп жанглар килишга тўғри келди ва вилоятларни бўйсундирди. У ҳали шу иш билан машғул бўлиб, жанг қилаётган эдики, Амири рашид отдан йикилди ва шу кечасиёқ вафот этди. У кеча чоршанба кечаси

бўлиб, уч юз эллигинчи йил шаввол ойидан саккиз кун ўтган (20 ноябрь – 961) эди. Унинг подшоҳлик муддати етти йил бўлди. Уни дағн қилгандаридан кейин лашкар исён қилиб қўзғолон кўтарди, ҳар ким подшоҳликни тама қилиб, ғалаёнлар юз берди.

XXXV МАЛИКИ МУЗАФФАР АБУ СОЛИХ МАНСУР ИБН НАСР ИБН АҲМАД ИБН ИСМОИЛ АС-САМОНИЙНИНГ ПОДШОҲЛИГИ¹

116 Амири садид подшоҳлик таҳтига ўтиргач, лашкар унга байъат қилди: кўп қарама-қаршиликлардан кейин иттифоқлик вужудга || келди. Унга байъат килинган кун жума куни, уч юз эллигинчи йил шаввол ойида (ноябрь-декабрь 961) рэди. [Шу вактда] сипоҳсолор Алптегин Нишопурда эди, Амири рашиднинг вафоти хабарини (Д. 88б) эшигчач, у Амири садидни кўлга олишга қасд қилди. Амири садид унга [қарши] одам юборди. Алптегин Жайхун дарёсига етиб келиб, ундан ўтишини мўлжаллаган эди, (Л. 79а) аммо [унга қарши] кўп лашкар келганлиги туфайли ўта олмади. У ўз вилояти Нишопурга кайтмоқчи бўлди. [Аммо] Амири садид Нишопурга, Мухаммад ибн Аабдуразоқка: «Уни Нишопурга киришга кўйманглар!» — деб хат ёзди. Алптегин бундан хабардор бўлгач, Нишопурга бора олмаслигини билиб, Жайхун суви ҳамда Омуйдан ўтиб, Балхга борди ва Балхни олиб қаршилик зохир қилди. (П. 97)

Амири садид Ашъас ибн Мухаммадни юборди, у Алптегинга қарши кўп уруш қилиб охир уни Балхдан чиқарди. Алптегин Фазнага кетди, Ашъас ибн Мухаммад ҳам унинг кетидан Фазнага борди, у ерда ҳам уруш қилдилар. Алптегин иккинчи марта Ашъасдан енгилиб қайтиб Балхга караб кочди. Кўп қарама-қаршилик ва урушлардан кейин Амири (Д. 89а) садид унга яна омонлик берди ва у хизматга келди. Шу вактларда Амири садид вилоятларга кўп лашкар юбориб мамлакатни [душманлардан] тозалади; виоятда [таҳт учун] низо килувчи киши колмади. Амири садид дайламийлар вилоятини олиб сулҳ тузди: дайламийлар ҳар йили Амири садидга бир юз эллик минг нишопур дирами тўлайдиган бўлдилар.

117 Амири садид уч юз олтмиш бешинчи йили ўн олтинчи мухаррамда (25 сентябрь 975) яқшанба куни дунёдан ўтди. (Б. 125) У ўн беш йилу беш ой подшоҳлик қилди. Яна худо билимдоирок². ||

XXXVI АМИРИ РАШИД АБУ-Л-ҚОСИМ НУҲ ИБН МАНСУР ИБН НУҲ ИБН НАСР ИБН АҲМАД ИБН ИСМОИЛ АС-СОМО- НИЙНИНГ ПОДШОҲЛИГИ¹

Амири садид яқшанба куни дунёдан ўтгач, душанба куни ўғли таҳтга ўтири ва унга байъат қилдилар. Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Аҳмад ал-Жайхоний унга вазир бўлди. [Лекин] бир неча кун вазирлик

килгач, карилиги сабабли вазирликдан истеъфо берди. Ундан кейин икки-уч кун ўтгач, охири, амир Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Азиз вазир бўлди ва давлат иши равнақ топди. Лашкар сипоҳсолори бўлиб турган Абу-л-Аббос Тош бўшатилиб Абу-л-Ҳасан Муҳаммад ибн Иброҳим сипоҳсолор бўлди. Абу-л-Аббос Тош қаршилик билдириб Нишопурни олди. Абу-л-Ҳасан, унинг ўғли Абу Али ва Абу-л-Ҳасан ал-Фойик ал-Хоссалар Нишопурга бориб, уч юз етмиш еттинчи йили (3 май 987—20 апрель 988) уни мағлуб қилдилар. Абу-л-Аббос Нишопурдан кочиб Гургонга борди. Али ибн Ҳасан унга ёр бўлиб. Гургонга киритди.

Сипоҳсолор Абу-л-Ҳасан Муҳаммад ибн Иброҳим зу-л-қаъда ойининг охирида уч юз етмиш саккизинчи йили (11 март 989) дунёдан ўтди ва унинг ўғли [Абу Али] сипоҳсолор бўлди. Кейин Амири рашид уни ёмон кўриб қолиб бекор қилди ва Абу-л-Ҳасан ал-Фойик ал-Хосса сипоҳсолор бўлди ҳамда Ҳарийга бориб у билан жанг қилди, аммо ундан [енгилиб] қочди ва хижратнинг уч юз етмиш саккизинчи йили зу-л-хижжа ойида (март-апрель 989) Марвга борди.

Ундан кейин Абу-л-Ҳорис Мансур ибн Нух бир йилу тўққиз ой волий бўлди, бектузийлар уни Сарабхсада банд қилдилар². Шу билан подшоҳлик сомонийлар сулоласи қўлидан чиқиб кетди. Яна оллоҳ билимдонроқдир.

ИЗОХЛАР

I

¹ «Ал-Кубовий» деган нисбадан «Бухоро тарихи»нинг арабчадан тожик-форс тилига таржимони хозирги Кува шаҳаридан бўлганилиги англашилади.

² Ҳадис — луғавий маъноси: ҳабар, сўз ва бирор янги нарса: Диний адабиётда эса пайғамбарниң сўз ва ишлари, тўғрироғи пайғамбарга нисбат бериладиган сўз ва ишлар тушиналади.

³ Амири ҳамид Абу Мухаммад Нух... — Сомонийлар сулоласидан, ҳукмдорлик йиллари: 943-954. У ҳакда «Бухоро тарихи»нинг XXXIII бобида тўла маълумот келтирилган.

⁴ Д ва Б нусхаларида бунинг ўрнида: «Бирор маслаҳатга тўғри келмайдиган».

⁵ Аслида диний жамоалар ва руҳбонийларниң олий раҳбарлик лавозимларини эгаллаб келган садрлар XII асрда Бухорода феодал давлат устидан ҳукмронликини ҳам ўз кўлларига олганликлари (бу ҳакда тўларок каранг: «Ўзбекистон ССР тарихи», I том, I-китоб, Тошкент, 1956, 298-299-бетлар) назарга олинса, Абдулазиз садрга берилган мазкур юксак сифатлар боиси ойдинлашади.

II

¹ Себавайҳ.. ан-Наҳвий — охирги сўз «грамматика фани олим» деган маънони англатади. Бирок бу фан тарихида Себавайҳ ибн Абдулазиз ал-Бухорий эмас, Абу Бишр Омир ибн Усмон Себавайҳий машҳурдир. У асли басралиқ бўлиб, VIII аср охирида вафот этган. Д ва Л нусхаларида «ан-Наҳвий» сўзи келтирилган эмас.

² Бу тўғонлар — текстда : **أين مرغات** («ин»—«бу») кўрсаткич олмошини назарга олганда 828 йил атробида Саъид ибн Халоф ал-Балхий ташаббуси билан қурилган тўғонлар Наршахий ўз асарини ёзаётган вақтда (943—944), балки таржимон Аҳмад ибн Мұхаммад (1128) ёки қисқартувчи Мұхаммад ибн Зуфар (1178) даврида ҳам мавжуд эканлиги англашилади.

³ Аҳмад ибн Исмоил... — Сомонийлар сулоласидан, ҳукмдорлик йиллари: 907-914. У ҳакда «Бухоро тарихи»нинг охириги бобларида бирида (XXXI) тўларок ёзилган.

⁴ Зоҳид — молу дунёга рағбат ва хоҳиши бўлмаган, тарки дунё килган киши.

⁵ Факиҳ — шариат илмини, шарият ҳукмларини яхши билувчи киши.

⁶ Имом Шофеин — ислом динидаги машҳур тўрт сунъий мазҳабдан бири — «Шофеин мазҳабиzinинг асосчиси; 767 йилда туғилиб, 819 йилда вафот этган.

⁷ Абу-л-Фазл... ас-Суламийнинг 943-945 йилларда ҳукмронлик килган Нұх ибн Наср Сомонийга вазир бўлганилиги ҳакида «Бухоро тарихи»нинг кейинги саҳифаларида айтилган (XXXIII боб). Факат бу ердаги Абу-л-Фазл ўрнида у бобда Абу Зар деб янгиш ёзилган. Абу-л-Фазл вазирлик лавозимида эканлигида, 946 йили, маоши вактидан кечиктирилган аскарлар томонидан катал килинган.

⁸ Фасл — Д, Л ва Б нусхаларида бунинг ўрнида: «шундай дейдиларки».

⁹ Абу-л-Хасан Абдуррахмон (ибн) Муҳаммад ан-Нишопурийнинг «Ҳазонн улум» китоби бизгача етиб келган-кемаганилиги манбашунослик фанида хозирча маълум эмас.

¹⁰ Д, Л ва Б нусхаларда кўшилган: «катта бир анхордек».

¹¹ Руди Мосаф — хозирги Зарафшон Дарёси кўзда тутилади.

¹² Битик — Чоржўй рўбарўсида Амударё бўйида жойлашган кишлок.

¹³ Фараб — текстда **فر بىر** — араб географлари уни **Фарабр** (ёки Фирабр)

шаклида ҳам ёзгандар, бу кишлок Чоржўй рўбарўсида Амударё бўйида Битикка яқин жойлашган ва «Работи Тохир ибн Али» деб машхур бўлган. У ҳакда «Бухоро тарихи» нинг ўзига ҳам каралсин (Т. 23).

¹⁴ Аброй — текстда **ابروى**; Л нусхасида ҳаракат белгилари билан **أَبْرُو** (Абра-

¹⁵ вий), Б да эса **ابروى** (Абравай) ёзилган. Узбекистон ССР тарихи (I том, I-китоб, 137-бет) да бу шахс ҳакида айтилган сўзлар мазмунича, у VI асрнинг 80-йиллари атрофида Бухорода ҳукмронлик қилиган.

¹⁶ Нур — Самарқанд вилоятидаги ҳозирги Нурота (IV бобга ҳам каралсин).

¹⁷ Харконруд — Зарафшон дарёсидан чиқарилган. Шопурком ва Фиждувон районларини сугурувчи қадимий каналлардан бири. Бу ерда шундай номли канал бўйида жойлашган, Бухоро кишлокларидан бирин бўлган Кармина яқинидаги Харқона назарда тутилиши керак.

¹⁸ Вардона — бу кишлок «Курғони Вардонзе» номи билан ҳозир ҳам мавжуд. Ҳозирги Шопурком районининг Хўжа Ғулом тепа кишлоги яқинидаги улкан тепалик.

¹⁹ Таровча — Бухоронинг жануб-гарбida жойлашган Тороб кишлогининг кичрайтирма аталиши.

²⁰ Сафна (**سفنه**) ва Ислона (**إِسْلَوَنَه**) — Д ва Л да ҳаракат белгилари билан «Айсувона» — кишлоклари каерда бўлғанилиги ҳозиргача аниқланган эмас.

²¹ Байканд (Пойканд) — Бу кишлок ҳакида сўнгрок «Бухоро тарихи»нинг ўзида IV бобда (Т. 21) сўзланади. Ўнинг вайроналари Бухородан жануби-гарбда, Коракўл районидаги Октябрь жамоа хўжалиги худудида, Яққатут темир йўл станцияси ёнида сакланиб колган.

²² Қалъайи Дабусий — Л да ҳаракат белгиси билан **ذِيْبُوسِي** (дайбусий) ёзилган. Узбекистонда, ҳозирги Зиёуддин темир йўл станцияси ёнида жойлашган.

²³ Дехконлар — бу ерда ва умуман «Бухоро тарихи»нинг кўп жойида бу сўз-йирик ер эгалари, наслдор зодагонлар маъносида ишлатилади.

²⁴ Тароз — ҳозирги Жамбул (Авлиёота) шахари.

²⁵ Турклар подшохи — Д ва Б да: «Туркистон подшохи».

²⁶ Карожурин турк — Т текстида **قراجورين** Д ва Л да бунинг ўрнида Фарохурин, Узбекистон ССР тарихи (I том, I-китоб, Тошкент, 1956, 137-бет) да Карожурин Абройни 585 или маглубиятга урчатганилиги сўзланади.

²⁷ Даромадли ерлар — текстда: **ضياع** Бундан кейин учрайдиган «Даромадли ерлар» деб таржима килинган сўзлар асосида шу термин ётади.

²⁸ Кадиварлар (**كَدِيرَان**) — Араблар истилоси олдидан Ўрта Осиёда илк феодал жамиятининг ташкил топа бошлаган даврида эркин дехконлар табақаси билан бир қаторда пайдо бўлган, аммо эркин дехкондан фарқли ўларок, иктисадий жиҳатдан

бой табақаларга бутунлай қарам бўлган кишилар. (Бу ҳакда Ўзбекистон ССР тарихи, 1 том, 1-китоб, Тошкент, 1956, 140-бетга қаралсин).

²⁸ Шахристон (Шористон шаклида ҳам ёзилган) — шаҳарнинг мудофаа девори билан ўралган асосий кисми.

²⁹ Мамостин — Т текстида **ماسنی** (Мостий), Л да **مسنی** (Мамостий). Бухоро шаҳарининг гарбида жойлашган кишлолок.

³⁰ Сакматин — кейинрок Сумитон деб аталган. Бу кишлолок Шахарруд каналининг бўйида, Бухоро ёнида жойлашган. Ҳозир ՚а Чорбакр деб аталади (Ўзбекистон ССР тарихи, 1 том, 1-китоб, Тошкент, 1956; 499-бет).

³¹ Искажжат — Бухоро яқинидаги катта кишлолокнинг номи. У ҳакда тўларок к. IV боб (Т 14).

³² Шарғ кишлоги ҳакида ҳам к. IV-боб (Т 16).

³³ Ромтин — Л да Ромитан шаклида ёзилган, бу кишлолок ҳакида ҳам к. IV боб (Т 19).

³⁴ Фараҳшай — Л, Д ва Б ларда **ورخشی** Вараҳшай; к. IV боб (Т. 20).

³⁵ Абу Бакр Сиддикнинг халифалиги даври: 632–634 йиллар.

³⁶ Муовиянинг даври — бу ерда текстда хатолик бўлса керак, Муовиянинг халифалик килган даври 661–680 йиллар, Кутайба ибн Муслимнинг Хуросонга амир бўлиб Бухорога юришлари 694–714 йиллар орасида содир бўлган.

³⁷ Бу воқеалар «Бухоро тарихининг кейинги бобида (III) тўларок ёритилган.

³⁸ Наср (ибн) Сайёрнинг Хуросонда амирлик йиллари: 738–748 (у ҳакда тўларок к. XXV боб).

³⁹ Суқон ибн Тағшода етти йил подшохлик килди — барча нусхаларда буни Тағшоданинг «биродари» дейилган. Лиқошин Тағшодаларни иккита деб ҳисоблаб, бирини ўттиз икки йил ҳукмронлик килган, иккичинин Кутайба ибн Муслим ўлгандан кейин ўн йил ҳукмронлик килган, деб ажратади. Аммо кейинроқ бу воқеалар тўларок баён қилинган ерда (Т 10), битта Тағшоданинг ўзи Кутайба ибн Муслим даврида, сўнг Наср ибн Сайёр даврида жами 32 йил ҳукмронлик килганиниг айтилган. Суқон ибн Тағшодага келсак, мазкур Т 10-бетда Тағшодадан кейин бевосита таҳтга ўтирган подшоҳ Кутайба ибн Тағшода бўлган. Шунга кўра, Суқон ибн Тағшоданинг «Тағшоданинг биродари» демай, Тағшода ўғли Кутайба десак тўғрирок бўлар.

⁴⁰ Бунёт ибн Тағшода етти йил ҳукмронлик килди — юкорида айтганимизга асосан (к. 39-изоҳ) бу Кутайба ибн Тағшоданинг биродари дейилса тўғрирок бўлар.

⁴¹ Бу абзацда келтирилган текст нусхаларнинг барчасида ҳам, таржимадан англшилиб турганидек, чалкаштириб юборилган. Кейинги сарлавҳалар текстидан равшанлашади.

⁴² Амир Исмонӣ Сомоний даври, яъни 892—907 йиллар, у ҳакда батафсил XXIX бобда сўзланган.

III

¹ Бидун Бухорхудот — 680 йили Муслим ибн Зиёд томонидан ўлдирилган. Бу ҳакда тўларок кейинги сахифаларда сўзланади (к. XVIII боб).

² Хотиннинг Бухорода ҳукмронлик килган йиллари: 680—695.

³ Мол — ҳар ҳил маънода ишлатиладиган термин: «Бухоро тарихи»да кўпинчча пул, мол-мулк мазмунини англатсанда ҳам, асосан хирож, жон пули маъносида ҳам келади.

⁴ Хожа саролар, яъни бичилган куллар — текстда: **خواجہ سرایان یعنی خصیان** «Хожа сароён, яъни хусён».

⁵ Кутайбага у билан... қўлинин қисқартириди — Бу жумлалардаги мазмун такрорланиши асарнинг барча нусхаларида ҳам бор.

⁶ Тағшода ўлгандан кейин унинг ўғли Кутайба таҳтга ўтири (к. II, 39—40 изохлар).

⁷ Алоқа [ҳат-хабар] ишлари бошлиғи — текстда: **صاحب بري** (сохиби барид).

⁸ Муқанна қўзғолони ҳақида «Бухоро тарихи»нинг кейинги сахифаларида тўла маълумот берилади (к. XXVII боб). Аббосийлар халифаларидан бўлган Махдийнинг халифалик йиллари: 775—785.

⁹ Даромадли ва ғаллакорлик ерлар — текстда:

¹⁰ Иброҳим — «Тарихи Бухоро»нинг Фрай фойдаланган бир нусхасида (American Oriental Society) Абу Иброҳим ёзилган экан; «Абу Иброҳим» И smoил Сомонийнинг куняси. Шунга кўра, Лиқошин ўз таржимасига берган изоҳида гумон билан киритган тузиатиши (<вероятно И smoил>) тўғри бўлиб чикади.

¹¹ Наср — И smoил Сомонийнинг акаси, Самарканда ҳукмронлик қилган; вафоти йили 892. Бу икки ҳукмдорнинг ўзаро таҳт учун курашлари «Бухоро тарихи»нинг кейинги сахифаларида ёритилади (к. XXX боб).

¹² Амир ул-муъминин Муктадир — Аббосийлар халифаларидан, 908—932 йилларда халифалик қилган.

¹³ Ҳосил ва галлалар — текстда: **أ، تفاعلات و غلات** — иртифоот ва ғаллот.

¹⁴ Соқчилар бошлиғи — текстда: **صاحب شرط** сохиби шурат.

¹⁵ Султонлик мулки — текстда: **ملك سلطانی** баъзи нусхаларда **سلطانی**; ҳар иккиси ҳам бир маънода: давлат ер-мулклари, ҳазинага карашли ерлар.

¹⁶ «Байт ул-мол мулки»нинг мазмуни умуман: ғанийматга олинган моллар ва эгалари вафот қилгандан кейин давлат ихтиёрига олинган моллар сақланадиган жой (уй) ва, яна, барча мусулмонларнинг ҳаққи бўлган мол; бу ерда «султонлик мулки» (к. изоҳ № 15) билан бир маънода келган.

¹⁷ Ориз (**عارض**) — аскарлар ва мансабдорларга маош улашиш ишларини бошқариш лавозимидағи киши, ҳазиначи маъносида ҳам тӯшуниш мумкин.

¹⁸ Севанж — бу кишлек номи юкорида ўтган И свонанинг бир хил ёзилиши деб гумон килинса-да, лекин каерда бўлганлиги анниланмаган.

IV

¹ Жайхун дарёси — ўрта асрларда Амударё шу ном билан машхур эди.

² Фарсанг (ёки фарсанх) — бир фарсанг таҳминан 7—8 км.

³ Тобеинлар — Муҳаммад пайғамбарни ўз кўзи билан кўрган (саҳоба)ларни кўрган кишилар.

⁴ Тавоис — жойлашган ери Бухородан Самарканга олиб борадиган катта йўл устида бўлганлиги кейинроқ айтилган (к. шу боб, Т 14); ёзилни нусхаларда «Тавоис» ва «Тавоиса» шаклида учраса ҳам, аммо тўғриси ва тарихий адабиётда кўпроқ учрайдигани «Тавоис»дир.

⁵ Аркуд — Б нусхасида бундан кейин кўшимча: «у Работи малик чўлиниңг ғарбida жойлашган».

⁶ Куллар — П, Т даги ва бошка нусхалардаги бу маънони англатувчи **بر** ўрнида **بر** парда, яъни «дарпарда» ва хоказо маъноси берилган.

⁷ Чоч — Тошкент шаҳрининг илк ўрта асрлардаги номи.

*⁸ Дехкончилик туфайли эмас эди — Л, Д ва Б нусхаларида аксинча: «дехкончилик туфайли эди».

⁹ Кухандиз — «кундиз» шаклида ҳам учрайди. Маънёси: қалъа. XIII асрдан бошлаб Бухоронинг кухандизи «арк» деб ҳам аталган.

¹⁰ Жуфт — асли «жуфти гов», яъни «қўуш хўқиз». Ер ўлчови сифатида ишлатилиб, бир фаслда бир жуфт хўқиз билан ишлов беруб ҳосил олиниши мумкин бўлган ер микдорини англатади.

¹¹ Бўз — текстда **کرباس** (карбос).

¹² Абу Аҳмад ал-Муваффак биллоҳ — Аббосийлар халифаларидан бўлган биродарин Мұттамид даврида (870—892) хукмдорлик килган; вафот йили 891.

¹³ Мукотаа — текстда **مقاطعه**, Аникроғи манба ва тадқикот асарларида учрайдинг «иктакъ» — улуш сифатида тақдим килинган ер-мул. (қ. Сиасетнамә, книга о правлении вазира XI столетия Низам ал-мулька, М. — Л., 1949, стр. 318, прим. 66).

¹⁴ Мухаммад ибн Тоҳир 862—873 йилларда Хуросонда амир бўлган.

¹⁵ Бизнинг замонимизгача — бундан ва яна «хозирда» дейилган сўздан аксар холларда «Бухоро тарихи»ни арабчадан тожик-форс тилига таржима килган Абу Наср Аҳмадни (1128 йил), мазмун такозо килган айrim холлардагина асарни кискартиб баён килган Мухаммад ибн Зуфарни (1178 йил) тушунмок керак.

¹⁶ Малик Шамсулмук. Наср ибн Иброҳим Тамгочон — нусхаларда «Иброҳим» билан «Тамгочон» орасига янгилиш «ибн» кўйилган. Корахонийлар сулоласи хукмдорларидан бўлган Иброҳим Тамгочон 1068 йили таҳтдан воз кечиб, ўғли Шамсулмук Мовароуннаҳрда хокимиятни кўлига олган ва 1080 йили вафот этган.

¹⁷ Омиллар — (текстда «умол»— **عمل** бирлиги «омил» **عامل**) умуман ишчи, хизматчи ёки амалдор маъноларида; бу ерда солиқ йигувчилик лавозимидағи кишини англатувчи тарихий термин сифатида ишлатилган.

¹⁸ Абу-л-Ҳасан Нишопурининг «Ҳазони ул-улум» китобидан келтирилаётган маълумотлар тугайди. Кейинги абзац эса бутунлай таржимон — Аҳмад ибн Мухаммад Насрандир.

¹⁹ Қадрхон Жабранл ибн Умар ибн Тўгрулхон Корахонийлар сулоласидан бўлиб, 1099—1102 йиллар орасида Мовароуннаҳрда бўлган.

²⁰ Арслонхон Мухаммад ибн Сулаймон — Корахонийлар сулоласидан, хукмронлик йиллари 1102—1130.

²¹ Қинторий — текстда: **قطری**. Дозийнинг лугатида «кунторий» талаффузи билан ўқилиб «ўқ ёй» ёки «найза, ёғочи» деб таржима килинган; «Мұхити Аъзам»да эса «қинторий»га «тутатиладиган уд» маънёси, «Бурхони қоти»да ёнгок дараҳтигинг илдизи ичида пайдо бўладиган елимга ўхшаш нарса деб изоҳ берилиб, унинг кон тўхтатиш хусусияти бор дейилган.

²² Мис — Т текстида ва П да **روین**, лекин Л ва Д да **روین** агар буни рўян ўқисак, лугавий маъноси кийимларни кизилга бўяш учун ишлатиладиган бир илдизидир.

²³ Ҳозирда унда подшоҳ ўтирадиган қарорроҳ йўқ — Л ва Д да **بوريست** ёзилган. Мударрис Ризавийнинг бир нусхасида эса — «излари бор **اثری هست**».

²⁴ Бу ерда Сосонийлар сулоласи шаҳзодаларидан бўлган Шопур I (531—578) ёки Ҳусрав II (590—628)нинг ўғли, кўзда тутилса керак. Бу Шопур ҳақида «Бухоро тарихи»нинг кейинги саҳифаларидан бирда сўзланади к. XII боб (T 38, 39).

²⁵ Б. да кўшимча: «Айтадиларки, шайх Абу Али ибн Сино Афшинада туғилган».

²⁶ Али ва Ҷаъфар авлоди — Али — Мухаммад пайғамбарнинг күёви, сафдоши

ва амакиси Абу Толибнинг ўғли; 656—661 йилларда халифалик қилган. У асосан Эронда таркалган шиа мазхабларидан имомий мазхабидаги ўн икки имомнинг биринчиси ҳисобланади; Жаъфар (Имом Жаъфар Содик) эса олтинчисидир, 765 йили вафот этган.

²⁷ Афросиёб — афсонавий шахс; бунинг номи ва ундан кейинги шахсий номлар билан боғлиқ бўлган бу ҳикоя ҳам афсонавийдир.

²⁸ Б. нусхасида кўшимча бир афсона келтирилган: «Айтадиларки, Афросиёбнинг бир кизи бўлиб, унинг доимо боши оғирр эди. Ромтинга келиб турив колганидан кейин бу ернинг ҳавоси мувоғик келиб, дарддан ҳалос бўлди ва бу жойга «Ороми тан» — «Тан ороми» деб ном кўйди. Оддий ҳалк эса буни «Ромтин» деганлар.

²⁹ Ҳожа имом Абу Ҳафс Кабир — Бухорода ўтган машҳур факих — шарнат илмининг билимдони, 834 йили вафот этган. У ҳақда «Бухоро тарихи»нинг кейинги саҳифаларида сўзланади (к. т. 66—69, 92, 93).

³⁰ Вараша — Бухородан 30 км шимоли-ғарбда, қадимий шахар (юкорида Фарахша шаклида келган эди). Ҳозирда колдиклари археологик ишлар натижасида кенг ўрганилган бу қадимий маданият ўчгининг тарихи В. А. Шишкунинг «Вараша» (М., 1963) номли асарида тўла ёритилган.

³¹ Хунукхудот — VIII асрда ўтган Бухоро ҳукмронаридан.

³² Сомонийлар шаҳзодаларидан бўлган Аҳмад ибн Нұхнинг ҳукмдорлик таҳтига ўтирганлиги ҳақида аниқ маълумот йўқ. «Мусулмон династиялари»нинг автори Лен-Пульнинг кўрсатишича ҳамда «Бухоро тарихи»нинг кейинги саҳифаларида ёритилишича, Нұх ибн Насрдан кейин унинг ўғиллари Абдулмалик ибн Нұх (954—961) ва Мансур ибн Нұх (961—976) ҳукмдорлик қилган.

³³ Б. да: йигирма мингдан.

³⁴ Б. да: даштдаги коғирлар.

³⁵ Жездан курилган шаҳристон — текстда: شهرستان روئین шаҳристони рўйн.

³⁶ Арслонхон Мухаммад ибн Сулаймон — к. IV, 20-изоҳ.

³⁷ «Масолик ва мамолик» — яъни «Йўллар ва мамлакатлар»; одатда араб тилида ёзилган географик асарларга бериладиган ном.

³⁸ Б. да кўшилган: Омудан (*از آمویه*). Омуя (ёки Омуй, Омул) ҳозирги Чоржуйнинг ўрта асрлардаги аталиши. XV—XVIII асрларга оид кўпчилик китобларда ҳам Чоржуй шу ном билан машҳур.

³⁹ Ҳарвор — ҳар ҳил шаҳарларда микдори ҳар ҳил бўлган оғирлик ўлчовини англатди. Лугавий маъноси «бир эшак юки», яъни бир эшакка ортилиши мумкин бўлган оғирлик микдори. Бу ерда эса «ҳарворҳо» шаклида ёзилган ва умуман «жуда кўп» деган мазмунда ишлатилган.

⁴⁰ Шаддод — афсона бўйича Ирам богини қурдирган ва золимликда донг чиқарган бир подшоҳнинг номи; шу туфайли адабиётда кўпинча золим подшоҳ — ҳукмдорларга шундай нисбат берилади.

V

¹ Фундукий — яъни жигарранг.

² Омил — к. IV боб, 17-изоҳ.

³ Б да кўшилган: «баъзисини мураккаб рангли килиб тўкиб, «алоча» дер эдилар».

VI

¹ Д да «бут) (بٰت) ўрнида «болалар ўйинчоғи», Л да эса ҳар иккаласи ёнма-ён ёзилган, лекин кейинроқ факат бут ҳақида гап кетади.

² Л, Д ва Б ларда кўшимча: «сўнг ташкари чиқиб бут сотиб олар ва уйларига жўнар эдилар».

VII

¹ Нумижкат — ўрта аср манбаларининг маълумотича, Нумижкат аслида Бухорога яқин, лекин ундан алоҳида бир шахар бўлиб, сўнг бу икки шаҳар бир-бирига кўшилиб кетган, шунинг учун Бухоро гоҳо Нумижкат деб ҳам аталган. «Бухоро тарихи»нинг XXVII бобида ҳам Муқанна кўзголони даврида (VIII аср) Нумижкат Бухородан айрим кишлек эканлигини англатувчи жумла бор (к. Т 80)

² Салмонон Форсий — асли эронлик бўлиб, Мухаммад пайгамбарнинг сахобалариданидир; 655 йили вафот этган.

³ Арабчада Самарон — Л ва Д да бунинг ўрнида **سمر آیت** Симроят.

VIII

¹ Л ва Д да Бухоро арки хисорининг (حصار ارك بخارا). Бу ерда хисор калъя маъносида.

² **بهر انکه این ولایت او را عاریتی بود** Бу вилоят ўзига вактинча бериб кўйилган жой эканлиги туфайли — текстда: ^{ان} аз баҳри онки, ин вилоят уро ория-ти буд.

³ Б да кўшилган: Афросиёбнинг биродари Каршюз (کوشیوز).

⁴ Б да кўшимча бор: унинг кабрини Сиёвуш вали мозори дейдилар.

⁵ Подшохлик девонлари — текстда: **دیوانهای پادشاهی** девонхойи подшоҳий.

⁶ Кутвол — яъни калъя бошлири

⁷ Хоразмшоҳ — бу ерда Хоразмшоҳ Отсиз кўзда тутилиши керак, у 1127—1156 йилларда ҳукмронлик килган.

⁸ Султон Санжар — Салжуқийлар сулоласи ҳукмдорларидан (1119—1157 йиллар).

⁹ Гўрхон — 1141 йили султон Санжарни мағлубиятга учратиб, Мовароуннаҳрни босиб олган корахитойлар сулоласи ҳукмдорининг унвони.

¹⁰ Гуз аскарлари — турк кабилаларидан бирни бўлган гузларнинг султон Санжар (салжуқийлардан) ихтиёридаги аскарлари кўзда тутилса керак.

¹¹ Хоразмшоҳ Муҳаммад ибн Султон Такаш — 1200—1220 йилларда ҳукмронлик килган; «хитойликлар енгилдилар» дейишдан корахитойларни тушунмоқ лозим (к. Ўзбекистон ССР тарихи, I том, I-китоб, Тошкент, 1956 йил, 302—305-бетлар).

IX

¹ Сомонийлар сулоласи ҳукмронлиги, умуман, 874—999 йиллар.

² Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил ас-Сомонийнинг ҳукмронлик даври 914—943 йиллар. У ҳакда тўларок қаранг: XXXII боб.

³ Амалдорлар — текстда **عامل عمال** (уммол) — (бирлиги солик ингувичларга ишлатилса ҳам, бу ерда умумий мазмунга биноан «амалдорлар» дейиш тўғридир.

⁴ Бу ўнта девон (давлат идораси)нинг аталиши текстда кўйидаги тартиб ва' номлар билан ифодаланган: 1) (Девони вазир), 2) (Девони вазир), 3) (Девони муставфий)

دیوان مسنوی دیوان وزیر («Девони муставфий»), 3) (Девони амид ал-мулк) — бу девон Бухоро тарихи

ديوان

Текрон нашрида тушириб колдирилган, бошка нусхалардан қўшилди, 4) «Девони сохиби шурат»), 5) «Девони сохиби муаййид») — бирок «муаййид»нинг луғавий маъноси: «кўмак берувчи» мазмунни тўла ёрита олмаганилиги учун Ликошиннинг тузатиши — бир ید («барид») қабул килинди, 6) «Диوان шраф» — тўғрироги «шараф» ўрнида «мушриф»—
7) «Диوان محتسب» 8) «Диوان مملکه» 9) «Диوان اوقاف» 10) «Девони қа-
зо»).

⁵ Абдулмалик ибн Нуҳ ибн Наср ибн Аҳмад ибн Исмоилнинг хукмронлик даври: 954—961 йиллар.

⁶ «Китоби Яминий»нинг муаллифи Аҳмад ибн Ҳасан ал-Утбий — «Бухоро тарихи»ни форс-тоҷик тилига таржима қилган Аҳмад ибн Муҳаммад бу ерда хатога йўл кўйган: ҳаки-
катда вазирининг номи Абу Жаъфар Утбий бўлиб, «Тарихи Яминий»нинг автори бутунлай
бошка шахс — Абу Наср Муҳаммад ибн Абдулжаббор Утбийдир.

⁷ Ҳамма нусхаларда шундай (خاصگان), лекин Д да «бичилган кул-
лар».

⁸ Сомонийлар сулоласидан бўлган Мансур ибн Нуҳининг хукмронлик йиллари: 961—976.

⁹ Тексти бўйича бу ишни Амири садиднинг шахсан ўзи бажарган; биз умумий маз-
мунга қараб, мазкур тарзда ёзилган бошка нусхалар текстини қабул қилдик.

¹⁰ Мисқол — оғирлик ўлчови: 4,25 грамм.

X

¹ Халифа ал-Мустаъин ибн ал-Мұтасим — аббосийлар халифаларидан: 862—866 йиллар.

² Маволий — аслида «мавло» (хожа, жаноб, валий ва ҳоказо)нинг жами. Бу ердагига ўхашаш «озод этилган кул» маъносида ҳам келади. Маволий (озодлик олган кул)лар Исмоил Сомонийнинг гвардиясида хизмат қилганлар.

³ Дарвазай Нав — «Бухоро тарихи»нинг барча нусхаларида шундай (نو) шакл-
да ёзилган, лекин бошка араб манбаларида Нур(نور) шаклида учрайди.

⁴ Насрхон ибн Тамгочон, яъни Малик Шамсулмулк..., к. IV боб, 16-изоҳ.

⁵ Қароргоҳ — текстда: داز المَلَك (дорулмулк).

XI

¹ Мил (میل) — масофа ўлчови, «Ғиёс ул-луғот»да келтирилишича 4 000 зироъни ташкил этади, ҳар бир зироъ эса 24 энликдан иборат; яна шу луғатда бир мил 4000 қадамдан иборат эканлиги ҳамда бир фарсангнинг учдан бирига баробар келиши ҳам айтилган.

² Ҳизрхон 1080 йили таҳтга ўтирган.

³ Аҳмадхоннинг хукмронлиги 1095 йилгача давом этган.

⁴ Маликшоҳ — салжуқийлар сultonи (1072—1092), у Мовароуннахрга 1089 йили ху-
жум қилган.

XII

¹ Шу ерда Т текстда кинқартириб юборилган, биз П дан таржима қилдик.
² Амири ҳамид даври — қ. I боб, 3-изоҳ.

XIII

¹ Бухоро ва унинг атроф ерларидаги анхор-дарёлар ҳакида тўларок каранг: В. В. Бартольд, Сочинения, т. I, М., 1963, стр. 165—168.

² Сосонийлар сулоласидан бўлган Кисро (Хисрав) I (531—578) ёки Хисрав II (590—628)

XIV

¹ Техрон босмаси ва Д, Л нусхаларида бу сўз йўқ, умумий мазмуни такозосича П дан қўшилди.

XV

¹ Қанпирак девор — ҳаробаларни шу кунларгача ҳам сакланиб қолган; ҳозир ҳам «Кампир девор» деб аталадиган бу мудофаа девори ҳакида тўла маълумот учун к. К. Муҳамедов, «Қадимий мудофаа деворлари», Тошкент, 1961.

² Абу-л-Аббос ал-Фазл ибн Сулаймон Тусий 783 йилдан 787 йилгача амирлик қилган.

XVI

¹ Бу ерда Хуросонда хукмронлик қилган тохирийлар сулоласининг намояндлари келтирилган-у, лекин хатога йўл кўйилган; ишончли манбаларга караганда бу сулола аъзоларининг номлари ва хукмронлик йиллари пастдан юкори караб кўйидаги тартибда бўлиши лозим: Мұхаммад (862—873), ибн Тохир II (844—862), ибн Абдуллоҳ (828—844), ибн Талха (822—828), ибн Тохир I (821—822). Демак, 849—850 йилларда Бухоро шахри атрофига девор олинган вактда Тохир II (844—862) Хуросон амири бўлган.

² Арслонхоннинг хукмронлик даври, юкорида айтилганидек, 1102—1130 йиллар.

³ Масъуд Қилич Тамғочхон — корахитойлар хони (1150—1178).

⁴ Т нашри текстида 560 (18 ноябрь 1164—6 ноябрь 1165), шу нашрда фойдаланилган бир нусхада 564 (5 октябрь 1168—24 сентябрь 1169), қолган нусхаларнинг хаммасида 460 (11 ноябрь 1067—30 октябрь 1068) йиллар кўрсатилган.

Юкорида «Бухоро аркиннинг бино этилиши» бобида ўтганига ва Хоразмшоҳ Мұхаммад ибн Султон Такашнинг хукмронлик йилларига (1200—1220) асосан текстга тузатиш киритилди.

XVII

¹ Абу Бакр Сиддикнинг (халифалик) даври: 632—634 йиллар.

² Хорун ар-Рашид — аббосийлардан; халифалик йиллари: 786—809.

³ Мусо ал-Ходий — аббосийлардан; 785—786 йиллардэ халифалик қилган.

⁴* Бухоро — Б дан қўшилди.

⁵ Қолип — текстда 

⁶ Тери (?) — Бу сўзни англатувчи барча нусхалардаги **مشك** — «машк»нинг луғавий маъноси: кўй терисидан тайёрланган дам, мешкобдир. Аммо металлардан эритиб күйладиган танга пул таркибига тери киритилиши шубҳали бўлганилигига биноан **مشك** (машк) ни **جست** (жаст) ўқиш тўғри кўринади: «Жаст» эса руҳнинг хинчча аталишидир.

*⁷ Хирож тўлашга — Б дан кўшилди.

⁸ Факат Т текстида «кизил олтин» (**زر سرخ**), қолган нусхаларда бунинг ўрнида **در شرع** ёзилган, бунда таржима куйидагича ўзгариши мумкин: «... шаръий [ўлчов] да бир мискол [соф кумуш]...».

⁹ Кўшхи Моҳак — Т нашрига жалб қилинган бир нусхада Моҳак ўрнида Moх.

¹⁰ Бир хабба (**بیک حبه**) — Т, Л ва Д нусхаларида шундай; П ва Б да эса текст бузилиб **بیک جند** «бир қанча» ёзилган.

*¹¹ «Ўн дирамида» — Л да: бир дирамида.

*¹² Ярим дирамдан тортиб тўрт ярим донакгача — Л ва Д ларда «ярим дирам ёки тўрт ярим донак».

Бу бобда учраган оғирлик ўлчовларининг ўша даврларда арабларда ишлатилган микдори тахминан шундай:

мискол — 4,250 гр.

дирам — 3,186 гр.

донак — 0,531 гр.

хабба — 0,071 гр.

XVIII

¹ Муовия I — умавия халифаларидан, халифалик йиллари: 661—680.

² Бир миллион — Б да бир миллион тўрт юз дирҳам.

³ Байгория (текстда ёзилиши **پیغار یەن**) — луғатларда бундай сўз учрамайди, Т нашрида (47-бет) бир нусхада «бутфоруд» (**بنتفارید**) шаклида ёзилганилиги кўрсатилган. Агар бу сўзни хаттотлар хатоси билан «бут офарида» (**بنتافریده**)нинг бузилиб ёзилиши деб тахмин килсан, унда «бутга ўхшаш яратилган» деган мазмун чиқади.

⁴ Кусам ибн Аббоснинг ўз ажали билан ваофт топган ёки ўлдирилганлиги ва бу воқеа Самарқандда ёки Марвда содир бўлганилиги борасида манбаларда ихтилофлар бор. Лекин шуниси анники, хозирда хам Самарқандда мавжуд бўлган Шоҳизинда макбараси унинг бу ерга кўмилтган ё йўклигидан қатъий назар шу шахс номи билан боғланган. Бу хақда муфассал маълумот Абу Тоҳир Ҳожанинг «Самария» асарида тўлиқ келтирилган.

⁵ Язид (I) ибн Муовия (умавия халифаларидан) халифалик килиб турган вақти — 680—683 йиллар.

⁶ Муслим ибн Зиёд ибн Абийх арабларда отасининг номи ноаник бўлган кишига шундай (Абийх) дейилади, яъни: отаси номаълум Зиёднинг ўғли Муслим. Хурросонда амирлик қилган йиллари: 681—684.

*⁷ То бу лашкар етиб келгунича — Л, Д, Б лардан кўшилди.

⁸ Дарё — Б да анирок: Харкон канали.

⁹ Хўтан амири — Хўтан Шарқий Туркистонда жойлашган.

¹⁰ Эртаси куни тонг отгач Бидун сувдан ўтиб, Хўтан амирининг олдига келди, уларнинг оралиги ярим фарсанг келар эди. Текстда:
بامداد دیگر شد و بیلدون
از آب بگشت و نزدیک امیر ختن آمد که میان ایشان نیم فرسنگ بود

Жумла ноаник; Бидун билан Хўтан амири орасида ярим фарсанг қолдими (текст бўйича шундай) ёки мазмунан олганда араблар билан улар орасидами? Б ва Л бўйича эса «... якін келди, оралиқ ярим фарсанг эди». Бундан ҳам тушунилиши шундайки, Бидун билан Хўтан амири лашкарларининг оралиги ярим фарсанг бўлган (араблардан катъий назар).

¹¹ (Араблар) ҳар гал кошишга..., «Бир оз сабр қилинг» деди — Л ва Б да бу жумла шундай: (Араблар) ҳар гал кошишга тутунгандарнида Мухаллаб «бир оз сабр қилинглар» деб кичкирар эди.

¹² ... чакириб — Л ва Б да бу сўздан кейин кўшимча: «у қандай кийимда бўлса шундайлигича».

XIX

¹ Ажам — араблар ўзларидан бошка ҳалкларни «ажам» деб атаганлар, шунингдек, араблар яшайдиган ерлардан бошка мамлакатлар, хусусан Эрон ва Туронлар ҳам «мулки ажам» номи билан юритилган.

² Ҳажжож — араб халифалигининг шарқий қисмларининг 694—714 йиллардаги ноиби Ҳажжож ибн Юсуф; ўз золимлиги билан донг чиқарган. Кутайба ибн Муслимнинг Хуросон амири бўлган йили — 705.

³ Тўхристон — Амударёнинг ўрта ва юкори оқимидағи икки сохилини ишғол этган ерларнинг урга асрлардаги аталиш.

⁴ Ҳунбун — Бухоро билан Пайканд оралиғида жойлашган кишлек.

⁵ Тороб — бу ҳам Ҳунбун яқинида ўрнашган Бухоро кишлопларидан.

⁶ Битта калкон эллик ёки олтмиш дирам — Л да бунинг ўрнида: битта шамшир олтмиш дирам.

⁷ Совет етти юз дирам — Л да бунинг ўрнида: яхши совет тўkkиз юз дирам.

⁸ Ҳайёни Набатий — Кутайбанинг якин кишиларидан.

⁹ Ҳайёни Набатий ... «менга эртагача муҳлат бер» деди — Л бўйича таржима килинди. Т да босма хатога йўл кўйилган бўлса керак, бу жумла ўрнида шундай: Ҳайёни Набатий Кутайбага қараб «мен ўзим шу йўлни ахтармокдаман, то эртагача менга муҳлат бер» деди.

¹⁰ Ўз вилоятимга — Т да йўқ, Л дан кўшилди.

XX

¹ ... баён килинди — к. XVIII боб.

XXI

¹ Бкнитонкунт (بکنیتاںکوئی) ва икунненкунти (نکونیاںنکونی) Т нусхасидаги ёзилиши шундай; бошка нусхаларда ҳам шунга якін, лекин бир оз бошқачароқ шаклларда, масалан, Л да **بکنیا بکویی بکنیتا بکنیدت** келган; рукуъ ва сажда маъноларини англатувчи кадим Сўфд ва Бухоро тилларидаги сўзлар.

² Мен (бунинг сабабини) ўз устозимдан... бутга чўкинар эдилар — Т, П, Б нус-

گفت

پرسىلىم از استاد خویش که ان درها باول که نهاده بود و مردى که عمر يافته بود كفت سبب آن جنان بود که بزمان گفتندی بیرون شهر

«Айтди (Мазмун бўйича Наршахий айтган — ред): мен ўз устозимдан у эшикларни аввал ким кўндириган эди»— деб сўрадим ва кўп умр кўрган бир киши айтди (орада устозининг эшикларни курган дурадордан нақл килаётганилиги хақидаги гаплар тушириб колдирилган — ред): бунинг сабаби шуки, айтишларича, бир вактлар шаҳар ташкарисида...».

Ликошин ва Фрайларнинг таржималарида ҳам ана шу қисқартирилиб бузилган текст бўйича таржима килинган.

*³ Эшиклар хунук бўлиб кетмасин учун — Л дан кўшилди.

*⁴ Томлардан — текстда **باوها** бу ерда «баландлик» маъносида келган бўлиб, масжиди жоменинг бошка иморатларга караганда пастлик ерда ўрнашганилигидан дарак беради.

*⁵ Л да кўшилган: «ҳозир «гардани шутур»— «ття бўйни» деб аталаидиган жойда.

*⁶ Шу ердаги саналарда ноаниклик бор: Хорун ар-Рашидининг халифалик йиллари — 786—809; Фазл иби Яхё иби Холид Бармакий шу йиллар орасида (794—795) Хуронга амирик килган, демак масжиди жоме курилган йил: 770—771, булардан илгарироқ бўлиб колади.

*⁷ Абу... кози — Т текстида **قاض** (Абу... коз) ҳамма нусхаларда ҳам тўлиқ ном келтирилган эмас. Лекин Т даги «коз» (قاض) ўрнида П ва Б ларда «кози» (**قاضى**).

*⁸ Абу Абдуллоҳ ал-Жайхоний — текстда Убайдуллоҳ ёзилган, лекин тўғриси Абдуллоҳ, «Китоб ул-масолик ва-л-мамолик» номли бизгача етиб келган-келмаганилиги ноаник бўлган географик асарнинг автори; Сомонийлар сулоласи хукмронларидан Наср II ибн Ахмаднинг (914—943) вазири бўлган.

*⁹ Тамоҷхоннинг хукмронлиги давриннинг охири — 1068 йил (к. IV, 16-изоҳ).

*¹⁰ Бу орадаги жумлаларда чалкашлиқ бор. Тарихий адабиётда ёритилишича, коражонийлар хукмдори Иброҳим Тамоҷхон 1068 йили ўз ўғли Шамсулмулк фойдасига таҳтдан воз кечган. Бошка ўғли — Сайфас (В. В. Бартольдинг анеклаши бўйича Шуайс) эса биродарин Шамсулмулкка қарши бош кўтарган. Шамсулмулк то 1080 йилгacha хукмронлик қилган (В. В. Бартольд, Сочинения, т. I, М., 1963, стр. 377).

XXII

¹ Амири садид Мансур ибн Нуҳ ибн Наср — Сомонийлар сулоласидан, хукмронлик йиллари: 961—976 (к. XXXV боб).

*² Арслонхоннинг — Б дан кўшилди.

XXIII

¹ «Кўйи риндон» (текстда **کوي پدید**): Л ва Д да — «Кўйи падид — очик кўча, яъни «жамоат кўчаси», Б да — **کوي گبران** — «Кўйи габрон»—оташ парастлар кўчаси.

² Абу Жаъфар Давонакий, яъни халифа Мансур; аббосийлар халифаларидан, 754—775 йилларда халифалик килган.

³ Биз мазмун бўйича «хосил» деб таржима қилганимиз сўз асосида текстда сўзи бор.

⁴ Тоҳирийлар сулоласида бундай ном йўк. Умуман бу сулоланинг Хуросонда ҳукмронлик йиллари 821—873.

⁵ Кандиз (яни кухандиз — кўргон), ЎзФА Шарқшунослик институтининг 2212/1 ракамлик кўлёзмаси (варақ 43 а), Лиқошин ва Фрай таржимасига асосан (цитадель) қабул қилинди. Т текстида ва П да **گبرىيە** — Габрий; Л да Д да **كندى تو** Канди нав ёзилган.

⁶ Жоҳа имом Абу Ҳафс Кабир Бухорий — Бухоронинг машхур факихларидан, вафот йили, «Бухоро тарихининг ўзида кейинрок айтилишича, 832 (к. шу боб Т нусхаси, 68-бет).

⁷ Тўғриси: Мұхаммад ибн Ҳасан Шайбоний, машхур фикҳ олими, Абу Ҳанифанин шоғирди, вафоти йили — 804.

⁸ Ислом авторлари орасида Шамс ул-аймма ал-Ҳалвойигача (вафоти 1060 йил атрофида) ўтган фахихларни «мутакаддимин» «аввагиллар», ундан кейинги фахихларни эса «мутааххирин» — «кейингиллар» деб юритилади.

⁹ Абу Абдуллоҳ — Абу Ҳафс Сағир деб ҳам аталади, вафоти йили — 877.

^{*10} Мұхаммад ибн Толут ... ривоят килишларича — Д нусхасида «Мұхаммад ибн Толут «Фасл ул-хитобдан» сўзлари келтирилмаган, Л да ҳам текст ичida йўгу, ҳошияга ёзилган. Б да эса «Фасл ул-хитобдан»дан кейин, бу китобнинг Жоҳа Мұхаммад Порсойи Бухорий томонидан ёзилганлиги кўшимча қилинган. Шу далилларга кўра ҳамда Мұхаммад Толут исмларининг қайтарилиши ҳам «ривоят килишларича» деб кўплик шаклида ёзилишига асосланниб, жумла бошидаги «Мұхаммад ибн Толут Ҳадсоний» исмини ортиқча деб фараз қилиш лозим.

¹¹ Вазир — Д ва Л да бунинг ўрнида **حضرت** — «Бичилган қул».

¹² Мужовирлар (**مجاوران**) масжид ва мозорларда тунаб юрувчилар.

^{*13} Ҳакраҳни «ҳақ» деб атаганлар — Л да «Ҳакраҳдан ҳақ — ҳакиқат истаганлар». «Ҳакраҳ»нинг мазмуни: ҳақ йўл.

¹⁴ Кутайба ўлдирилган йил — 715.

XXIV

¹ Асад ибн Абдуллоҳ ал-Қушайрий 166 (782—783) йилда эмас, J20 (29 декабрь 737—17 декабрь 783) йили вафот этганилиги тарихий адабиётда манбалар асосида аникланган. Бинобарин, 166 йилни 120 деб тушунмок лозим; шунингдек, унинг нисбаси ҳам «ал-Қушайрий» эмас, «ал-Қасрий»dir.

² Сомон кишлоғи баъзи манбалар маълумотиша Самарканда атрофида дейилган, бирор «Бухоро тарихидаги» бу сўзлар, кўпчилик манбалар билан бир каторда, Сомон кишлоғининг Балхга яқин ерда эканлигинидан дарак беради.

³ Абу-л-Ҳасан Майдоний — академик В. В. Бартольднинг аниклашича, «Майдоний» эмас «Мадониний» ёзилиши керак (Сочинения, т. I, М. 1963, 60-бет, 3-изоҳ). Майдоний эса (тўла номи Абу-л-Ҳасан Али ибн Мұхаммад) араб тарихнависларидан бўлиб, 830 ёки 840 йилда вафот этган. Тарихий-биографик манбаларнинг маълумотиша у арабларнинг Хуросонда олиб борган истилочилик урушлари, Асад ибн Абдуллоҳ ал-Қасрийнинг ҳукмронлиги, Наср ибн Сайёрнинг ҳукмронлиги, Кутайба ибн Мұслим ҳақидаги латифаларга онд китоблар ёзган (В. В. Бартольд, ўша асар, 49-бет).

⁴ Зиммийлар — ислом дини ҳукмрон бўлган мамлакатда яшаб турувчи бошка динларга мансуб кишилар, ислом давлати ўз химоясида сақлаб турганлиги эвазига зиммийлар маълум солик — жизя тўлаб турганлар.

⁵ Солик йиғувчи — текстда кўплик шаклида **عامل** (уммол) келган; гап бир киши устида кетаётганини учун **عامل** (омил) ўқилди.

XXV

¹ Наср ибн Сайёр — Хурисонда амирлик йиллари: 738—748.

² Бу йил 120 (737—738) ўқилиши тўғри эканлиги ҳакида к. XXIV боб. I-изох.

³ Ҳишом ибн Абдулмалик ибн Марвон — умавийлар халифаларидан, халифалик йиллари: 724—743.

⁴ Юкори Хунбундаги «Кораки алабиён — «Али авлодининг экинзори» — «екинзор» сўзи текстда **ضياع** берилган. Л да «Хунбун»ни «Ханбун» килиб харакат кўйилган ва «Кораки алабиён» ўрнида «Ханбуни мугон» (**خبرون مغان**) ёзилган.

⁵* Бухорхудот ... ўлди — Л да жумла тўларок: «Бухорхудот Наср ибн Сайёрга васият килди ва бир кундан кейин ўлди».

⁶ Б ва Л да кўшимча: уни Кутайба подшоҳ килган эди.

XXVI

¹ Бу бобда баён килинган воқеалар 750—751 йилларда содир бўлган.

² Али — к. IV боб, 26 изох.

³ Марвонийлар — умавийлар халифаларидан (661—750) охиргаси Марвон II (744—750) нинг авлод-тарафдорлари кўзда тутилади.

⁴ Аббосийлар — умавийлар (661—750) халифалигидан кейинги 750—1258 йилларда хукмронлик килган халифалар сулоласи.

⁵ Барзам — текстда ёзилиши **برز** (Брэм). «Ҳафт қулзум»да буни Амударё ёқасидаги бир қалъа номи дейилган. Лекин «Замм»ни алоҳида олсак, у Карки шахрининг қадимий номи. Зам вилояти Амударёнинг Каркидан жанубдаги кисми, Андхўй Маймана атрофлари.

⁶ Абу Муслим — умавийлар хонадони халифалигининг йикилиши ва аббосийлар хонадони халифалигининг ўрнатилишида аббосийларга катта хизматлар кўрсатган шахс. Унинг аббосийлар хонадони халифалигига дэъватчилик ишини бажарганини ҳакида кейинроқ «Бухоро тарихи»нинг ўзинда эслатилади.

⁷ Омуй (ёки Омужа), яъни Омул — к. IV боб, 38-изох.

⁸ Кашмиз (текстда **كشمیز**), Б да **عامت سیاه** (кшмхтин), Фрай изоҳида бунинг Омужа (Чоржуй) якинида ўрнашган шаҳар эканлиги ва «Кушмхоя» ўқилиши тўғрилиги кўрсатилган.

⁹ Сипоҳ аломатини (**عامت سیاه**) шакоро килди — Лиқошин буни ҳамма нусхаларда шундай ёзилганидан катъий назар **عامت سیاه** — «кора аломат» ўқилиши тўғри деган. Чунки аббосийларнинг байроклари кора рангли бўлган. Тағшода Зиёд ибн Солих тарафида жанг қилганини учун шундай аломат кўрсатган бўлишини тўғри деб тушуниш мумкин.

¹⁰* Араблар — Л дан кўшилди.

XXVII

¹ «Ахбори Муқанна» (номли китоб)нинг муаллифи Иброҳим ва Мухаммад ибн Жарир ат-Табарийларнинг айтишича ...

Иброхим — бу Абу Исҳок Иброхим ибн ал-Аббос ас-Сулай эканлиги ҳакида Бартольд (Сочинения, т. 1, М., 1963, стр. 60) гумон билдирган. Машхур тарихнавис Табарийнинг яшаган йиллари 839—923.

² Маҳдий ибн Мансур — аббосийлар халифаларидан, халифалик йиллари: 775—785.

³ Абу Жаъфар Давонакий даври, яъни аббосийлар халифаларидан бўлган Мансур (754—775 йиллар)нинг даври.

⁴ Аббосийлар даттаватчиси Абу Муслим замонида — к. XXVI боб, 6-изоҳ.

⁵ Абдулжаббор Аздий — 758 йили Хуросон амири бўлган.

⁶*⁶ Бу жумла Л, Д ва Б нусхаларида юқоридаги абақа олдидан тўларок ҳолда келтирилган: У ҳали Марвда эканидаёқ ҳалкни йўлдан чикарсинлар деб ҳар жойга доий (ташвиқотчи)лар юборди.

⁷ Нахшаб ёки Насаф — ҳозирги Карши ёнидаги қадимий шаҳар. Кеш — Шаҳри-сабз ва Қитоб.

⁸ Бошқа нусхаларда Амр.

⁹ Нўмижжат — текстда نمجھت ب да ва د да لумижжат (к. VII боб, 1-изоҳ).

¹⁰ Т текстида бу ерда خشري — Ҳашрий (ёки Ҳишрий), аммо кейнинг учрашида Ҳашвий ёки Ҳишвий). П текстида Ҳашрий ёзилиб, ҳато-савоб жадвалида Ҳашвий килиб тузатилган. Л, Д нусхаларидаги ёзилиши ноаник.

¹¹ Шараф — Л ва Д да: Ашраф.

¹² То — Л дан олиб таржима килдик, Т, Д, П ларда Л даги ل ўрнида ب، و (вабо бўлиб, маъною англашилмайди).

¹³ Маоз ибн Муслим Хуросонга амир бўлган вакт — 777 йил.

¹⁴*¹⁴ Нарвонлар — Д ва Л дан кўшилди.

¹⁵ Ҳарий — яъни Ҳирот шаҳари; ҳозирги Афғонистоннинг шимоли-тарбига ўрнашган.

¹⁶ Арбинжон ва Зармон — Бухоро билан Самарқанд орасида йўл устида ўрнашган кишлоплар номи.

¹⁷*¹⁷ Ҳикоят — Б дан кўшилди.

¹⁸ Ҳирот амири бўлган Саъид кўп лашкар билан Муқанна хисорининг дарвозасига келиб кўнди — Б да жумла тўларок келтирилган: «Муқанна саройи дарвозасига йи-гирма мингдан ортиқ лашкар борди, урушлар килди, аммо уни ололмади. Муқаннинг ҳалок бўлиш вакти етгач, Маҳдий Ҳиротнинг амири бўлган Саъид Ҳарашийни юборди ва у лашкар билан хисор дарвозаси (олдига) келиб кўнди.

Б даги Саъид Ҳараший ёзилиши тўғридир, чунки Т нусхасида ҳам (88-бет) سعید حرشى келган.

¹⁹*¹⁹ Бу кишлопнинг эрекклари — Д ва Л да: бу кишлопка келган мусофиirlар.

²⁰ Такона — Л ва Д да: نکان «Сакона».

XXVIII

¹ Л ва Д нинг ҳошиясида «Тарихи Фаҳруддин Али Муставфий Ирокний»дан келтирилган илова бор: уларнинг ҳукмронлик муддати бир юз ўн йилу олти ою етти кун бўлган. Уларнинг мамлакати Турк диёридан то Ҳинд, форс ва Ирок чегараларигача, турар жой (пойтахт)лари эса Бухорода бўлган; уларнинг адади ўн нафар.

² Аббосийлар халифаларидан бўлган Ҳорун ар-Рашидинг халифаликка ўтирган

Йили — 786, вафоти Йили эса — 809. Шунга күра мазкур Самарқанд, воеалари 809 йилда содир бўлган.

³ Маъмуннинг халифаликка ўтирган Йили бевосита Хорун ар-Рашиддан кейин (809) эмас, 813 йили вое бўлган ва у 833 йилгача халифаликда турган.

⁴ Икки юз иккичи — П ва Л да: икки юз тўксон икки (13 ноябрь 904—1 ноябрь 905); Да да икки юз тўксон (5 декабрь 902—23 ноябрь 903), лекин ишончли манбагарга асосан бу нусхалардаги саналар кўчирувчилар хатоси бўлиши керак.

⁵ Фассон ибн Уббоднинг Хурносон амирилигидан туширилган Йили — 821.

⁶ Тохир ибн Хусайн — 821—822 йилларда Хурносон амири бўлган.

⁷ Нух ибн Асаднинг вафоти Йили 842, Ахмад ибн Асадники — 864.

⁸ Аббосийлардан бўлган Восиннинг халифанинг йиллари — 842—847. Шунга кўра бу халифанинг номи янгилик келтирилган. Академик В. В. Бартольд Табарийнинг маълумотига асосланиб, Наср ибн Ахмаднинг бутун Мовароуннахрга амир килиб тайинланганлиги ҳакидаги фармонни 875 йили аббосийлар халифаси Мұттамид юборганилиги ҳакида айтади (В. В. Бартольд, Сочинения, т. I, М., 1963, стр. 268).

XXIX

¹ Амр ибн Лайс — Саффорийлар сулоласининг асосчиси Яъкуб ибн Лайснинг биродари; 879 йили ўз акаси ўрнига таҳтга ўтирган. Сомонийлардан амир Исмонл уни Балхда мағлубиятга учратганилигига воеаси XXX бобда батафсил сўзланган.

